

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОИЙ
ФАНЛАР

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

7-8

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЎЗБЕКИСТОНДА
ИЖТИМОЙ
ФАНЛАР

1992

7—8

ОБЩЕСТВЕННЫЕ
НАУКИ
В УЗБЕКИСТАНЕ

Издается с мая 1957 г. по 12 номеров в год

ТАШКЕНТ
ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
1992

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Акад. АН Узбекистана И. И. ИСКАНДЕРОВ (главный редактор), чл.-кор. АН СССР Э. Ю. ЮСУПОВ, акад. АН Узбекистана А. А. АСКАРОВ (зам. главного редактора), акад. АН Узбекистана С. К. КАМАЛОВ, акад. АН Узбекистана Ш. З. УРАЗАЕВ, акад. АН Узбекистана М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана А. А. АГЗАМХОДЖАЕВ, чл.-кор. АН Узбекистана Б. А. АХМЕДОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Х. П. ПУЛАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана Ж. Т. ТУЛЕНОВ (зам. главного редактора), чл.-кор. АН Узбекистана А. Х. ХИКМАТОВ, чл.-кор. АН Узбекистана М. Ш. ШАРИФХОДЖАЕВ, доктор ист. наук Б. В. ЛУНИН, доктор ист. наук Р. Я. РАДЖАПОВА, доктор юр. наук Х. Р. РАХМАНҚУЛОВ, доктор ист. наук Г. Р. РАШИДОВ, доктор ист. наук А. У. УРУНБАЕВ, доктор экон. наук К. А. ХАСАНДЖАНОВ, доктор филос. наук С. Ш. ШЕРМУХАМЕДОВ, доктор ист. наук А. М. ЮЛДАШЕВ, Б. И. КНОПОВ (ответственный секретарь).

Адрес редакции: 700047, Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Телефоны: 32-73-29, 4-83.

НАУЧНО-ИДИОЗДАТ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

© Издательство «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 1992 г.

„Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари“ мавзусидаги илмий сессиянинг материаллари

И. И. ИСКАНДАРОВ
КИРИШ СУЗИ

Биз олимлар жамоаси билан собиқ Иттифоқ мустақил республикаларида ва республикамизда юз берәётган муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий-гуманитар фанларга мутлақо даҳлдорлигини ва унинг бу жараёндаги муҳим ролини ҳисобга олиб, шу қийин бир даврда фанимизнинг мавжуд имкониятларини республикамиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга сафарбар этиш мақсадида, унинг долзарб вазифаларини кенг муҳокама қилиш асосида аниқ дастурини ишлаб чиқишига ва устивор йўналишларни белгилаб олишига келишиб олган эдик.

Бугунги анжуман ушбу масалаларни атрофлича кўриб чиқишига бағишиланган.

Маълумки, ҳар қандай ижтимоий тараққиёт жараённада унга монанд тафаккурни ташкил топнишида ва уни инсон онгига сингдириш ва бу туфайли унинг куч-қудратини буюк ишларга сафарбар этишда илм-фанинга, айниқса ижтимоий-гуманитар фанларнинг хизмати беқиёдир.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолат. Биз ҳозирги даврда вужудга келган иккита муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда фанимизни вазифасини ва унинг истиқболини аниқлаб олишимиз керак:

- биринчидан, асрлар оша не мاشаққатлар билан эришилган мустақилликни мустаҳкамлашга аниқ ёндашиш;
- иккинчидан, мақбул бозор иқтисодиётни тизимини шакллантириш асосида жаҳон бозори таркибига кириб бориш.

Ҳар иккала масала, айтишга осон туяулса ҳам, уни амалга ошириш учун республикамизнинг катта имкониятларини сафарбар этиш лозим бўлади.

Бу соҳада республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳукumat томонидан Президентимиз И. А. Каримов раҳбарлигига Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан химоялаш ва барча фидойи кучларни бу садоқатли ишга сафарбар этиши зарур.

Ҳозирги даврда бошқа республикаларда юз берганидек, СССР парчаланиб кетгандан кейин республикамиз ҳам оғир дамларни бошидан кечирмоқда. Чунки ҳаётда дуч келинмаган ва синовдан ўтмаган мураккаб муаммолар билан тўқнашишга тўғри келмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири пухта тайёргарлик кўрмасдан туриб бозор иқтисодиётига зудлиқ билан — 500 кунда ўтиш мафкурасини олға суриш бўлса, унинг устига СССР парчаланиб кетини оқибатига вужудга келган сиёсий ўзгаришлар бу жараённи мураккаблаштириб ўборгани бўлди. Бунинг натижасида ҳамкорлик асосида бунёд этилган иқтисодиётнинг тизими мустақилликка кенг йўл очиб беролмай унга, аксинча гов бўлиб қолмоқда.

Ҳар бир республика маҳсулотга бўлган талабини, ўзининг ҳисоби-

га, яъни бозор талаби асосида бошқа республикалар шартларига кўниши асосида амалга оширадиган бўлиб қолди.

Бундай тартиб, биринчидан, нарх-навонинг кескин кўтарилишига, иккинчидан, мавжуд иқтисодий алоқаларнинг барбод бўлишига олиб келиб, ишлаб чиқариш даражасини барча республикаларда камайиб кетишига ва халқ турмуши фаровонлигининг пасайиб кетишига сабабчи бўлди.

Шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиётiga ўтишнинг ўзига хос тартиблари ва қоидалари бор, унга риоя қилмасдан туриб, ундан куттилган натижани олиш мумкин эмас.

Бу борада хорижий мамлакатларнинг орттирган тажрибасини ўрганиб уни ўзимизга мақбул даражада ўз шароитимизда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу боисдан Туркияning кейинги йиллардаги тараққиёти эътиборга сазовор. Биз яқинда ҳукумат делегацияси таркибида Туркияда бўлиб, бундай ривожланишининг гувоҳи бўлдик. Туркияда жон бошидаги миллий даромад 1987 йилда 1628 долларни ташкил этган бўлса, 1990 йилда 2525 долларни, АҚШда эса 19 минг долларни ташкил этган. Шу давр ичida собиқ СССРда ва республикамизда ўсиш юз бермай, аксинча пасайиш содир бўлди ва жон бошига 1990 йилда СССРда 2100 сўм ва республикамизда 1100 сўм миллий даромад яратилди, холос. Рақамлар бу мамлакатни ривожланиш тажрибасини ўрганишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам Туркия моделини республикамизда қўллашга алоҳида урғу берилмоқда, чунки у бизнинг шароитимиз учун анча қулай.

— биринчидан, Туркия бозор иқтисодиёт тизимига ўтган мамлакатларнинг деярли энг кейингиларидан бўлиб у ўз моделида энг мақбул йўлларни жисплаштирган;

— иккинчидан, бу иккি халқ ўртасидаги қадимий ва ҳозирги умумий миллий қадриятлар бирлигидир. Бу халқларни қадимийлигининг инсоният тараққиётида қўшган ҳиссаси. Үрхун дарёси бўйларидан тортиб Дунайгача, Ёкутистондан то Гобигача бўлган масофада тарқалган Үрхун-Енисей ёзуви ёдномаларида ва Урта Осиё туркий алломаларининг буюк кащфиётларида ва бой маданиятида мужассамланган. Бу беқиёс матьнавий бойликлар. Шу боисдан ҳам ўзбек ва турк ўзлари эришган ютуқларини «олди-сотди» шартисиз, балки қон-қардошлик меҳри амри билан баҳам кўришадилар ва самимий ҳамкорлик қиласдилар. Биз ўз сафаримизда буни ҳақиқий гувоҳи бўлдик; Бинобарин, Туркия моделининг биз учун макбуллиги ҳам худди мана шундадир;

— учинчидан, тил бирлиги. Бу жиҳатдан ҳам Туркия тили орқали жаҳон иқтисодиёт маданиятини эгаллаш бизнинг мутахассисларимизга қулай ва арzon бўлади.

Қайд қилинган омиллар Туркия «моделини» бизнинг шароитимизда оқилона татбиқ этишини тақозо этади.

Албатта, ижтимоий-гуманитар фанлар мана шундай мураккаб шароитда, унинг тавсияларига талабчанлик кўчайган даврда мамлакатимизда қайта қуриш туфайли вужудга келган айrim демократик силжишлар ва бошқарилиши қийин бўлган ижтимоий-иктисодий ва матьнавий-руҳий инқизозлар таъсири доирасида ривожланди ва ривожланмоқда.

Эндиликда, у кейинги ўн йиллар ичida жамиятимиз тараққиёти жараёнларини ўрганиш, ҳозирги танглик холатига олиб келган бир қанча муҳум зиддиятларни етарлича аниқлаб олиши зарур. Ана шу зиддиятлар асосида, энг аввал, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиши даражасининг мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари характеристига номувофиқлиги ётадики, бу вақт ўтиши билан тобора чуқурлашиб борди. Биз ҳозирги турғунлик ва қайта қуриш деб атаётган йиллар мобайнида бу номувофиқлик янада кучайди. Бу даврда иқтисод жўшқинлиги тобора кўпроқ йўқота борилди ва амалда сарф-ҳаражатларга зўр

берилиди. Устига-устак шундай жараёнларга йўл очиб берилдики, улар узоққа чўзилган озиқ-овқат ҳамда ҳалқ истеъмол моллари танқислиги ортишига олиб келди. Пулнинг қадрсизланиши кучайиб, қадр-қиммати пасайиб кетди. Нарх-навони тинмай ислоҳ қилишлар ҳалқ турмуш дарражасига салбий таъсир этди. Бу, ўз навбатида, ўзаро иқтисодий алоқаларга путур етказди. Натижада ишлаб чиқариши воситалари бозори сингари истеъмол бозори ҳам тамомила номутаносиб ҳолга тушиб қолди. Бу эса мамлакатдаги ижтимоий вазиятни, миллатлараро муносабатларни хавфли даражада кескинлаштириб юборди. Юзага келган вазиятнинг туб сабабларини аниқлай олмай туриб ундан қутулишнинг пухта механизмини ҳам ишлаб чиқиш мумкин эмас. Зикр қилганимиздек, бунинг сабаблари кўп, аммо менинг назаримда, энг асосий сабаб мавжуд тизимнинг тоталитар ва бюрократик ҳолатга келтирилиши, мазкур тузумни бошқаришида йўл қўйилган қатор кўпол хатоликлар ва инқолобий ўзгаришларни, яхши идрок қилиш учун ҳалқнинг тафаккури маънавий-руҳий жиҳатдан етарли даражада тайёр эмаслигини-ҳисобга олинмаётганликдадир.

Бунинг устига иқтисодий оқибатлари чуқур асосланмаган ҳолда устивор йўналишлар бўйича «буюк» дастурларни ишлаб чиқиш сабиқ мамлакатнинг раҳбариятига хос хусусият бўйлиб қолган эди. Табиатни ўзгаришиш Сталин дастури, бўз ва кўриқ ерларни ўзлаштириш Хрушчев дастури, БАМни бунёд этиш, Брежнев дастурлари — булар ҳаммаси юз-юз миллиардлаб давлат хазинасига зарар келтирди, ўз навбатида эса озиқ-овқат дастури ҳал этилмади. Ноқоратупроқ ерларни тинмисиз «буюк қўчиришлар» вайронага айлантириди.

Мамлакатимиздаги иқтисодий бошқариши таомиллаштириш йўлидаги тинмисиз, беҳуда уринишлар, ўйланмаган ва илмий асосланмаган Горбачевнинг иқтисодий ислоҳоти оҳирги зарбани етказди. Бунинг устига қайта куриш шароитида ҳам хўжалик юритишига оид пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилиндики, улар азалдан йўл қўйилган ўзаро иқтисодий алоқаларни амалда издан чиқариб юборди. Бу эса, мамлакатни таназзулга олиб келишининг асосий сабабларидан бири бўлди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сабиқ иттифоқ республикалари билан биргаликда бунёд этилган бойликларнинг аксарият қисми СССР-нинг Оврупо қисмиди, хусусан Россиядаги жойлаштирилган эди. Ўрта Осиё республикалари ҳиссасига эса жуда кам миқдор тўғри келади. Масалан, Узбекистон Республикасида жон бошига сарфланган капитал сармоялар сабиқ Иттифоқдагидан 2 баробар, унинг Оврупо қисмидагидан эса, 3—4 баробар камдир.

Илгари юритилган мафкуравий сиёsat бўйича бу фарқ унча сезилмас эди, чунки бу бойликлардан қисман бўлса ҳам биргаликда фойдаланилар эди. Эндиликда бу мулклар республикаларга ўтказилганлиги натижасида ҳисоб-китоблар бозор принципи асосида амалга ошириладиган бўлди. Демак, ўзимизнинг қонуний улушимишни бозор нархida сотиб олишга мажбурмиз. Бу ҳол республикамизни оғир иқтисодий муҳитга олиб келди. Мамлакатда юзага келган бундай ноxуш ҳолат илм-фан тараққиётига ҳам салбий таъсир этди (ҳозирги кунда бу соҳада республикамизда 9 мингдан ортиқ илмий ходимлар, шу жумладан 340 фан докторлари, 3200 фан номзодлари фаоллик кўрсатмоқда).

Бинобарин, мана шундай оғир шароитда бизнинг кўп сонли ижтимоий-гуманитар фани жамоалари ҳам ўз изланишларига танқидий кўз билан қарашлари лозим. Чунки бизлар ўз вақтида хаёлпаратларга бундай пишиб етилмаган тадбирларни қандай ноxуш оқибатларга олиб келишини атрофлича таҳлил қилиб огоҳлантира олмадик. Биз юз берайтган воқеаларни олдиндан чамалашга қодир бўлаолмай, уларнинг кузатувчилари бўйлиб қолдик. Шошма-шошарлик, талаблар тазини остида ҳали чуқур ўрганилмаган, пишиб етилмаган тавсиялар таклиф

этиш анъанага айланиб қолди. Бунинг натижасида, айниқса, фалсафа, тарих, иқтисодиёт, ҳуқуқий фанларнинг айрим соҳалари ўз фундаментал йўналишларининг жиловини йўқотиб кўиди.

Боз устига ижтимоий фанлар йўналиши марказдан тавсия этилган ва маъқулланган ҳар хил ақида моделлар ва норматив далолатномалар асосида таркиб топди. Булар ҳаммаси, ягона халқ ҳўжалиги комплекси манфаатларига монанд эди. Масалан, нарх-наво сиёсатини олайлик. Ҳозирги пайтда 1 тоннаси 120 минг сўмга сотилаётган пахта толаси аввал сув текин 2 минг сўмга сотилган. Шундай йўллар билан республика иқтисодиётига путур етказилди. Фан изланишлари эса ана шундай услубларга мослаштирилган эди.

Қолаверса, ҳозирги ижтимоий ривожланиш талаблари билан фаннинг имкониятлари ўртасида вужудга келган жиддий зиддиятни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Фаннинг йўналишлари ва уни ташкил этиш услублари институтларимизда ўн йиллар давомида эски мафкура асосида қурилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Натижада, илгари бажарилган кўпчилик ечилмаларга эҳтиёж кун сайн камайиб бормоқда. Бундай янги шароитга кўникиш жараёни эса жуда қийинчилик билан кечмоқда.

Бозор муносабатлари туфайли юзага келган ижтимоий-сиёсий ва маънавий инқирозларни таҳлил этиш биринчи навбатдаги вазифалар дандир.

Кўз олдимизда турмушимида тез суръатлар билан янги ижтимоий табакаланиш юз берди. Оқибатда жамият «бойлар» ва «камбағаллар» табақасига ажралиб, зўравонлик ҳар хил кўринишда намоён бўлмоқда. Олимларимиз мутахассислар билан ҳамкорлиқда бу иллатлардан қутилиш имкониятларини тавсия этмоқликлари, улар янги услубий принцип асосида такомиллашган бозор иқтисодиётни тузилишини таклиф қилишлари жоиздир.

Республикамиз учун яна энг муҳим масалалардан бири ўсиб бораётган аҳолини иш билан таъминлаш ва шу асосда халқ ҳўжалиги тузилишини ўзгартиришдан иборат. Чунки, аҳоли сони ҳозир 21 миллион киши бўлса, 2010 йилларга қадар 40 миллионга этиши кутилмоқда, шу муносабат билан янги муаммолар кутилмоқда, айниқса ишсизлар сони, бозор талаби асосида 10 миллионга этиши мумкин. Бу ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий масала.

Олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири бой тарихий ва юксак маданий меросимизни кенг кўламда таҳлил қилиш ва уни умуминсоният тараққиётига қўшган ҳиссасини атрофлича ёритишдир.

Ижтимоий-гуманитар фанлар ютуғи тўғрисида атайлаб тўхтамадим, чунки бу ҳақда бўлимининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган йиллик мажлисида батағсил гапирилган эди.

Шуни айтиш керакки, 1991 йилги Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг бештасидан иккитасининг ижтимоий-гуманитар фанлар соҳибларига берилиши бу соҳанинг катта ютуғидир.

Хуллас, бугунги анжуманда юқорида қайд этилган ва бошқа дол зарб масалаларни ҳал этиш тўғрисида батағсил фикр юритилади.

М. ҲАИРУЛЛАЕВ

ЖАМИЯТНИ ЯНГИЛАШ ДАВРИДА ФАЛСАФА ФАНИНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Собиқ СССРда барпо этилган социализм шакли барча соҳада ягона синф ҳукмронлигини таъминлаш, ягона мафкура, ягона фирқа, ягона мулк шакли, барча республикаларни ягона марказга бўйсундирish асосида қурилган эди.

Барча ижтимоий фанлар шу сиёсий мақсадларга қаратилган, социализмни мафқуравий асослашга бўйсундирилган эди.

Мамлакатимиздаги социалистик ўзгаришларнинг назарияси бўлиб хизмат қилувчи марксча-ленинча фалсафа эса, фалсафа фани ривожи-нинг сўнгги олий якуни, барча халқлар, барча даврлар учун ягона ҳа-қиқиқий фалсафа деб эълон қилинди.

Маълумки, фалсафа энг қадимги фанлардан бўлиб, икки минг йилдан ортиқ ривожланиш даврида, унинг вазифаси, тузилиши ўзга-риб, бойиб борди. Қадимги Юнонистонда милоддан аввал V—VI аср-ларда у ягона фан сифатида вужудга келди, ундан аста-секин бошқа илмлар ажралиб чиқа бошлади. Хусусан, илк ўрта асрда Шарқ Урта Осиё мутафаккирлари фалсафа илмининг сўнгги даври учун буюк хиз-мат кўрсатдилар. Уларнинг, хусусан Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд кабиларнинг илмий-фалсафий мерослари Овру-пода Уйғониш даври (Ренессанс) маданияти шаклланишида муҳим роль ўйнади. Оврупода сўнгги асрларда фалсафа илми катта ютуқларни қўлга киритди.

Марксизм фалсафаси XIX асрнинг охирларидағи табиатшунослик ҳамда ижтимоий тараққиёт ютуқларини ўзида ифодалади ва ўз даври учун борлиқни, ижтимоий ҳаётни янгича талқин этадиган илғор концепция яратди.

Эндиликада эса СССРда зўравонлик билан барпо этилган социализмнинг қулаши, ягона мамлакат парчаланиб, унинг ўрнига мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, жумладан Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиши, бу тузумнинг сиёсий, мафқуравий, фалсафий асослари тарихан ўзини оқлай олмаслигини, инсониятнинг сўнгги тараққиёти талабларига жавоб бера олмаслигини исботлади.

Сўнгги йилларда барча ижтимоий-фалсафий ойномалар қаҳифала-рида марксча-ленинча фалсафанинг деярли барча асосий масалалари, унинг ўзагини ташкил этувчи материализм ва диалектикадан тортиб ижтимоий фалсафанинг барча соҳалари кенг муҳокама этилмоқда ва янгидан кўриб чиқилмоқда. Турли дунёқараш, фалсафий таълимотлар ҳақидаги чет эл олимлари асарлари, ўз вақтида қувфинга учраган фай-ласуфларнинг ишлари кенг эълон этилмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, биринчидан, марксизм-ленинизм классиклари асарларида келтирилган қатор фалсафий холосаларнинг ўзи ўз даври XIX асрнинг иккичи ярми XX асрнинг бошлари билан чекланганлиги, ҳозирги XX асрнинг иккичи ярмидаги тараққиёт анъ-аналарини тушунтириш учун ожизлиги маълум бўлиб қолди.

«Диалектика ва тарихий материализм» номи билан машҳур бўлган бу марксизм фалсафасидаги материализм ҳам, диалектика ҳам ҳозирги замон табиатшунос фанларининг буюк ва узлуксиз ютуқлари, ижтимоий тараққиётнинг тез ўзгарувчан янгилкларини тушунтириб беришга, илмий талқин этишга қудратсиз эканлигини намоён этмоқда.

Иккинчидан, марксистик ижтимоий фалсафанинг кўп қоидалари, масалалари бизнинг мамлакатда социализм қуриш жараёнида сохта-лаштирилди, замонавий ривожланишдан ажраб қолган ақида қуруқ шаклга айланиб қолди.

Марксча фалсафадаги бу замонга мос келмаслик, ақидапарастлик КПСС томонидан зўрлик билан ниқобланиб келинган бўлса-да, сўнгги ижтимоий ривожланиш томонидан фош этилди.

Учинчидан, фалсафа фани мамлакатимизда қурилган тоталитар социализмни асослаш ва оқлашга қаратилган мафқуранинг назарий асосига айлантирилди, натижада сиёсатга қарам бўлиб қолди, фан сифатида объектив илмий ривожланиш хислатидан деярли маҳрум бўлди.

Марксизм-ленинизм тоталитар мафқураси эркин фалсафий фикрини КПССнинг ғоявий қуролига айлантириди. Ҳукмрон мафкура ва сиёсат

кишанига түшиб келган фалсафий маданият эркин ва ҳақиқий ривожланишдан маҳрум бўлди.

Эндиликда марксча-ленинча фалсафа ўтмишdir, у тарих саҳифаларидан ўрин эгаллайди, лекин фалсафа илми инсонларнинг маънавий юксалиши учун хизмат этишда, ўз ривожланишида юксалишда давом этади.

Марксистик фалсафий ривожланишнинг сўнгги ютуқларини ўзида умумлаштириб, ақидапарастликдан қутулиш ўрнига нима биринчи вужудга келган: Материями, ғоями? Дунёни билиб бўладими, бўлмайдими? каби схоластик саволларга жавоб қидириш билан шуғулланиб келди, мавхум тушунчаларга ўралиб қолди.

Идеалистик ва диний билиш неча минг асрлардан бери мавжуд ва ўз аҳамиятини, ўрнини йўқотгани йўқ. Марксча-ленинча фалсафа ҳам уларга қарши шиддатли курашда ожиз эканлигини, уларни йўқота олмаслигини кўрсатди.

Шуни унутмаслик керакки, диалектиканинг марксизмда қайд этилган асосий қонун ва принциплари авваламбор Гегель идеализми асосида олға сурилди. Мавжудотга идеалистик ёндаши, унинг реал, моддий умумий қонуниятларни кўриш ва очиш имконини берди. Демак, мавжудотни билиш жараённада унга турли таълимот, усуслар, фанлар ёрдамида ёндашиш бир-бирини тўлдиради, бойитади, чунки мавжуднинг ўзи ранг-бараг, турли-туманликда ҳам чексиздир.

Фалсафий фикрнинг турли-туман йўналишда, ранг-бараг шакларда намоён бўлиши, унинг мунозараларда ривож топиши фалсафанинг моҳиятидан келиб чиқади.

Плюриализм фикр эркинлиги фан ва фалсафа ривожининг энг муҳим принципи эканлиги ва бу принцип марксча-ленинча назария хукмрон бўлган йилларда қўпол бузилгани, инкор этилгани маълум бўлди.

Ҳозир марксча-ленинча фалсафанинг асосий принциплари, тартиби, моддий объективлик, диалектик принциплари ҳақида асосли танқи-дий фикрлар, уларнинг чегаралангани ҳақида мулоҳазалар олдинга сурilmоқда.

Марксча-ленинча фалсафа аниқ фан ютуқлари ва усусларидан ажраб, орқада қолди.

Барча масалаларда ҳам асосан зиддиятларни аниқлаш ва уни кучайтиришга қаратилган формулаларни қидириб топиш асосий вазифага айланган эди; идеализм ёки материализм, социализм ёки капитализм, дин ёки фан, жамоа ёки индивидуализм, байналмиллик ёки миллийлик масаласи ана шундай қўйилиб келинди. Эндиликда турли-туман, ранг-бараг ижтимоий ҳодисалар бир-бирини тўлдириш асосидагина ҳақиқий илмий билиши эмалга ошириши мумкинлиги тасдиқланмоқда.

Қарама-қарши томонларни топиш, уларнинг курашишини очиш, зиддиятларни аниқлаш — билишнинг асосий мақсади шу эмас, балки воситадир, зиддиятларни топиш, уларни ҳал этиш, умумий мувозанатдаги тизимнинг хислатларини аниқлашга хизмат қилиш ҳозир илмда устунилк нуқтai назарини ташкил этади.

Айниқса марксча-ленинча ижтимоий назария — тарихий материализм принциплари ҳозирги жамиятдаги ўзгариш олдида қўп жиҳатдан ўзининг ожиз эканлигини, реал ижтимоий ўзгаришларга мос келмаслигини, улардан ажралиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Ижтимоий ривожланишда турли зиддиятли ижтимоий синфи кучлар кураши тараққиёт манбаи деб талқин этилган бўлса, эндиликда бирга ривожланиш, турли кучлар муносабатларининг бир тизимини вужудга келтириш ва бу билан инсонлар жамиятини қулашдан сақлаш умуминсоний қадрияtlар шаклланишининг, узлуксиз универсал тараққиётининг асосий қонунига айланмоқда. Бу синифий, ғоявий, сиёсий

зиддиятларни ман этмайди ва йўқотмайди, балки уларни умумий универсал тизим умуминсоний қадриятлар ва манфаатларни сақлашнинг заруриятига бўйсундиради. Зиддият ролининг бундай ўзгариши умум тизимнинг, инсоният жамоасининг мустаҳкамланувига хизмат қиласи, бунда давлат, ижтимоий кучларнинг масъулияти, роли кучаяди.

Тарихий материализмнинг асосий қондадарини ташкил этувчи мулк шакли асосида жамиятни турли формацияларга ажратиш, тарихга формацион ёндашув жамиятимизни олдинги ва ҳозирда мавжуд бўлган жамиятлардан бутунлай ажратиб қўйишга олиб келди. Шунингдек, базис ва устқурма, иқтиёсий детерминизм, шахс ва жамоа муносабатлари, маънавийликнинг ролига бир томонлама баҳо бериш кабилар марксча-ленинча фалсафанинг ўта оқизлигини, ривожланишнинг янги анъаналардан узилиб қолганини намоён қиласи.

Тоталитар социализмни мустаҳкамлашга қаратилган ва фалсафага янгилик сифатида киритилган «социалистик ҳаёт тарзи», «шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият» каби тушунчалар ўзининг сунъий, фанга алоқаси бўлмаган сиёсат учун хизмат қилувчи уйдирмалар эканлигини кўрсатди.

Дин масаласида ҳам тасаввур тамоман ўзгарди: динни инкор этиш, маданиятни динга қарама-қарши қўйиш, эндилика улар муносабатига, плюрализм, дунёни билиш, инсоннинг маънавиятини шакллантиришда бир-бирини тўлдирувчи усуслар, таълимотлар сифатида талқин этишга ўз ўрини бўшатмоқда. Диннинг ахлоқий масалалар билан узвий боғлиқлиги, у ахлоқ-одоб, маънавиятни бойтишда муҳим маңба эканлиги намоён бўлмоқда.

Инсон ва унинг шахсияти, инсон эркинлиги масаласини талқин этишида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Шахснинг индивидуал хислатлари, руҳияти, маънавияти, унинг ички олами, камолоти, юксалиши, келажаги кабилар ҳозирда турли фалсафий таълимотлар, диний оқимларнинг марказий масаласига айланиб бормоқда.

Маданият ривожининг муҳим меваси бўлмиш фалсафанинг ўзи маълум сининфинг, фирманинг манфаатини ҳимоя этиш, унинг бошқа синифларга қарши кураши қуроли эмас, балки инсоният камолоти маънавий юксалиши ва ҳамдўстлигининг муҳим қуроли бўлмоғи зарур.

Инсон ҳар доим фалсафий илмларнинг марказида бўлиб келган ва яна шундай бўлмоғи керак. Унинг дунёқарашини шаклланишида, илмий, маънавий, ахлоқий, эстетик юксалувининг усуслари, воситалари, имкониятларини аниқлаш, ўрганишда фалсафа етакчи роль ўйнамоғи зарур. Инсон ижтимоий ҳаётни, тарихни, маънавиятни вужудга келтирувчи фаол, ижодкор, яратувчи, реалликни узлуксиз янгилаб турувчи қудратли кучдир. Шундай экан фалсафа, илмий-фалсафий, ижтимоий фикр ҳам узлуксиз янгиланиб, кенгайиб, чукурлашиб боради.

Фалсафа соҳасида марксистик назариянинг универсаллигидан воз keчиб, унинг ўз даври билан чегаралангандиги, фалсафий таълимотлар ривожидаги тарихий босқич эканлигини тан олиш, ҳозирги замон илмий ижтимоий таълимотларидан кенг ижодий фойдаланиш ҳозирда фалсафа ривожи олдida турган асосий вазифадир.

Маданий, маънавий меросни, бошқа ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишда ҳам эндилика марксча-ленинча назария ўзининг методологик аҳамиятини йўқотади. Биз ўтмишини ва ҳозирги ижтимоий ҳодисаларни марксча-ленинча тоғийлик, синийлик, партиявиийлик сиртмоғида бир томонлама ёритиб, илмийлик, объективликдан чекиниб келган бўлсан, энди бундай заруриятдан кутулиш имкониятига эга бўлдик. Ҳозирда эски методологиядан воз keчиб, тарихни ҳозирги талаблар асосида ёритиши Исмоил Бухорий, Амир Темур, Машраб, жадидлар, босмачилар ҳаракатлари кабиларни янгича талқин этишида ўз ифодасини топмоқда.

Марксча-ленинча философиянинг ҳар томонлама тақиди, фалсафий билимларни тубдан янгилашни тақозо этади:

Биринчидан, фалсафий синфиийлик, фирмачалик принципидан, сиёсат сиқувидан озод этиш, уни инсоният тафаккури ривожи ҳақидаги ва инсоният тараққиёти учун хизмат құлувчи фан сифатида талқин этиш гояси ётади.

Иккинчидан, фалсафанинг асосий фундаментал масалалари категория, принциплари, тузылишининг ҳозирги илмий тафаккур ютуғи, ижтимоний ривожланиши анъанаварини илмий объективлик асосида янгилаш масалаларини олға суради.

Үчинчидан, фалсафани ўрганиш, ўқитишга стандарт ёндашиш, бир хилликдан воз кечиши, унга ижодий қараш, ҳар бир халқ музофотининг маънавий бойликларини, хусусиятини назарга олган ҳолда ёндашиш принципи олға суриласы.

Тўртинчидан, фалсафани ўқитишни демократлаштириш, ягона фоя тарғиботчилигидан кутултириб, уни турли миллый маданий қадриятлар, таълимотлар билан бойитиш кўламини кенгайтириш ҳамда инсонпарварликнинг, умуминсоний маънавият ва тафаккурининг ҳозирги ривожланиши олиб чиқиши зарурияти олға суриласы.

Бешинчидан, эндиликда фалсафани ўрганиш, ўқитиш ва тадқиқ этишда ягоналиқдан, бир хилликдан кўп хилликка, кўп қирралитика, плюрализмга ўтиш фояси асосланади — бу йўл фалсафанинг қадимдан ривожланган тарихий йўлидир. У ҳар доим мунозарада, турли фикрлар тўқнашувида янгиланиб борган: бу фикрлар фалсафий тафаккурининг турли қирраларини очиши, чексиз дунёнинг фалсафий тасаввури ва таҳлили учун хизмат қилган.

Бу принциплар ҳозирда мустақиллик йўлида қадам қўяётган Ўзбекистон Республикасида фалсафанинг тараққиёт йўналишларини белгилашда, демак, бу соҳадаги илмий тадқиқот ишлари учун ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафанинг марксизм-ленинизм назарияси, КПСС сиёсати сиртмоғидан қутулиб, кенг ривожланиши йўлига чиқиб олиши, ўқитув, илмий тадқиқот, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот турли маданият ташкилотлари олдига қатор муҳим вазифалар қўяди.

Ағсуслик билан шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирда ижтимоий фанлардаги рўй берадётган ўзгаришлар айрим доиралар, баъзи табиатшунос олимлар орасида фалсафага нисбатан нигилизмни, унинг ижтимоий-маънавий ривожлантиришдаги аҳамиятига шубҳа билан қарашни уйғотмоқда. Бу фалсафани олий ўқув юртларида ўқитиш соатларини қисқартириш, камситиш, бўладиган имтиҳонларни йўқ қилиш каби ҳаракатларда ўз ифодасини топмоқда.

Бу қадими тарихга эга бўлган ва турли мамлакатлардаги маданий юксалишнинг олий даражасини ўзида ифодаловчи фалсафа фанинг марксизм-ленинизм фалсафаси билан тенглаштиришдек тор фикрда бўлиш, савиясизликнинг натижасидир. Фалсафа — дунёқараш илмидир.

Дунёқараш, фалсафий тафаккур принципларидан бехабарлик ҳар қандай мутахассисни ўз-соҳасининг аҳамияти, унинг инсон билимлари тизимидағи тутган ўрни ва улар билан муносабатини тушунниб етмаслигига, умумий маданий тасаввурнинг тор бўлишилигига олиб келиши табиийдир.

Умуман фалсафа эмас, марксча-ленинча фалсафа инқизорзга учради, фалсафани узоқ йиллик социалистик сиёсат диктатурасидан қутултириш, уни ҳозирги табиий, илмий, янги ижтимоий-сиёсий ривожланиши билан бойитиш, илм-фан, жамият, инсоният тараққиёти, ютуқлари асосида янгилаш ва тўғри йўлга тушриб юбориш талаб этилади.

Янги ўзгариш ва талаблар асосида фалсафа соҳасида илмий тадқиқот ишларини тамоман қайта кўриб чиқиши, унинг йўналишлари мавзуини ўзгартириш зарур.

Фалсафани унинг тармоқларини ўрганиш бўйича барча дастурлар, ўқув қўлланмалари, дарслерни эскирди. Шунинг учун олий ўқув юртлари учун янги дастурлар ва ўқув қўлланмалари яратиш етакчи файласувларимиз, олий таълим, маориф вазирликларининг, академик Институтимизнинг энг муҳим вазифаларидандир.

Мутахассислар тайёрлаш соҳасида аспирантура, докторантураларда фалсафа тармоқлари бўйича мутахассисликни қайтадан кўриб чиқиш ва янгилаш талаб этилади. Шунингдек, янги республика олий аттестация комиссияси (ВАК) вужудга келиши билан маҳсус кенгашдаги мутахассисликларни ҳам янгилаш зарурияти туғилади.

Бу соҳада маълум ишлар олиб борилмоқда, хусусий илмий йўналишлар кўриб чиқилди, структура қисман ўзгарди. Академиямиз ходимлари иштиёрокида «Мантиқ» илми, «Маданият назарияси ва тарихи», «Ўзбекистон халқлари фалсафи мероси» бўйича дастурлар, ўқув қўлланмалари тайёрланди ва нашрга топширилди. Лекин булар олдимизда турган катта вазифаларни бажаришдаги бошланғич ишлардир. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш олимларимиздан фаоллик, ушюқоқлик, ташаббускорлик талаб этади.

О. ҲИҚМАТОВ

БОЗОР ШАРОИТИДА ИҚТИСОД ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Маълумки, Узбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришган даври сobiқ СССР иқтисодий тизимининг чуқур инқизорзга учраган даврига тўғри келди. Шунинг учун ҳам бу камчиликлар мустақил Узбекистон халқ ҳўжалигига намоён бўлибгина қолмай, балки кескинлашди ҳам, чунки Совет даврида республикамиз марказининг ҳом ашё базаси бўлиб келди.

Ҳозирги шароитда Узбекистон иқтисодий мустақилликка қадам кўйганда иқтисод фани ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар, бунда қўлланиладиган услублар, илмий тафаккур асос бўлувчи сиёсий кўрсаткичлар ва бошқа воситалар тубдан ўзгарди. Аввал иқтисод фани қандай муаммолар устида ишлаш кераклиги КПСС қурутойлари, пленумлари ва бирократик марказ қарорларида кўрсатилиб, ҳатто уларни қайси услугубий ўйл билан ҳал қилиш (марксча-ленинча методология) ҳам чизиб бериларди. Ундан яна муҳим бир услугубий таянишлардан бирни сobiқ иттифоқ ҳалқ ҳўжалигини бузилмас ва мустаҳкам комплекс деб тан олишдан иборат бўлиб, шунга кўра иқтисод фанининг ҳар қандай таклифи биринчи навбатда ушбу комплекснинг самарадорлигини оширишга ўйналган бўлиши шарт эди. Собиқ иттифоқ ҳалқ ҳўжалиги комплекснинг қанчалик мустаҳкамлиги ва унинг мустакил республикалар халқларига нима берганини ҳозирги иқтисодий ҳаёт яқол кўрсатиб турибди.

Умуман олганда Узбекистон иқтисод фани олдида турган муаммолар, сиёсий ва услугубий асослар тубдан ўзгарди. У мустақил давлатга хизмат қилиш учун ўзининг биринчи қадамларини ташламоқда.

Бу дегани республика иқтисод фанининг аввалги ютуқларини бутунлай инкор қилиш эмас, балки уларни янгилаш тафаккур билан мускел давлат талаблariга мос келтириш йўлларини ишлаб чиқиши керак деган маънони билдиради. Бу соҳада республика иқтисодчи олимлари томонидан 70—80-йилларда илмий асослаб берилган бир қатор таклифларни келтириш мумкин. Улар жумласига ҳалқ иштешмоль буюмлари ишлаб чиқариши кўпайтиши учун ҳўжалик тармоқлари таркибини сенгил саноат фойдасига ҳал этиш, уни жадаллик билан ривожлантириш асосида тубдан яхшилаш, республикада ишлаб чиқариладиган

хом-ашёларни шу ерда мукаммал ишлаб тайёр маҳсулотларни кўпайтиришнинг иқтисодий асослари, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириши такомиллаштириш, капитал маблағлар ва асосий фонdlар са-марадорлигини ошириш, майда ва ўртача корхоналарни барпо этишининг самародорлиги, меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг илмий асослари ва бошқалар киради.

Очиғини айтганда иқтисодчи олимларнинг ушбу тақлифларига 60—70-йилларда марказни тўқмоғи остида идеологик кўз билан қаралмаганда республикадаги ҳозирги иқтисодий тангликтининг қудрати анча кам бўларди.

Маълумки, иқтисодий мустақилликнинг туб маъноси меҳнатни ва ишлаб чиқариши бошқариши тубдан ўзгартириш асосида моддий эҳтиёжларга бўлган талабни қондириш ва биринчи навбатда умуммиллий бозорни шакллантириш ва ундан сўнг дунё бозорига оқилона кириб бориш муаммоларини ҳал қилиш керак бўлади. Ана шунинг учун ҳам яқин кунларда ҳаммани мафтун этган академик Шаталин ва проф. Явлинский гурухларининг бозор шароитига ўтишдаги тақлиф этилган 500 кунлик дастурлари мутлақо афсона бўлиб реал шароитни инкор қилиш бўлган. Ахир 70 йил давомида собиқ марказнинг тўқмоғи остида ётган иқтисод 500 кунда бозор шароитига ўтиши мумкин эканлигини исботлаш телбалик эмасми? Бозор шароитига ўтиш бир авлод умрини олади. Таклифимиз яқин-яқинда ҳам кулиб қаралди, «нега сизларни 500 кунлик дастурингиз йўқ?» деб юзимизга солишиди.

Ундан ташқари бозор шароитига ўтиш аввало инсон тарбиясини, унинг тафаккурини, бозор шароитини қонунларини оқилона тан олишини, тубдан ўзгартиришни талаб қиласди. Маълумки, 1917 йилгача ишбильармонлар ҳамёнига тушадиган фойданинг 11 фойздан ортиғи ҳаром ҳисобланган, дин ва давлат буни доимо тушунтириб борган.

Ҳозир эса бир магазиннинг ўзида бир хил молга ҳар хил, 3—5 баравар фарқ қиласидиган нарх қўйилади. Бу билан шуни айтмоқчиманки, бозор муносабатларига ўтишдан чиқиб келадиган муаммоларни ҳал қилиш йўлларини фақат иқтисодчи олимларгина изламай, балки фаннинг бошқа тармоқлари вакиллари ҳам бош қотиришлари керак. Шундай қилиш зарурлигини фақат Туркияни бозор шароитига ўтиш тажрибаси эмас, балки АҚШ, Олмония, Жанубий Корея, Япония ва бошқа ривожланган давлатларнинг реал ҳаётни яққол кўрсатиб турибди. Ҳозир рўзнома ва ойномалarda, ойна жаҳонда ва ўзаро суҳбатда ҳам бозорга ўтиш модели Туркия, Америка ва бошқаларнинг модели деб гапирилади. Аммо бизнинг фикримизча бозор иқтисодиётига ўтишда ҳар бир давлатнинг, миллий руҳини кўрсатувчи ўз йўли бўлиши керак.

Кўпгина хорижий давлатларда бўлиб, йирик олимлар билан суҳбатлашиб, уларнинг тажрибасини ўрганиб мен шу хulosага келдимки, бозор иқтисодиётига ўтишда ҳамма давлатга тааллуқли иккита модель бор.

Булардан биринчisi, маданий-индустрисал модель. Бунда ишлаб чиқариши жадаллик билан ривожланиб боради. Одамлар бозор иқтисодининг қонунларига таяниб иш кўрадилар, ишлаб чиқаришда мустаҳкам интизом, тижоратда эса ростгўйлик ва ҳалоллик барқарор бўлади.

Иккинчisi, юлғич-савдоғарлик модели. Бу йўл билан асосан Африка давлатларининг кўпчилиги кетмоқда. Бунда ишлаб чиқариш ўсмайди, четдан мол келтирилиб бирини ўнга қилиб сотилади. Қайси йўл бидан бўлмасин меҳнатини даромадни юлиб олишга ҳаракат қилинади.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларини республика иқтисод фани биринчи модель билан ишлаб чиқса мақсадга мувоғик бўлар эди. Мана шу модельни рўёбга чиқариш учун Республика Президенти И. Каримов ва ҳукумат бошчилигида жуда катта ишлар қилинайти. Жумладан, И. Каримов бошчилигидаги делегация бир неча бор хорижий мамлакатларда бўлиб, уларнинг тажрибасини ўрганиб

ўзимизда қўллашга ҳаракат қиласятилар. Бу ҳамкорлик асосида улар билан шартномалар тузилаяти.

Шу билан бирга Президент ва ҳукумат олиб бораётган сиёсат асосан иқтисодиётда тартиб ўрнатиш, ишлаб чиқариши ташкил қилиш нарх-навони барқарорлаштириш, мулкни хусусийлаштириш ва шу каби ишларни амалга оширишга қаратилган. Аммо жойларда, қуйи бошқарув бўғинларида, бу нарсаларни амалга оширишда жуда сусткашлик кўрсатади. Умуман олганда республика ҳукумати кўраётган тадбирлар бозор шароитига ўтишда миллий руҳни сақлаган ҳолда тижоратда ҳалол рақобатни ривожлантириш ва маданий-индустриал мөдений барқарор топтиришдан иборатди.

Бунга мисол қилиб охирги иккى йилда республикамиз қишлоқ аҳолисини шахсий хўжалигини кўпайтиришга берилган салкам 300 минг гектар ердир.

Натижада сабзавотлар, мевалар ва бошқа хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорда сотишда давлат ва шахсий хўжаликлар билан ҳалол рақобат юзага чиқмоқда.

Очиғини айтганда шахсий хўжаликларга ер бериш тадбири бўлмаганда ҳозир бозорда мева ва сабзавотларнинг нархи камида 1,5—2 баравар юқори бўлар эди.

Иқтисодчи олимлар, ҳуқуқшунослар ва фаннинг бошқа тармоғи вакиллари биргаликда республикада умуммиллий ички бозорни шакллантириш ва уни тақомиллаштириш илмий асослари тўғрисида, ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини дунё бозорига самарали чиқиши муаммолари тўғрисида бош қотиришлари лозим.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, миллий бозорни ташкил қилиш муаммосини илмий асослашда бизнинг фикримизча ушбу нарсани доимо эсда тутиш даркор. Аввало иқтисодчилар жамият ҳаракатининг (албатта, ҳар миллатнинг ҳам) асоси бўлиб ҳисобланади. Ў фақат табиий — жўғрофий ва иқтисодга тааллуқли омиллар (бунга капитал маблағлар, иш кучининг сони ва сифати, меҳнат самарадорлиги ва бошқалар) таъсирида бўлмай, балки унга тарихий-руҳий омиллар ҳамда ушбу миллатни маҳсулотларга бўлган талаб спецификаси, урф-одати, миллатга хос хусусиятлар ҳам бевосита таъсир этади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай миллатга хос бўлган омиллар халқ хўжалигини ривожлантиришнинг стратегия ва тактикасининг асосини ташкил қилиши шарт. Шунинг учун ҳам фанимиз олдиди турган муаммолардан бири миллий бозорни шакллантириш илмий асосларидир.

Жанубий Кореянинг бозор иқтисодига ўтишни илмий асослаб берган ва бу ўйналишни асосчиси бўлмиш профессор Шин билан бўлган сұхбатимизда, унинг фикрича иқтисодиётда ҳамма муаммоларни бир организмга жалб қилинса, энг хавфли ва зарарли бўлган жароҳатлардан бири нарх-наво муаммоси экан. Бу билан шуни айтмоқчимизки бу муаммони ҳал қилиш, айниқса бозор шароитига ўтганда жуда мураккаб бўлиб кетади, чунки мулкчилик ўзгаради, рақобатчилик вужудга келади.

Ўндан ташқари, ҳозирги иқтисодиётнинг инқироз шароитида бозорга ўтиш учун ҳамма омилларнинг етишмаслиги сабабли нарх-наво дарражаси қандай бўлаётгани ҳаммага аён.

Маълумки, аввал собиқ СССРда республикалар билан бўладиган иқтисодий алоқалар марказ томонидан белгиланиб, сўнг сиёсий ва иқтисодий тус берилар эди. Эндиликда эса бу республикалар мустақил давлат. Улар билан бўладиган иқтисодий алоқалар ва шу билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ўйналишларини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт фани олдиди турган долзарб вазифалардан биридир.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий мустақиллиги жаҳон иқтисодий бозорига кириши ва унда тутган ўрни билан ўлчанади. Аммо, яқин ўт-

ган давргача республикада ишлаб чиқарилган моллар ва хом ашё дунё бозорига Москва орқали чиқариларди ва ундан кўриладиган фойда қандай ишлатилиши, тақсимланиши мутлақо номаълум эди.

Ҳозирги кунда иқтисодчиларниң ўрганиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири — «Ўзбекистон иқтисодиётини дунё иқтисодиётига самарали боғлаш» муаммосидир. Бозор шароитига ўтаётган вақтда дунё иқтисодиётини ўрганиш республика учун энг ноёб мутахассислик ҳисобланади.

Кези келганда шуни эслатиб ўтиш лозимки, дунё иқтисодиёти бўйича йигирмадан ортиқ мутахассислик мавжуд бўлиб, республикамизда бу мутахассисликларнинг бир нечасини мукаммал эгаллаган иқтисодчи олимлар уч-тўрт кишигина холос, уларнинг асосий қисми, бизнинг илмоҳимиз билан Москва дунё иқтисодиёти ва Халқаро муносабатлар институти ўртасидаги шартномага асосан тайёрланган. Ваҳолонки, Українада бу соҳа бўйича 120 га яқин, Арманистонда 55 га яқин мутахассис иқтисодчи олим бор.

Кези келганда шуни айтиш керакки, баъзилар бу мутахассисликни эгаллаш учун кўп йиллар машаққат чекиш кераклигини эсдан чиқариб, 2—3 йер чет элда бўлиб ўзларини дунё иқтисодиёти бўйича олим ҳисобламоқдалар.

Бозор муносабатлари шароитига ўтиш мулк муносабатлари муаммосига бутунлай бошқача қарашни талаб қиласди. «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги ва мулкчиликнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари»ни ўрганиши иқтисодчи олимлар олдида турган асосий вазифалардан биридир. Мулк муносабатларига бўлган қарашни илмий асосда тубдан ўзгартирмай бозорни шакллантириш ва ҳалол иқтисодий рақобатни вужудга келтириш мумкин эмас.

Иқтисодий мустақиллик ва халқ хўжалик тармоқлари тизимини миллий бозор талабларига мослаштириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш муаммоларини илмий асослашда янгича усусларни кўллашни тақозо қиласди. Шунинг учун «Меҳнат бозори ва уни шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари»ни ҳал этиш иқтисодиёт фани олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва таъминот бозорини нормал ҳолатга келиши, асосан инвенция жараёнини теззатниш ва молия-кредит муаммоларини изчиллик билан ҳал қилишга боғлиқ. Мен бу ерда ички ва ташқаридан келадиган капитал маблағларни тезлик билан айланишини кўзда туваётиман, яъни уларни жадаллик билан асосий фонdlарга айлантириб тайёр маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш асосида республика бюджетини такомиллаштириш. Шунинг учун ҳам илмоҳимиз ходимлари «Бозор шароитидаги ички ва ташқи инвенциялар самарадорлигини ошириш йўлларининг илмий асослари тўғрисида» иш олиб бормоқдалар.

Изланиш жараёни шуни кўрсатадики, бу муаммони ҳал қилишининг илмий асосларини ишлашда, айниқса чет эл капитал маблағларини олишдан олдин кўп ҳуқуқшуносликка тегишли бўлган масалаларни ҳал қилиш керак. Булар жумласига чет эл инвенциячиларига бериладиган ҳуқуқлар, лозим бўлса ўзларига тегишли бўлган корхоналарни сотиб кетишлири ва бошқалар. Бу масалада республика тегишли қонунлаштирига ўзгартирниш киргизиш, уларни ушбу масаласи юзасидан дунёда қабул қилинган қоидаларга яқинлаштириш ва бошқалар киради. Демак қонуншунос олимлар билан бу муаммо биргаликда ишланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки ана шундай ва бошқа масалалар ҳал қилинмаганлиги учун 26 майда Москвада бўлиб ўтган бутун дунё банклари ва ишшибармонлари анжумани Россияяда ва бошқа мустақил республикаларда чет эл инвенцияси учун ҳозирча имконият йўқ деб хуласа чиқарди. Бу эса иқтисодий инқиrozдан чиқишининг асосий йўли-

ни ҳозирча беркитиб қўяди. Шунинг учун республикада бу муаммони иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар ҳамжиҳатли билан тезликда ҳал қилишиднинг илмий асосларини қидиришлари лозим.

Бозор шароитига ўтишда демократик сиёсат ва иқтисодий тузумлар ўрнатиётган кўпчилик давлатлар марказ ва маҳаллий ҳокимият (вилоятлар ва туманларни кўзда тутаётирмиз) ўртасида самараали алоқа ўрнатиш жумбогини ҳал қилмай иложлари йўқ. Бу муносабатлар асосида маҳаллий ҳокимиятга бериладиган иқтисодий эркинлик ва уни давлат томонидан оқилюна бошқариш муваммоси ётади.

Иқтисодиёт илмгоҳи олимлари юқорида қайд этилганидан ташқари, бозор шаронтида халқни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, молия ва кредит ресурсларидан самараали фойдаланишнинг илмий асосларини, солиқ солиши тизимини яратиш, вилоят ва ноҳияларда иқтисодиётни бошқариш ва бошқа ҳозирги кун талабига мос муваммолар устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Маълумки, иқтисод фанида 25 га яқин мутахассислик бор, аммо баъзилар тушунмасдан иқтисодчи бўлса иқтисодиёт муваммоларининг ҳаммасини билиши керак деб ўйладилар. Мана мисол учун тиббиёт фанини олиб кўринг. Ҳар бир касалликнинг ўз мутахассиси бор. Врач ўз соҳаси қолиб бошқа касални даволашга қўл урса натижаси қандай бўлиши маълум. Иқтисод фанида ҳам худди шундай. Шунинг учун юқоридаги 25 га яқин мутахассисликнинг ҳар бирига алоҳида эътибор бериш зарур.

Иқтисод илмгоҳи тузилиши яқинда қайта кўрилган эди, у яна янгитдан тузилади. Аммо, бизнинг фикримизча, қайта-қайта ўзгартира-вериш одамларни ишлашига салбий таъсир қиласи, халақит беради. Аксинча, уларни ишлашларига имконият бериси керак.

Яна бир йирик муваммо, иқтисодчи олимларнинг ва умуман фан заҳматкашлари маоши муваммоси. Бугунги кунда иқтисодчи олимларга қараганда оддий трамвай-троллейбус ҳайдовчилари 2—3 баравар юқори маош олади. Шунинг учун кўп ёшлар илмгоҳ даргоҳини тарк этиб бошқа ишларга кетиб қолмоқда. Иқтисодиёт фани муваммоларини ўрганишида асосий таянч иқтидорли ёш олимлар бўлиши лозим, шунинг учун уларнинг маоши оширилиши, уларга керакли шароит яратилиши лозим.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, илмгоҳ тузилиши, унда олиб бориладиган илмий изланишлар йўналиши белгиланганда бошқа иқтисодиёт илмгоҳлари олиб бораётган ишлар қайтарилишига йўл қўйиш керак эмас.

Республикамиэда иқтисодий мустақилликни таъминлашда иқтисодчи олимларнинг қўшадиган ҳисса юқорида кўрсатилган муваммолар устида изчил илмий ишлар олиб боришидан ва уларни ҳаётга татбиқ қилишдан иборат бўлиши лозим. Албатта, иқтисодчи олимларимиз 1990—92 йилларда бир қанча эътиборга лойиқ муваммоларни ҳал қилдилар ва уларни тегишли давлат мувассасаларига тақдим этдилар. Масалан, иқтисодчи олимларимизнинг бевосита иштироклари билан Республика Олий Совети томонидан ўнга яқин қонун қабул қилинди. Улар жумласига «Чет эл инвестициялари», «Кооперация тўғрисида», «Мулчиллик тўғрисида» каби ва бошқа қонунлар киради.

Иқтисодиёт илмгоҳи олимлари томонидан ишлаб чиқилган «Асосий ва оборот фондлар нархларини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг ким ошди савдосига қўйиладиган баҳоларини ҳисоблаш методикаси» ҳозирги пайтда Министрлар кабинетининг шу муваммони ҳал этиш устида ишлаётган комиссияси томонидан қўлланилмоқда. Бу методика шу йили февраль ойида Урганч ва Нукус шаҳарларидаги корхоналар асосий ва оборот фондларининг бозорга қўйиладиган баҳосини аниқлашда кўлданилади.

Чет эллардаги бозор шароитига ўтиб бўлган, бир қатор ривожлан-

ган давлатлардаги олимлар билан алоқаларимиз ҳам яхиланиб бормоқда ва уларнинг айрим натижалари амалда мавжуд. Масалан, Италиядаги ФИАТ корпорациясининг «Джовани Анели» фонди илмгоҳимиз ва етакчи бошқа олимлар билан ҳамкорликда Италияниг Турин шаҳрида «Урта Осиё тарихи, иқтисодиёти ва маданияти» номли китоб чоп этди. Фонд раҳбари профессор Починин жанобларининг айтишига қаранды бу китоб Италия ишбилармонлари учун жуда қўл келади ва инглиз тилинга таржима қилиниб, Оврупо парламентида ҳам тарқатилади.

«Ипак йўли»ни қуруқликдан денгизга кўчиши муносабати билан Урта Осиё кўп жабхаларда инқирозга юз тута бошлади. «Ипак йўли»нинг бунчалар тарихимиздаги салмоқли ўрни бугунги кунда у билан боғлиқ бўлган тарихий ва маданий жараёнлар муаммоси устида фундаментал илмий изланишлар олиб боришини тақозо этади. ЮНЕСКОнинг бу масалада ўртага ташлаган «Буюк ипак йўли — йўллар мулоқоти» номли илмий ва маданий дастури алоҳида аҳамият касб этади. Бу муаммонинг нақадар долзарблигини, айниқса 1989, 1991 йилларда ЮНЕСКО томонидан уюштирилган халқаро экспедиция натижалари яна бир бор тасдиқлади. Бу дастурнинг ҳаётий ва амалий томонлари ҳам бор. Қадимиги ипак йўли бўйлаб, халқаро туризм маршрутларини ташкил этиш йўлида изланишлар ўтказиш зарур. Бугунги кунда «Ипак йўли»ни замонавий кўриниши — миңтақалараро трансконтинентал Осиё поезд йўлини тиклаш мумкинлиги реал ҳақиқатга айланмоқда. Тарихчи, археолог, этнограф ва шарқшунос олимларимиз бу масалада четда қолмасликлари зарур.

5) Яқин 2—3 йил давомида музейшунос олимларимиздан, республика аҳли, халқимиз Узбекистон тарихи музейин янги бинода замона талаби асосида барпо этишларини кутмоқда. Музей учун бундан зарур ва долзарб масала бўлмаса керак. Шу билан бирга музейшуносларимиз ўз амалий ва илмий фаолиятларида бор моддий ва маданий бойлигимизнинг катологини тузиб боришини режалаштироқлари ҳамда республикадан четга кетган маданий меросимиз бойликларини қайта-риш йўлида зарур ҳужжатларни тайёрлаш устида бош қотирмоқлари зарур. Чунки бу масала ҳозирги кунда республика Олий кенгаши ва республика ҳукумати диққат эътиборида турибди.

6) Тарихчи ва археолог олимларимиз олдида яна бир муҳим вазифа — яъни моддий ва маданий ёдгорликларнинг мажмуасини яратиш турибди. Бу борада ҳам анча ишлар қилинган. Тошкент, Сурхондарё, Самарқанд томлари тайёрланган. Аммо қолган томлар ўлда жўлда ётибди. Бу муаммо ҳам икки институт ва музей илмий иш режаларида ўз аксини топмоги керак.

7) Мустақил Узбекистон давлатчилиги шароитида тарихий номларни тиклаш ва улар ҳақида миллий маълумотларни тўплаб аҳолига етказиш талаб этилади. Бу муаммо, афуски, илмий режаларимиз мундарижасида ўз аксини топмаган. Бизнингча, шаҳарлар, жойлар, вилоятлар, ноҳиялар тарихий топонимикаси устида жадал илмий изланишлар қилиш зарур. Акс ҳолда яна жойларга янги ном қўйишда қўпол ҳатоларга йўл қўйила бошланади. Масалан, Амир Темур номи билан талайгина колхоз жамоалари аталмоқда. Ажабо, Амир Темурни ёки Бобурни, Алишер Навоийни ўлиб бораётган колхоз билан нима алоқаси бор? Темур номи билан катта бир иншоот ёки ҳарбий академия аталиши мумкин. Бобур ва Навоийлар номи билан эса тегишли олийгоҳлар ёки илмий тадқиқот институтлари аталиши мумкин. Бу тарихий ҳақиқатга яқин. Шунинг учун республикамиз тарихий шаҳар ва жойлари топонимикаси устида илмий изланишлар олиб бориш замона талабидан келиб чиқмоқда.

8) Тарихимиздаги оқ ва қора доғлар устида илмий изланишлар олиб бориши энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Эндилиқда тарихий тараққиётни формациялар ва синфий манфаатлар талаби асосида эмас, балки тарихимизнинг барча босқичларида юз берган цивилизацияларнинг шаклланиши, юксалиши ва инқирози билан боғлиқ бўлган жараённи ўрганмоқ керак. Республикамиз ҳудудида инсоннинг пайдо бўлиши, маданийтнинг шаклланиши, цивилизациялар тарихи, энг қадимги давлатчилик ва унинг асосий тараққиёт босқичларни, ислом олами, сомонийлар ва қорахонийлар давридаги илмий ва маданий юксалиш, Хоразмшоҳлар давлати мӯғул истилолари ва ҳукмронлиги даврида Урта Осиёдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий парокандалик,

Темур ва Темурийлар давридаги юксалиш, уч хонликлар тарихи, Ўрта Осиёни чор Россияси томонидан босиб олиниши ва унинг оқибатлари, жадидизм, Туркистонда Октябрь инқилоби ва «босмачилар» деб ном олган миллый-озодлик қўзғолонлари, мамлакатни индустрлаштириш ва колективлаштиришнинг ижобий ва салбий томонлари ва қатор бошқа масалалар устида объектив изланишлар олиб бориш тарихи ва археолог олимларимизнинг галдаги энг долзарб вазифалари бўлмоғи керак. Бу масалаларда эскича қараш ва назарий хulosаларни қайта кўриб чиқмоқ ва ҳар бир аниқ тарихий воқелик чуқур илмий таҳлил асосида тўғри ёритилмоғи тарихчилар олдида турган, мустақил Ўзбекистон давлатчилиги талаб қилаётган долзарб масаладир.

Т. МИРЗАЕВ

УЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАР

Фан тарихи, жумладан, адабиётшунослик ҳам ғоятда мураккаб илмий-ижодий жараёндир. Чунки у тўрли савиядаги, турлича тайёр-гарликка эга бўлган, хилма-хил мағфаат ва қарашлар бирлигидаги кишилар томонидан яратилади. Бунинг устига, давр қўйган талаблар, ижтимоий топшириқ ва ҳукмрон мафкура таъсири у ёки бу даражада, гоҳ ижобий, гоҳ салбий ўз изини қолдиради. Шундай экан, бу жараёнда қашfiётлар ва топилдиклар қувончи ҳам, изланишлар самарасизлигидан ўқинч ва ҳасрат ҳам жамулжам. Ўнинг тараққётидаги юксак парвозлар, ўсишининг ривожланиш қийинчилклари билан биргаликда турли-туман объектив ва субъектив сабаблар тақозосига кўра, баъзан турғунлик, айрим ҳолларда эришилган мэрраларни бой бериб қўйиш ҳолатлари ҳам юз беради. Чунки ҳақиқий илмий қарзшга қироатхонлиқ ва соҳта баландпарвозлик, чуқур билим ва синчковликка савиясизлик ва хрестоматик маълумотлардан хабарсизлик, илмий фикрга схоластика ва тафаккурдаги ланжлик, илмий-назарий эркин мунозара ва баҳсларга дабдабабозлик ва фармойишбардорлик доим илашиб юради.

Мана шундай мураккаб ва объектив жараённинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик, унга тарихан ёндаша билмаслик, кўп ҳолларда эса, унинг яратувчилари, аниқроғи, академик фан заҳмат-кашлар меҳнатига менсимай қараш оқибатида кейинги йиллarda қайта қуриш баҳонасида қайта бузишга мойиллик, ошкоралик ва демократияни қурол қилиб, ур-ийқитчилик зўравонликин тарғиб қилиш, «фикрлар хилма-хиллиги», «қолиндаги фан», «фирқа исканжасидаги илм» яна аллақандай атамалар никобида ютуқларни қоралаш ёки ёппасига инкор этиш, уларга фақатгина сталинизм ва турғунлик даврининг маҳсуллари сифатида бир томонлама баҳо бериш ҳоллари учраб турмоқда. Бунга ўнлаб, ҳатто юзлаб мисоллар кўрсатиш мумкин. Бундай қарашнинг айрим қирралари фалсафа фанлари доктори Абдулла-жон Бегматовнинг яқинда «Мулоқот» ойномасида босилган «Навоий ва ислом дини» мақоласида ёрқин намоён бўлди.

Бу ўринда мақолани таҳлил этиб ўтиришни ортиқча билиб босиб ўтилган ўйлга баҳо беришда асосий мезон таҳлилсиз, ҳиссият билан айтилган хulosалар, бир-биримизга отаётган таъна-дашномлар эмас, унга холисона, тарихан аниқ баҳо бериш бўлмоғи кераклигини таъкидламоқчимиз. Чунки бугунги давр, мустақиллик шароитидаги вазифаларни белгилаш бошқа фанларда бўлганидек, адабиётшуносликда ҳам босиб ўтилган ўйлга холисона баҳо беришни, эришилган ютуқларни объектив умумлаштириш, бой бериб қўйилган нуқталар, хато ва камчиликларни таҳлил қилиш орқали улардан зарурий хulosалар чиқариш ҳамда уңдан сабоқ ола билишни ҳам тақозо этади. Шундай экан,

адабиётшунослик тарихида юзага қелган, ҳар бир тадқиқотга конкрет ёндашиш, уни ўз даври ва бугунги кун нуқтai назаридан баҳолаш зарур.

Ана шу айтилганлар фонидан асослари жадидчилик ва маърифатчиликка бориб тақаладиган янги адабиётшунослик тарихига назар ташласак, у сил-силиқ кечмаганилигига, унда арзирли ютуқлар билан бирга кўпгина йўқотишлар ҳам мавжудлигига қаноат ҳосил қиласиз. Бу даврда биз ўнши-улғайиш қийинчилклари билан бирга сталинизм ва турғуллик даврининг оғир жароҳатларини бошдан кечирдик, тоталитар тузум ва эрксизлик оқибатида жиддий методологик хатоларга ҳам йўл қўйдик, адабиётшунослик асосан бир томонлама, шунда бир дунёқарааш доирасида ривожланди, қироатхонлик ва тақлидчилик, шахсий манфаат ва бир-бирини чалпиш биринчи ўринга чиқди. Биз истаймизми, истамаймизми ҳаммамиз, бенистисно ҳаммамиз, ҳатто ҳозирги кунда ўзларининг қайта қуриш, ошкоралик ва демократиянинг зарбордor кучлари деб ҳисоблаётганлар ҳам, биргаликда умумий хорга жўр бўлдик, агар таъбир жоиз бўлса, у ёки бу даражада адабиётшуносликда «снёсат илми»ни яратишга ҳисса қўшдик. Бу энди айrim олингандан бир олимнинг хатоси ёки камчилиги эмас, бизнинг умумий фожиамиз эди. Аммо адабиётшунослик тарихини фақат шуларгина белгилайдими? Йўқ. Агар ўтилган йўлга холисона баҳо берсак, аввал турли жамиятлар ва уюшмалар, сўнгроқ айrim институтлар, кейинроқ эса, Узбекистон Фанлар академияси бағрида янги, замонавий адабиётшуносликнинг, академик илмининг деярли барча соҳалари ривож топганилигини ўтмишдошларимиз ва устозларимизга ҳурмат сифатида қаноат билан қайд этамиз.

Ўзбекистонда XX асрнинг бошларидан янги адабиётшуносликнинг кейинроқ эса, шўро адабиётшунослигини ҳалқ оғзаки ижоди, манбашунослик, матншунослик, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, таржимашунослик, қиёсий адабиётшунослик каби барча соҳаларида арзирли тадқиқот, айтиш мумкинки, фундаментал тадқиқотлар яратила бошланди, адабиётшуносликда айrim мактаблар, фундаментал йўналишлар юзага келди. Жумладан, бугун 40 жилдан ортиқ ҳалқ ижоди намуналарини элимизга тақдим этган, ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди ҳақида ўнлаб текширишлар олиб борган, асосларини атоқли аллома Ходи Зариф яратган Узбекистон ҳалқ оғзаки ижоди мактаби элимиздан жуда узоқларда ҳам тан олинди. Улуғ Навоий «Ҳамса»сининг тўла танқидий матнини берган Порсо Шамсиев номи билан боғлиқ матншунослик йўналишидаги ишлар Ҳамид Сулаймонов тадқиқотларида муваффақиятли давом эттирилди. Фитратнинг Яссавий, Машраб ижодларини ёритувчи тадқиқотлар билан бошланган адабий меросни ўрганиш асосан тўғри йўлга қўйилди. Чўлпон ижодини биринчи бўлиб тўғри ва ҳаққоний баҳолаган устоз Ойбек мақоласидан тортиб бугунгача шўро даври адабиётини ўрганишда арзирли ютуқларга эришилди. Бу ўринда кейинги йиллардагина яратилган бир неча фундаментал тадқиқотларни санаб ўтиш жоиздир. «Ўзбек адабиёт тарихи» беш жилдлиги, Беруний мукофотига сазовор бўлган рус тилида чоп этилган «Ўзбек совет адабиёт тарихи» («История узбекской советской литературы»), «Ўзбек совет адабиётни тарихи» уч жилдлиги, «Ўзбек фольклори очерклари» уч жилдлиги, «Ўзбекистон рус адабиётни» икки жилдлиги, «Адабиёт назарияси» икки жилдлиги, «Таржима назарияси» уч жилдлиги, «Болалар адабиётни» уч жилдлиги, 2 томи яна рус тилида нашр этилган, Беруний мукофотига сазовор бўлган «Ўзбек адабиёт тарихи» («История узбекской литературы») икки жилдлиги ва бошқалар. Кейинги йилларда айrim баҳшилар репертуарини тўла нашр этиш, айrim шоир ва ёзувчиларнинг академик нашрларини амалга ошириш ишларида мунтазамлик касб этди. Бу ўринда Беруний мукофотига сазовор бўлган «Булбул тароналари» беш томлигини, Беруний мукофотига сазовор бўлган Ойбек

«Тұла асарлары» 20 жылдлығини, Fafur Fulom 12, Ҳамид Олимжон 10, Ҳамза 5, Абдулла Қодирй «Тұла асарлары» 7 жылдлығини, Алишер Навоининг 20 жылдлығини күрсатып ўтиш мүмкін. Бундай тадқиқоттар вая нашрлар ўз даври учун ҳам, ҳозир ҳам жуда катта илмий-амалық қимматтаға етіледі.

Ўзбекистон мустақиллiği шароитида адабиётшунослик олдилаги янги вазифаларни белгилашда ана шу асарларнинг ютуқ ва камчилик-ларидан келиб чиқып зарур бўлади. Бизнинг назаримизда улардаги айрим қарашлар бутунги кунда анча эскирди ёки бир ёқламадир. Адабиёт ва фольклор тарихига яхлит адабий жараён сифатида баҳо бермаслик, улардан кўпгина ижодкорлар ва материалларни соқит қилиш, қарашлар ва баҳоларни андозалаш бу туркум тадқиқотларнинг жиддий камчилигидир. Вазифалар эса, таҳлиллар орқали ана шундай камчиликлардан қутула бориш, ютуқларни эса ривожлантириш зинҳор инкор қилиш орқали (эмас) белгиланади.

Янги тарихимизда рўй берган ғоявий тазйиклар ўзбек ҳалқ оғзаки ижодини ҳам четлаб ўтган эмас. Ҳалқ оғзаки ижоди матнлари нашридаги ўринисиз қисқартишлар, ҳалқ оғзаки ижоди сюжети билан боғлиқ ўнлаб қиссаларни, бир қатор намуналарни ўрганмаслик, ҳалқ озодлик ҳаракатлари куйланган асарларни архивларда яшириш ёки ёзиб олмаслик, айрим ҳолларда сохта, ҳалқ ўртасида бўлмаган намуналарни тарғиб қилиш ва бошқалар шундай тазйиклар натижасидир. Аммо буларнинг ҳаммасини бирданга олдини олиб ёки бажариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳалқ оғзаки ижоди соҳасидаги яқин ийлардаги устивор йўналиш бизнинг назаримизда ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди киришишдир.

Агар илгари ўзбек классик адабиётини ўрганишда яхлитлик, барча ижодкорларга бир хил муносабатда бўлиш тамойиллари юз берган бўлса, эндилиқда Шарқ фалсафасига қизиқиши кучайғанлиги, виждан эркинлигига катта эътибор берилаетган тифайли адабий ҳодисаларни у ёки бу фалсафий оқимларнинг ҳосиласидан иборатгина қилиб кўрсатишга уринишлар юз бермоқда. Бундан адабиёт ва фалсафа, адабиёт ва дин масалаларини ўрганмаслик керак, деган маъно чиқмаслиги зарур. Адабиётнинг ижтимоий ҳаёт сингари жуда ҳам мураккаб эканлигини, у шу ижтимоий-маиший ҳаётнинг бадиий акси сифатида мажозий образлар билан бирга реал образлар орқали ҳам иш кўришини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам бу соҳада кам ўрганилган жиҳатлар – ҳалқчиллик ва дидактика, адабиёт ва тасавуф, айрим шоирлар мероси ва маҳорати соҳасидаги тадқиқотларни тезлаштириш орқали мумтоз адабиётнинг янги тарихини яратишга киришиш зарур. Яқин келажакда эса, «Ўзбек адабиёти ёдгорликлари» 100 жылдлиги нашрини амалга оширишни ҳам ўйлаб кўриш ва унинг нашр принципларини ишлаб чиқиши керак бўлади.

Энг чигал, янгича баҳоланиши зарур бўлгандан биринчай 100 жылдлиги нашрини амалга оширишни керак бўлади. Бу давр адабиётнин парчаламай яхлит тадқиқ этиш, унинг ҳаётбахши илдизларини очиш, ворисийлик муаммоларини ўрганиш, оқибатда унинг янгидан тарихий яратиш керак бўллади. Яқин келажакда эса, бу давр адабиётнинг шаклланиш даврини ўрганиш, Чўлпон асарларий 10 жылдлигигини, Фитрат асарлари 15 жылдлигигини нашрға тайёрлаш шу соҳадаги устивор йўналиш бўлмоғи керак.

Бизда яхшигина адабий танқид бор эди. Аммо у кейинги йилларда мақоланағисликка, яъни публицистикага ўтиб кетди, аниқроғи илмий-лигигини ўқотиб, унинг соясига айланаб бормоқда. Шунинг учун ҳам бугунги адабий ҳодисаларга танқидчилардан аввал ёзувчиларнинг ўзларий тўғри ва ҳаққоний баҳо бермоқдалар. Бундай ҳол адабиётшунослик олдиға янги вазифалар кўймөқда. Шунинг учун ҳам адабиёт-

шунослик танқидчилликка муайян йўналиш бериш билан бирга ҳозирги адабий жараённинг асосий анъаналарини аниқлаш орқали унга яхлит баҳо берйши, шу орқали адабиётнинг истиқболини белгиловчи тадқиқотлар олиб бориши зарур.

Адабий алоқалар, таржима назарияси бўйича бир мунча ишлар қилинган бўлса-да, қиёсий адабиётшунослик анча суст ривожланмоқда. Шунинг учун ҳам адабиётлараро алоқа жараёнида таржиманинг ўрни, адабиётлараро алоқа умумийлигига ўзбек адабиётининг ўзига хослиги, муаммоларини ўрганиши қиёсий адабиётшуносликдаги устивор йўналишлар хисобланади.

Юқорида баён қилинган вазифаларнинг қай даражада бажарилиши адабиёт назарияси соҳасидаги тадқиқотларнинг савиясини ҳам белгилайди. Узоқ йиллар давомида «Адабиётнинг бош мезони — фоявийликдир» деган ақида, зўравонлик сиёсати, адабиётга ўтказилган зуғум чок-чокидан сўклилган бугунги кунда бу соҳадаги тадқиқотлар бадиийлик муаммосини ўрганишга қаратилмоги керак. Истиқболда эса, мукаммал кўп жилдлй адабиёт назариясини, адабий-танқидий қарашлар тарихини яратиш асосий вазифалардандир.

Мен бу ерда оғли равишда ўрта ва олий ўқув юртларида адабиётнинг ўқитилиши, унинг савиясига адабиётшуносликнинг таъсири ҳаби бир қатор масалаларга тўхтала олмадим. Бу энди бошқа мавзу, бошқа бир муҳокаманинг объектидир. Шунингдек, асосий мутахассислиги халқ оғзаки ижоди бўлган бир шахснинг адабиётшуносликнинг ҳамма жиҳатларини бир маърузада қамраб ола олмаслиги табиий. Бу жиҳатлар муҳокама давомида тўлдирилади, деган умиддаман.

Бу ўринда илмни ташкил қилиш билан боғлиқ бир масалага диққатингизни тортмоқчиман. Гап шундаки, турли доираларда академия керакми, илмий-текшириш институтлари бошқача бўлса қандай бўлади қабилидаги гап-сўзлар юриб қолди. Бизнинг назаримизда бўлим (мавзу), илмий текшириш институти, академия президиуми учлиги фундаментал фанни ташкил этиш ва бошқаришда ўзини оқлади. Бундай тажрибадан воз кечиши ёки уни қайта қуришга уриниш юмшоқ қилиб айтганда, жуда катта ва истиқболли қадриятдан воз кечишдир. Эҳтимол унинг қайсири ҳалқаларида ислоҳлар содир бўлар, аммо моҳият ўзгармаслиги шарт. Дунё тажрибаси буни тасдиқлаб турибди.

Хуроса қилиб айтганда, адабиётшунослик соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг бундан кейинги даражаси ва ривожи эришилган ютуқлар, кўлга киритилган марраларнинг инкори тарзида эмас, балки уларнинг тадрижик тараққиёт сифатида давом этиши зарур. Бизнинг назаримизда адабиётшунослик масалаларини сифатли ва юқори савияда бажариш учун фикрлар хилма-хиллигига, ижобий маънодаги рақобатга, мавзуларни турли гуруҳдаги олимлар томонидан конкурслу асосларда бажаришга кенг йўл очиш, ҳар қандай илмий ташаббусни ўйлаб-куватлаш керак бўлади. Бундай йўл ўзбек адабиётшунослиги истиқболини белгилай олади, деб ўйлаймиз.

А. ХОЖИЕВ

УЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА УЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИННИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Узбекистоннинг мустақилликка эришуви натижасида бошқа соҳалярдаги ишлар билан бир қаторда ўзбек тилшунослигига оид ишларни ҳам ҳақиқий маънода, ўз манфаатларимизга тўла мос ҳолда қайта қуриш имконияти юзага келди. Шу муносабат билан ҳанузга қадар ўзбек тилшунослигининг, жумладан ўзбек тилининг тўғри йўл билан эркин ривожланишига халақит бериб, тўсқинлик қилиб келган ишлар-

нинг, ҳодисаларнинг барчасига чек қўйиб, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш вақти ҳам келди.

Эндилиқда ўзбек тилининг ҳар тарафлама ривожланишини таъминлаш учун уни тасвиғий ўрганишдан назарий тадқиқотларга ўтиш, унинг тараққиёт қонуниятлари, ривожланишининг тӯғри йўлларини белгилаш ва шулар асосида иш олиб бориш талаб этилади.

Ўзбек тилшунослигининг устивор йўналишлари, бу йўналишлардаги фундаментал тадқиқотлар мавзулари белгиланган ва келгусидаги ишларимиз ана шу йўналишлар, шу йўналишлардаги фундаментал тадқиқотлар мавзулари асосида режалаштирилган. Бу ўринда улар ҳақида, фундаментал мавзуларнинг мазмуни ҳақида тўхтаб ўтирамаймиз, балки мустақилликка эришиш муносабати билан юзага келган энг биринчи навбатдаги, долзарб вазифаларимиз ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олишни лозим топамиз.

Мақсад, Республиkaning давлат тили ҳақидаги қонунининг 1-модасида айтиб ўтилганидек, ўзбек тилини фаолиятимизнинг барча соҳаларида хизмат қиласига кўтариш, шундай тилга айлантиришидир. Бироқ ўзбек тили ўз ривожланишида маълум чеклашларга, тўсиқларга дуч келгани, буларнинг таъсири тилда, унинг ривожланиши, қўлланишида ўз аксими топгани ҳаммамизга маълум. Бундай салбий ҳодисаларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини тўла бартафа этиш ҳуқуқи, имкони эса бизда йўқ эди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилishi билан ўзбек тилининг ҳақиқий маънодаги миллий тил бўлишига тўсқинлик қиласиган ҳар қандай хатти-ҳаракат ва ҳодисаларга чек қўйилди, яъни давлат тили ҳақидаги қонун ўзбек тилининг фаолиятимизнинг барча соҳаларида қўлланадиган тил бўлишини таъминлайдиган, бунга қарши бўладиган ҳар қандай уриннишларни йўқ қилишга ҳуқуқ берадиган қонун бўлди. Бироқ шуниси ҳам маълум эдик, Республикамиз ўз мустақиллигига эга бўлмаган шароитда, бошقا соҳаларда бўлгани каби, ўзбек тилини ўз мақсадимизга, талабимизга тўла мос ҳолда ривожлантириш, ўзбек тилини тўла маънода давлат тили даражасига кўтариш ҳуқуқимиз, имконимиз йўқ эди. (Буни давлат тили ҳақидаги қонуннинг моддаларида ҳам аниқ кўриш мумкин). Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви муносабати билан эса ўзбек тилини ҳар тарафлама ривожлантириш, уни фаолиятимизнинг барча соҳаларида қўлланадиган тил бўлишини, яъни ҳақиқий маънодаги давлат тили бўлишини таъминлаш учун зарур бўлган барча ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдик, шундай ишларга барча йўллар кенг очилди. Бинобариц, биринчи навбатдаги вазифа бу берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда шу вақтга қадар ўзбек тилининг қандай чеклашлар, тазииклар таъсирида бўлганлигини кўрсатувчи далилларни тўла ва аниқ белгилаб, уларни бартараф этиш ва бундан бўён ўзбек тилининг ҳар тарафлама эркин ривожланишига асос, имкон бўладиган, йўлларни, омилларни аниқлаб олиб, шулар асосида ишлашдан иборатdir.

Аввало айтиш керакки, ўзбек тилининг эркин равишда ҳар томонлама ривожланишига имкон бермаган тўсиқ, тазиик ва чеклашлар бу тилининг барча соҳаларида ўз салбий изини қолдириган. Лекин уларни бартараф этишда энг муҳим бўлган ишларга асосий эътиборни қартиш керак бўлади. Бизнинг назаримизда булар куйидагилардан иборат:

1. Ўзбек тилида фаолиятимизнинг барча соҳаларида хизмат қиласиган тилга айлантириш билан боғлиқ барча ишларни, жумладан, ўзбек тилини барча ўқув юртларида ўқиш, ўқитиш ишларини талаб даражасида йўлга қўйиш, рус тили ўқув қўлланма ва дарслеклари қолипида ёзилган дарслек ва қўлланмалардан воз кечиб, ўзбек тили бўйича ёзилган илмий-назарий ишлар асосида янги дарслек ва қўлланмалар яратиш керак. Умуман, ҳозирги ва бундан кейинги талаблардан келиб

чикиб, Республика мизда тил ўқитиш билан боғлиқ ишларни қайта кўриб чикиб, уларни тўғри йўлга қўйиб олишимиз лозим.

2. Узбек тилининг луғат таркибида (лексикасида), айниқса унинг терминологиясида русча ва рус тили орқали ўзлашган сўзлар анча миқдорини ташкил қилиши маълум. Тан олиб айтиш керакки, буларниң асосий қисми тил тараққиёти қонуниятларига, тил талабига мос ҳолда ўзлашган ва ўзбек тилига сингиб, унинг ўз сўзи, ўз мулки бўлиб кетган. Шу билан бирга у ёки бу тушунчани ифодалаш учун ўзбек тилининг ўз сўзи, ўз имконияти бўлгани ҳолда ўринисиз, тил талабига зид ҳолда рус тилидан қабул қилинаверган сўзлар ҳам борки, булар ўзбек тилининг соғлигини бузади, ўзбек тилининг тазиён остидаги тил эканини акс эттириб, бу тилдан фойдаланишида, унинг ривожланишида салбий таъсир этиб туради. Ана шундай сўзлардан воз кечиб, уларни ўзбек тилининг сўзлари, ўз имкониятлари асосида яратиш (ҳосил қилиш) мумкин бўлган сўзлар билан алмаштириш керак бўлади. Шундай иш бошлангани ва кўпгина оврупача сўзлар ўзбекча, ўзбек тилининг ўз сўзи бўлиб кетган асли арабча ёки форсча сўзлар билан алмаштирилгани маълум. Лекин шу билан бирга бирон жиҳатдан нуқсони бўлмаган, нарса-ҳодиса ва у ҳақдаги тушунчани аниқ, тўғри ифодалайдиган, ҳамма учун тушунарли бўлиб, ўзбек тилига сингиб кетган ўзлашма сўзларни ҳам тушунчани тўғри ва аниқ ифодалай олмайдиган, маъносини ҳеч ким тушунмайдиган арабча, форсча сўзлар билан алмаштиришга уриниш ҳам ҳаммамизга маълум. Бу ҳол ўзбек тили учун зарадан бошқа нарса келтирмайди. Бу борадаги ишларимизнинг муваффақиятли, мақсад ва манфаатимизга мос ҳолда бўлиши учун ўзбек терминологиясини такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари ишланishi, термин яратиш, танлаш, борларни бошқаси билач алмаштиришда амал қилинадиган принциплар белгиланиши ва шу принциплар асосида иш олиб бориш шарт бўлади. Ана шундай принциплар ишланди. У яқин орада муҳокама қилиниб, амал қилишга тавсия этилар. Бироқ шу ўринда бир нарсани алоҳида қайд этишин лозим топамиз. Ҳозирда кўп ўзлашма сўзларнинг бошқаси билан алмаштирилиши хотўғри, номақбул, ҳатто заарарли экани илмий-амалий жиҳатдан ҳар томонлама исботлаб берилса ҳам, лекин унга эътибор қилинмаяпти ва эътибор қилишга мажбур қилувчи (талаб қилувчи) ҳам топилмаяпти. Институт, университет сўзларини олийгоҳ сўзи билан алмаштиришга уринишнинг ўзиёқ бунинг яқъол далилидир. (Бунинг нотўғрилиги олимдан тортиб оддий ишли, хизматчи томонидан айтилди. Тўғрилигини эса ҳеч ким айтгани ҳам, исботлагани ҳам йўқ. Бироқ ҳамон олийгоҳ сўзини кўллаш давом этяпти). Термин, терминология сўзларини атама, атамашунослик сўзлари билан алмаштириш ҳам ана шундай нотўғри, номақбул ишдир.

Совет даврида ўзбек халқининг тўла эркин бўлмай, маълум тазиқлар остида бўлгани жой номларида, жойларга ном беришда, шунингдек, фамилияларда ҳам яқъол намоён бўладики, бу ҳолатни ҳам бутунлай бартараф этиш керак бўлади. Бу борада ҳам маълум ишлар қилинди ва қилингани. Бироқ ишлар аниқ принциплар асосида, талаб даражасида бўлаётгани йўқ. Институтимизнинг ходими Э. Бегматов жойларга ном бериш, борларни (номақбул номларни) ўзгартирининг принципларини ишлаб чиқди. Энди шу тавсияларни муҳокама этиб, бу ҳақда бир фикрга келгач, ишларимизни шу тавсиялар асосида олиб боришмиз керак.

3. Узбек тилининг эркин ривожланиш имконига эга бўлмагани, рус тилининг салбий таъсирида бўлиб келгани иш юритишда яна ҳам яққолроқ кўринади.

Инқилобдан то СССР тугагунга қадар ҳужжатчилик бўйича кўп ишлар қилинди. Лекин улар асосан рус тилидаги ҳужжатчиликка ондидир. Узбек тилидаги ҳужжатчилик бўйича эса деярли ҳеч нарса қилин-

мади, ўзбекча ҳужжатчилик, ўзбек тили расмий иш услуги ривожлан-мади. Кейинги вақтларга келиб ҳужжатлар асосан рус тилида олиб борилдиган бўлди, ўзбек тилида бўлган саноқли миқдордаги ҳужжатлар ҳам рус тили андоғасида бўлиб, ўзбек тилининг жумла қурилиши қонун — қоидаларига мутлақо мос келмайди. Бу аҳволнинг қанчалик аянчли эканини тасаввур этиш қийин бўлмаса керак. Демак, қай дара жада мураккаб, қийин бўлмасин, ўзбек тилида иш юритиш, ҳужжатчиликни йўлга қўйиш билан боғлиқ барча ташкилий ва илмий-амалий ишларни тезда йўлга қўйиб юборишимиз керак.

4. Узбек ёзувининг ривожланишида, ундан фойдаланишда салбий роль ўйнаб келган, ташки тазиңқ далилларидан бирни рус графикаси (кириллица) асосидаги алифбо ва ёзувимиздир. Эллик йилдан ортиқ вақт давомида қўлланиб келинаётган бу алифбо нафақат ўзбек ёзувининг, балки бошқа туркӣ тиллар ёзувининг ҳам талаб даражасида бўлишини, ривожланишини таъминлай олмаслигини тарих исботлади. Бу графика асосидаги алифбо ва ёзувни такомиллаштириш борасидаги барча уринишлар деярли ҳеч қандай натижа бермаганлиги энди ундан воз кечиш ва ҳар томонлама талабга жавоб берадиган ёзувни белгинаш имконини берадиган иккстикболли алифбони танлаш масаласини кун тартибига қўйди. Мустакилликка эришувимиз эса бу ишни амалга ошириш учун йўл очди. Ўйлаймизки, бу борадаги ишларимизнинг кўнгилдагидек якупнаниши учун барча шарт-шароитлар яратилади ва барча соҳаларнинг ривожланишида бекаму кўст хизмат қила оладиган ёзувимизга эга бўлмаз. Бу ўринда фақат шуни таъкидламоқчи мизки, қайси алифбо (ёзув)ни танлаш масаласида баҳсласиб, маслаҳатлашиб олдик ва, ўйлайманки, бир хулосага, яъни лотин ёзувига ўтиш маъқбат деган хулосага ҳам келдик. Яқинда Туркияда шу масалага бағишиланган йиғилишда ҳам туркӣ тиллар учун ана шу ёзувга ўтиш тўғри йўл экани ҳақида бир фикрга келинди. Бас, шундай экан, қайси ёзувни танлаш бўйича баҳс — мунозараларга чек қўйиб, вақтни кўлдан бой бермай, лотин ёзувига ўтиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳал этишга киришиш лозим. Шундай қилинса, ёзув билан боғлиқ барча муаммоларни тезор ҳам таъкидламоқчи мизки, бу ёзув билан боғлиқ ишларга бўладиган ўринисиз, ортиқча сарфларга йўл қўйилмайди.

5. Ниҳоят, ёзув билан боғлиқ бўлган бир муаммо — ўзбек имло (орфография) қоидаларини такомиллаштириш муаммосидир. 1956 йилда ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари тасдиqlанганидан сўнг оз вақт ўтмасданоқ унинг талаб даражасида эмаслиги маълум бўлди, унинг нуқсонлари бирин-кетин маълум бўла бошлади. Ушандан то шу вақтга қадар имло қоидаларидаги камчиликларни тугатиб, уни такомиллаштиришга ҳаракат қилиб келингни, лекин кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлмаяпти. Бунинг сабаби ҳам ёзувимизнинг кириллициага асосланганлиги экани маълум бўлди. Айниқса кейинги 10—15 йил давомида имломизни такомиллаштириш борасида олиб борилган ишларнинг кўнгилдагидек натижа билан тугамаганлиги буни яна ҳам очиқроқ тасдиқлади. Демак, лотин алифбосига ўтиш ишлари билан бир вақтнинг ўзида имломизнинг асосий қоидаларини яратиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва амалий ишларга ҳам киришувимиз керак.

Таклифлар: 1. Узбек тили терминологиясини, жой номларини та комиллаштириш, тартибга солишнинг тўғри ва аниқ принциплари ишлаб чиқилиб, бу борадаги ишлар ана шу принциплар, тавсиялар асосида олиб боришлиши керак.

2. Аниқ дастур асосида иш юритиш бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиб, шулар асосида ўқиши, ўқитиши билан тўла равишда ўзбек тилида иш юритишни йўлга қўйиш лозим.

3. Лотин ёзувига ўтиш, бу ёзув асосидаги ўзбек имлосининг асосий

қоидаларини яратиш билан боғлиқ амалий ва ташкилий ишларга киришувимиз зарур.

А. УРИНБОЕВ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ШАРҚШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Маълумки, шарқшунослик фани Шарқ мамлакатлари халқларининг ўтмиш асрлар ва ҳозирги замон ҳаётининг барча соҳаларига даҳлдор бўлган кенг қамровли бир фан бўлиб, унинг фаолияти барча ижтимоий-гуманитар фанлар, айрим ҳолларда эса аниқ ва табиий фанлар билан ҳам ҳамкорликда гавдаланади.

Бизнинг Ўзбекистонда шарқшуносликнинг тарихига назар ташласан, у мазкур соҳалардан ташкил топган икки асосий илмий йўналиш бўйича ривожланиб келганлигини кўрамиз:

I. Институтда сақланадиган бой қўлёзма жамғармаси асосида Шарқ халқлари ёзма меросини ўрганиш, феҳристларини тузиш ва илмий нашр этиш.

II. Хорижий шарқдаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнлар ҳамда Урта Осиё, жумладан, Ўзбекистон билан қўшни Шарқ мамлакатлари орасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-адабий алоқалар тарихини ўрганиш.

Ҳозирги кунда республикамизда янги тафаккур ва ошкораликнинг тобора ривожланиб бораётганилиги шарофати билан халқимизнинг ўз маданияти, кўп асрлик ўтмиши тарихини батафсил ва ҳаққоний тарзда билишга бўлган қизиқиши кучаймоқда. Республиканинг мустақиллик мақомига эришиши муносабати билан эса, хорижий давлатлар, хусусан, шарқ мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий алоқаларимиз тобора кенгайиб бормоқда.

Ана шу воқеиликларни назарга олганда республика мустақиллиги шароитида ҳам шарқшуносликнинг мазкур икки йўналиши ижтимоий-гуманитар фанлар ривожидаги долзарб муаммолар қаторидан ўрин олади.

Ҳозирги кунда институтнинг Шарқ қўлёзмалари фонди дунёдаги энг йирик қўлёзмалар хазиналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда 18.000 жилдаг жамланган 40.000 дан зиёд қўлёзма нусхалар, 30.000 дан ортиқ тошбосма китоблар ва бир неча ўн мингдан иборат шарқ тилларида ёзилган ҳужжатлар тўплланган. Улар асосан араб, форс ва туркий тилларда битилган бўлиб, Урта Осиё ва қўшни хорижий шарқ халқларининг тарихи ва маданиятини, адабиёт ва фан тарихини ўрганиш учун ишончли манбалардир. Улар фақат илмий аҳамиятгагина молик бўлиб қолмай, балки ҳозирги мустақиллик шароитида ёш авлодни ватанпарварлик, одамийлик, юксак ахлоқий хислатлар руҳида тарбиялашдек муқаддас бир амалий қимматга ҳам эгадир. Ана шунинг учун ҳам бу бебаҳо маънавий ва фан бойлигини сақлаш, ўрганиш ва оммалаштириш институт ходимларигина эмас, балки Фанлар академияси олдидаги давлат даражасига молик бўлган масъулиятли вазифадир, деб ҳисоблаймиз.

Институтда бу маънавий, ҳам фан бойлигининг мавжудлиги ҳамда мазкур икки илмий йўналиши бўйича, айниқса, ёзма ёдгорликларни ўрганиши ва нашр этиш борасида қилинган ишлар Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтини дунёдаги энг йирик шарқшунослик марказлари қаторидан ўрин олишига сабаб бўлди. Жумладан, бу имлогоҳда «Ўзбекистон академиясининг Шарқ қўлёзмалари» номли феҳристнинг ўн бир жилди чоп этилиб, унда институт хазинасини даги қўлёзма асарларнинг 7.500 га яқин энг нодир нусхалари ҳақида

илемни тавсифлар берилди. Абу Наср ал-Форобий, Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Бакр ар-Розий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби ийрик шарқ қомусий олимларининг бир неча жилдлаб асарлари илемни изоҳлари билан нашрдан чиқди, улар асосида бир қанча монография ва рисолалар ёзилди; булар туфайли шарқ халқлари, жумладан Ўрта Осиё халқларининг дунё фан-маданияти тарихига қўшган улкан ҳиссалари ойдинлашиб бормоқда. Булардан ташқари тарихнавислик, мемуарчилик, сайджлар ёдгорниклари каби тарихий мавзуларда ёзилган бир қанча асарлар ва ҳужжатларнинг ўзбекча ёки русча изоҳли таржималари, танқидий матнлари ва улар устида олиб борилган тадқиқот ишлари чоп этилиб, улар ҳозирда Ўрта Осиё ва қўшини хорижий мамлакатлар тарихини мукаммалроқ ёритиш ишларida цончончи маңба хизматини ўтаб келмоқда. Бундай нашрлар қаторига Абу Бакр Наршаҳийнинг «Бухоро тарихи», Байҳақийнинг «Масъуд тарихи», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаъи саъдайн» асари ва унда келтирилган «Ҳиндистон сафарномаси», Фиёсуддин Наққошнинг «Хитой сафарномаси», «Самарқанд ҳужжатлари», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг факсимил нашри, «Бобурнома», Фасиҳий, Маҳмуд ибн Валининг асарлари, Бухоро хонлиги тарихига оид бир қанча асарлар, Абдураҳмон Ҷомийнинг Алишер Навоийга хатлари каби IX—XV аср маңбаларидан тортиб то XX аср бошларига ча бўлган воқеалардан сўзловчи тарихий ва адабий асарлар силсиласи ни киритиш мумкин.

Институтнинг кейинги йиллардаги ютуқларидан бири шу бўлдики, 1990 йилдан бошлаб ҳозирчалик ҳар йилда бир бор нашр этилуви «Шарқшунослик» жаридаси таъсис этилди. Шу кунларда унинг учинчи сони «Фан» нашриётида чоп қилинмоқда. Унда республикамиз Шарқшунослик фанининг ҳар икки илмий йўналиши бўйича эришилган муваффақиятлар, муаммолар ва режалар, янги топилган манбалар ҳақида мақолалар чоп этиб бориши кўзда тутилган. У асосан ўзбек тилида нашр қилинмоқда ва барча шарқшуносларнинг иштирок этишига ва келажакда бир йилда тўрт сонини чиқаришга мўлжалланган.

Бироқ айтиш лозимки, ҳозирда республикамиз маънавий ҳаётida кечеётган жараёнларни ҳамда ёзма меросимизнинг ўрганилмаган саҳифалари ҳали қанчалик кўп эканлигини назарга олсан, бажарилган ишлар бу куннинг талабига нисбатан ҳали оз эканлиги, олдиндаги вазифалар, муаммолар кундан-кунга кўпайиб бораётганлиги, ижтимоий-гуманитар фанларга оид қатор камчиликлар шарқшуносликка ҳам бевосита тааллуқли эканлиги яққол кўзга ташланади. Масалан, бизнинг жамиятшунослик фанимизда маълум сабабларга биноан тарихимизнинг айрим даврларини, воқеаларини ҳамда баъзи шахслар фаолиятини ўрганиш эътибордан четда қолиб келар эди. Ўтмиш маданиятимиз тарихини ёртиб бериш учун мислсиз манбалар бўлмиш нодир қўлэзмаларни илмий жамоатчиликка ва кенг китобхонлар оммасига етказиш масаласида ҳам синфий нуқтаи назардан ёндашиш, уларни гоявий кураш доирасига тортишга ҳаракат қилиши маълум салбий таъсир кўрсатган ва шунинг натижасида зарур манбаларнинг кўплари оммалаштирилмай келинади. Ислом тарихи ва у билан боғлиқ ҳар турли муаммолар, Темур ва Темурийлар, Бобурйлар даврига, Ўрта Осиё хонликлари ва уларнинг Россия томонидан босиб олниши масалаларига оид ёзма манбалар ва ҳужжатларни илмий нашр этиш шулав жумласидандир. Ёзма манбаларда учрайдиган Ўрта Осиё халқларига оид этник маълумотларни тўплаб нашр этишга ҳам етарли аҳамият берилмай келинган эди. Маънавий ҳаётимизда содир бўлаётган бугуни ўзгаришлар бу муаммоларни дарҳол юзага чиқариб долзарб вазифалар қаторига кўйди. Ҳозирда институт режаларида бу муаммолар ўз ўрини эгалламоқда.

Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, биз Ўрта Осиё фан-тарихига

оид тадқиқотларимизда асосан кўзга яққол ташланиб турган даврлар— ал-Хоразмий, ал-Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбеклар ижодига катта аҳамият бериб келдик. Бу табии, ҳол, албатта. Лекин ёзма ёдгорликларни синчилаб қаралса, бошқа даврларда ҳам баъзи эътиборга молик сиймолар бўлганинги кўрамиз. Демак, Шарқшунослар олдида газифалардан яна бири ана шу кам ўрганилган даврлар фан— маданияти тарихига оид манбаларни ҳам изчилик билан тадқиқ этишидир.

1994 йили март ойида аллома Мирзо Улуғбекнинг таваллудига 600 йил тўлади. Бу санани кенг миқёсда нишонлаш борасида ҳукумат қарори ҳам чиққан. Институтда олимнинг «Зижи жадиди Курагоний» асарини ва умуман XV аср Самарқанд илмий мактаби меросини нашрга тайёрлаш масаласи ҳам долзарб вазифалардандир.

Республика мустақиллиги муносабати билан араб мамлакатлари, Эрон, Покистон ва бошқа ерлардан келаётган илмий делегациялар сони кундан-кунга ортиб бормоқда; улар асосан қўллэзмаларга қизиқадилар ва фехристларни сўрайдилар. Фехристлар улар билан илмий ҳамкорликни кучайтириш учун ҳам зарур воситадир. Буни назарда тутиб институтда қўллэзмаларнинг мавзу бўйича тузилган фехристларини тушинга киришилди ва уларни араб ва инглиз тилларида ҳам нашр этишини ўйлаяпмиз. Биз юқорида айтиб ўтган нашрлар қарийб 50 йил давомида кам нусхаларда амалга оширилган эди. Ҳозир эса ўқувчи ва тадқиқчиларнинг янги авлоди вужудга келди. Демак, мазкур асарларни қайтадан нашрга тайёрлаш муаммоси ҳам зарурий ишлардан. Улардан баъзи харидоргирларни ҳар хил нашрнётларда катта нусхада босилияти ҳам. Лекин ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитини назарга олганда бу ишни академиянинг «Фан» нашриёти ўз зиммасига олиб, ўзининг ҳам, институтнинг ҳам манфаатларини кўзда тутган ҳолда амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Меросимизни нашр этишдан тушадиган маблағ лоақал қисман бўлсада ана шу меросни яхши сақлаш, таъмир этиш мақсадларида фойдаланилса — бу жуда олижаноб ва хайрли иш бўларди.

Биринчи илмий йўналиш бўйича институт олдида турган долзарб муммалордан яна бири — бу қўллэзмаларнинг нодир нусхаларини факсимил шаклида кўплайтириб қўйиш, чет эллардаги кутубхоналарда сақланяётган биз учун керакли қўллэзмаларнинг микрофильм нусхаларини олиб институтда сақлаш, қўллэзмаларни таъмирлаш ва хаттотлик мактаби ташкил этиш, қўллэзма асарлар ва ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни ЭҲМ га ёзиб олиб, дунё ахборот алмашиниши тизимиға киритиш учун ҳозирлаш каби вазифалардир. Шу кунларда Вазирлар маҳкамаси томонидан «Мерос» илмий маркази қуриш ҳақида қарор қабул қилиниб, унга жой ажратилди. Бу марказ тезда қурилиши ва биз юқорида санаб ўтган ёзма меросни сақлаш ва ўрганишнинг ҳозирги замон техникавий воситаларига эга бўлишига умид қиласиз.

Айни вақтда шарқшуносликнинг иккинчи устивор йўналиши — хорижий шарқ мамлакатлари тарихи, иқтисодиёти ва маданиятини илмий ўрганиш муммалорни ҳам мустақиллик масалаларига бевосита даҳлдор соҳадир. Бинобарин, бу борадаги илмий изланишларни ҳаётимизнинг бугунги ва келажакдаги долзарб талаблари даражасига кўтириши шарқшунослик фанининг ғоят мұхим ва зарурий вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, Шарқшунослик институтида Яқин ва Ўрта Шарқ, Ҳиндистон ярим ороли мамлакатлари, Ҳитой билан Ўрта Осиёнинг тарихий ва маданий алоқалари, хорижий шарқ адабиёти ҳамда чет эл шарқидаги хотин-қизлар ҳаракатини ўрганиш шўъбалари мавжуд. Ана шу соҳаларнинг ҳар бири бўйича монографиялар, илмий тўпламлар ва оммабоп рисолалар тайёрланиб нашр этилган. Аммо шу пайтгача республикамизда бу масалаларни ўрганишни иши сабиқ СССРининг таш-

қи сиёсати нүктан назаридан олиб борилар эди. Энди бу гаплар ортда қолди.

Хозирда институтнинг мазкур шўъбаларида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидағи миллӣ муммомлар ва муносабатлар, Ўрта ва Марказий Осиё халқарининг этник ва тарихий-маданий алоқалари, Ўрта Осиё республикалари билан Жанубий Осиё мамлакатларининг ижтиёмий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётини қиёсий ўрганиш масалалари ва бошқалар бўйича фундаментал тадқиқотлар режалаштирилган. Шу билан бирга республикамиз мустақил давлат сифатида жаҳонга танилиб бораётган бир пайтда кўплаб давлатлар билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришга кенг шароит туғимоқда. Аммо, маълумки, хорижий шарқ мамлакатларида ҳозирги кундаги аҳвол сира бир-бирига ўхшамайди, уларнинг айримларида эса ҳали-ҳануз ғоят мураккаб, оқибатини дарҳол англаб олиш мушкул бўлган сиёсий жараёнлар юз бериб турибди. Улар юзасидан изчил илмий изланишларни йўлга кўймай туриб нафақат ҳар бир мамлакат билан бўладиган алоқаларимиз дастурини, балки халқимиз учун ғоят зарур бўлган оммабоп нашрларни ҳам амалга ошириш мушкул бўлади.

Ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда Институтнинг чет эл Шарқи билан алоқадор илмий режаларига қатор кўшимчалар киритиш лозимлиги кўзга ташланиб қолди. Даставвал, биз 1993 йилнинг биринчи ярмигача ўзбек тилида ҳар қайсиси 4—5 босма табоқ атрофида хорижий шарқ мамлакатларининг ҳозирги ҳаётига бағишланган рисолалар силсиласини яратиши мақсад қилиб кўйдик. «Ҳозирги Туркия», «Ҳозирги араб давлатлари», «Ҳозирги Эрон», «Ҳозирги Афғонистон», «Ҳозирги Покистон», «Ҳозирги Ҳиндистон» ва «Ҳозирги Хитой» каби рисолалари шулар жумласига киради.

Шу билан бирга биз хорижий шарқ халқлари билан Ўрта Осиё халқлари орасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларимиз тарихига алоҳида эътибор беришини ҳам мўлжаллаётibмиз. Бу соҳада қатор жиддий тадқиқотлар яратилиши мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирда ана шу мамлакатлар билан ўрнатаётган дўстона муносабатлари қадимий алоқаларнинг давоми эканлигини исботлаб беради ва ўзаро дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қўлувчи мухим омил ҳам бўлади, деб ўйлаймиз.

Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий ва иқтисодий майдонига чиқиши хорижий шарқ мамлакатлари бўйича мутахассислар олдига Ўрта Осиё, жумладан ўзбек дипломатияси тарихига ҳам жиддий назар ташлаш вазифасини кўймоқда. Биз учун шу пайтгача дипломатия тарихининг дастуруламали ҳисобланиб келган З жилдлик «Дипломатия тархи» («История дипломатии») асарида бу ҳақда бир оғиз ҳам сўз йўқ. Айрим шарқ давлатларида бу масала юзасидан талайгина ишлар амалга оширилган. Масалан, Эронда бундан йигирма йил муқаддам бир неча жилдли «Тарих и дипломасии Эрон бо дунё» (Эроннинг жаҳон мамлакатлари билан дипломатик муносабатлари) асари чоп этилган, эди. Тўғри, бизда ҳам айрим ишлар амалга оширилган: Хитой, Ҳиндистон, Эрон, ва Россия билан, шунингдек, Темур даврида Франция ва Испания билан Ўрта Осиёнинг элчилик муносабатлари ҳақида кичик рисолалар ва мақолалар чоп этилган. Аммо улар бу борада қилиниши лозим бўлган ишлардан бир томчи, холос. Албатта, Ўрта Осиё дипломатияси тарихини яратишдек улкан вазифа биргина шарқшунослар билан чекланиши мумкин эмас. Шуни ҳисобга олган ҳолда биз дастлабки қадам сифатида бу соҳага тааллуқли материаллар тўпламини вужудга келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, хорижий шарқнинг аксариётида, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда магриб мамлакатларининг ҳаммасида ислом дини катта мавқега эга. Бу масала эндилика шарқшунослик фани олдига катта вазифаларни кўндаланг кўймоқда. Чунки биз шу пайтгача ислом дини

тариҳи ва ҳозирги мавқенинни етарли даражада ўрганган эмасмиз. Бунинг сабаблари маълум, албатта. Тўғри ислом тариҳини илмий жиҳатдан ўрганиш муаммолари нафақат шарқшунослар, айни вақтда файласуфлар, тариҳчилар ва сиёсатшуносларнинг ҳам муҳим вазифасидир. Сўнгги пайтларда реопубликамизда, жумладан Шарқшунослик институтида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Аммо мен бу ўринда исломнинг шарқ мамлакатларида ҳозирги кунда тутган мавқеи ва ана шу долзарб мавзуни илмий таҳлил этишининг зарурлигини таъкидла-моқчиман. Чунки бу соҳадаги ўзгаришларни синчковлик билан кузатиб бормасдан туриб хорижий шарқ давлатлари билан биз учун зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларимиз мезонини тўғри аниқлаш мушкул бўлади. Айни вақтда хорижий шарқ мамлакатларидаги бу борадаги жараёнлар бизнинг ҳаётимизга қай таҳлилда кўрсатилаётганлиги масалаларини жиҳдий ўйлаб кўриш ҳам ҳозирда маълум аҳамият касб этади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Институт маъмурияти хорижий Шарқ муаммолари билан боғлиқ йўналиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотларда ислом динининг сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўрнига алоҳида эътибор бериб, бу масалаларни айрим томонлари юзасидан махсус рисолалар яратишни зарур деб ҳисоблайди.

Кисқача баён этганимиз илмий муаммолардан ташқари, айтиш лозимки, бошқа институтларда бўлганидек, тадқиқотларни илмий мутахассислар билан таъминлаш ҳамда фундаментал ишларни нашр этиш муаммолари кейинги йилларда анча мураккаблашиб қолди.

Институтда аспирантура, ёш мутахассислар учун манбашунослик бўйича доимий ишлайдиган семинар мавжуд. Институт етакчи ходимларидан бир қанчаси Тошкент Давлат Шарқшунослик институттида дарс ҳам берадилар. Аммо республикада шарқшунос мутахассисларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунинг натижасида эса бъязи илмий мутахассисларнинг бошқа ишларга жалб этилиши кузатилмоқда.

Институтнинг нашр имкониятларига келсак, айтиш керакки, бу ерда ҳар йили камида 100 босма табоқ ҳажмида фундаментал ишлар бажарилади. Мен, айниқса, Шарқ халқлари фан ва маданиятни тариҳига оид манбалар, тадқиқотлар ва фехристларни назарда тутаяпман, бу ишларни маданиятимизнинг турли соҳалари бўйича тадқиқотчилари қўлига етказиб бериш, улар томонидан кейинги маърифий изланишларнинг янада ривожлантирилишига ҳам асос бўлади. Мисол учун Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарини олайлик. Агар унинг 1952—1960 йилларда Институт томонидан амалга оширилган олти жилдли фундаментал ўзбекча ва русча изоҳли нашрлари бўлмагандан, айтиш мумкинки, ҳозирда мавжуд бўлган Ибн Сино ижоди ва табобат фани тариҳига оид ўйлаб тадқиқот ва рисолалар балки дунёга қелмаган бўларди.

Демак, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти ходимларининг асосий вазифаси бундан буён ҳам ана шундай йирик ишларни амалга оширишдир. Шундай бўляпти ҳам. Бироқ, афусски, уларни нашр қилиш қоғоз танқислиги ва маблаг маданий ишларни бориб тақалаяпти.

Умид қиласизки, бу танқисликлар узоққа бормас, Республика мизда илм-фан, маданият тараққиети борасида олиб борилаётган улкан тадбирлар шарқшунослик фани муаммоларининг ижобий ечимиға ҳам таъсир кўрсатар.

ҚҰЛЁЗМА МЕРОСНИ ҮРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Маданий ва адабий меросни үрганиш иши уни араб алифбеси асосидаги эски ўзбек ёзувидан ҳозирги ўзбек ёзуvida илмий жамоатчилікка ва оммага етказиш орқали бошланади. Бу соҳада маълум тажрибага әгадирмиз. Навоий асарларининг 15 жилдан иборат нашри, Навоий асарларининг ҳозир нашр этилаётган 20 жилдан иборат куллиёти, Зокиржон Фурқат асарлари мажмуаси нашри, Аваз Утар ўғли асарларининг танқидий матни тузилганилиги «Ўзбек адабиётини бўстони» сериясида босилиб чиқаётган китоблар ва бошқа нашрлар шунга асос бўлади.

Шунни эслаб ўтиш керакки, Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари классик шеърияти антологияси кўп жилдлиги биринчи марта ўзбек тилида тузилди ва нашрга тайёрланди. Ҳозир шу ишларга маълум якун ясашиб пайти келди.

Барча нашрларнинг фазилат ва нуқсонлари кўпчиликка аён. Матн шуносликка оид қоидаларнинг тўла ишлаб чиқилмагани бу ишни мурракаблаштироқда. Айрим сўзларнинг ўқилишида турли-туманликка йўл қўйиб келинмоқда. Масалан ՚ алиф ҳамма жойда ҳам о тарзида ўқилмоғи шарт эмас. У а тарзида ҳам ўқилмоғи мумкин. Гоҳо зеру забарлар тўғри қўйилмай келди. Узоқ йиллар سرو بلقس Билқис эди, кейин Балқисга айланди. نمرود Нимруд ва Намруд деб ўқилмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтироқ мумкин. Яна хато ўқилиш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Қўлёзма манбаларни илмий истифодага киритувда уларнинг араб, форс тилларидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиш; эски ўзбек тилидан рус тилига таржима этмоқ; эски ўзбек тилидан ҳозирги ўзбек тилига ўтказмоқ тажрибаси ҳам анча бойиди. Мисол қилиб Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Муҳаммад Мусо Хоразмий асарларининг араб тилидан ўзбек ва рус тилларига қилинган таржималарини келтироқ мумкин. Шунингдек, «Мунтахабут таворих» (Ҳакимхон тўра асари), «Ансобус салотин» (Мирза Олим Мушриф асари), Алишер Навоийнинг рус тилида нашр этилган насрый асарлари ва бошқаларни келтироқ мумкин. «Қутадғу билик»нинг насрый баёни, «Ирқ битиги», Навоий «Хамса», «Лисонут тайр» достонлари, «Маҳбубул қулуб», «Вақфийя» ва бошқа қатор баёнлари бу ижод на муналаларни халққа яқинлаштирувда катта аҳамиятга эга бўлди. Биз бу соҳадаги ишларни изчил давом эттироғимиз шарт. Классик мероснинг ҳозирги ўзбек тилига ағдарилган нусхалари ҳозирги ўзбек адабий тилини бойитмоққа хизмат қиласажиги ҳам шубҳасизdir. Бирор асарнинг асл нусхасини тикламоқ учун даставвал унинг обрўли қўлёзмалар асосида танқидий ва йиғма матнларини тузмоқ зарур. «Сабъян сайёр!», «Фарҳод ва Ширин», «Мажолисун нағоис», «Лисонут тайр», «Сади Искандарий», «Вақфийя», «Назмул жавоҳир» каби Навоий асарларининг матнлари тузилди. «Бадоевл бидойи», «Наводирун ниҳоя», «Насонмул муҳаббат» каби асарларнинг матни бўйича иш олиб борилмоқда.

Афсуски, «Ҳафт гулшан», «Зарбулмасал»ларнинг танқидий матнларини тузиш иши ўз вақтида давомини топмади. Эндиликда бу ишни кенг кўламда ривожлантироғимиз, ёш мутахассисларда бу оғир, аммо шарафли ишга дид ва муҳаббатни тарбиялашимиз керак.

Нодир қўлёзмаларни илмий истифодага киритмоқ учун факсимилэ нашрларни амалга ошироқ мухим аҳамиятга эга. Бу соҳада озими-

кўпми тажрибага эгамиз. Охирги факсимилэ нашр «Наводиран нижойа»нинг Төхрон нусхасининг нашри бўлди. Бу иш давом этмоқ шарт. Ҳусусан «Қутадгу билик»нинг Тошкентда сақланаётган қўлёзмасини дарҳол нашр этмоқ керак. Асл нусха Тошкентда бўла туриб бу қўлёзма икки марта Туркияда, бир марта Шинжон ўлкасида факсимилэ ҳолида нашр этилди, Тошкентда эса ҳозиргача босилган эмас. Навоийнинг «Бадоев билойа» девонининг зеру забарли қўлёзмаси, Жомийнинг ғазал куллиёти, «Девони Макнуни» Муниснинг ёшлик девони каби кўплаб нодир қўлёзмаларнинг факсимилэ нашрлари амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо ҳар бир нашр тўла илмий аппарат билан таъминламоги шарт. Қўлёзма манбаларнинг илмий аппарат билан таъминламай, уларга керакли кўрсаткичлар, илмий шарҳлар бермай нашр этилиши улардан фойдаланувни қийинлаштиради, ўқувчилик оммасида уларга бўлган қизиқишини советади. Кейинги йилларда «Камалак» нашриёти чиқарган «Бобурнома», «Бухоро тарихи», «Фаргона тарихи» каби нашрлар шундай нашрлардан бўлиб қолди.

Қўлёзма китоблар ҳали тўлалигича ўрганилган эмас. Шунинг учун қўлёзмалар фондидан аниқланган кўп асарлар янгилик бўлиб чиқади. Масалан, Қосимийнинг «Мажмаул ашъор» асари, Навоийнинг «Хайратул аброр» асаридан олдин ёзилгани маълум бўлди. У Ҳайдар Хоразмийнинг «Маҳзанул асрор»идан кейинги дидактик маснавий бўлиб, бу маснавийларнинг («Хайратул аброр» Навоий, «Мақсадул автор» Ҳўжа) дастлабки силсиласига оидdir.

Қўлёзмалар фондида Кулфат, Шавқий каби ҳалигача бизга таниш бўлмаган шоирларнинг девонлари аниқланди. Бобурнинг муаммо назариясига оид рисоласи борлиги маълум бўлди. Фурқат, Маҳзуна, Комила (Нодира) каби ижодкорларнинг ҳозирагча маълум бўлмаган шеърлари илмий истифодага киритилмоқда. Бу рўйхатни давом эттиромок мумкин.

Булар ҳаммаси кашфиётдир. Лекин бу кашфиётлар бизнинг кундаклик ишнимиз. Шунинг учун улар бехуда шов-шувларга асос бўлмоғи мумкин эмас. Узбек адабиёти манбалари ҳали тўлалигича аниқланган эмас. Шунинг учун биз ҳар бир аниқланган янгиликлар бўйича шов-шув кўтаратидиган бўлсак, шов-шувдан бошимиз чиқмай қолади. Иш бу аниқланган манбаларни синчковлик билан тадқиқ этмоқлик ва ундан илмий мақсадларда тўғри фойдаланмоқдан иборатadir.

Қўлёзма ва тошбосма китоб фонdlари Узбекистонда анчагина бор. Тошкент шаҳаридаги Шарқшунослик институти (Беруний), Қўлёзмалар институти (Х. Сулаймон), ТошДу (Ленин), Давлат ҳалқ кутубхонаси (Навоий), Тарих музейи (Ойбек), Адабиёт музейи (Навоий) каби муассасаларда улар мавжуд. Шунингдек, Самарқанд универсиитети (Навоий), Бухоро вилоят кутубхонаси (Абу Али Ибн Сино), Бухоро музейи; Қўқон адабиёт музейи (Faafur Fулом) ва Қўлёзмалар институти Кўқон бўйими, Андижон Адабиёт музейи, УзФА Қорақалпоғистон бўйимида ҳам шундай фонdlар бор.

Бу фонdlардаги қўлёзма ва тошбосма китобларни дастлабки илмий ишловдан ўтказиш, уларда сақланаётган китобларни илмий тавсиф этишимиз зарур. Каталоглар тузиш ва нашр этиш бўйича озми-кўпми тажрибамиз бор. Беруний номли УзФА Шарқшунослик институтида, Ҳ. Сулаймон номли Қўлёзмалар институтида бу соҳада маълум натижаларга эришилди. Бу институтлардаги фонdlар учун карточкали каталоглар тузилган. Улар асарларнинг номи, асар муаллифлари, асарларнинг тили бўйича тузилган. Илмий таърифдан ўтказилган китобларнинг Каталоглари алоҳида китоб ҳолида нашр этилган. Шарқшунослик институтида бу Каталоглар мавзу бўйича Қўлёзмалар институтида тил бўйича тузилди. Айрим ижодкорлар асарлари қўлёзмаларнинг каталоглари ҳам тушиб нашр этилди (Навоий, Ҳисрав Деҳлавий, Жомий, Лутфий, Оғаҳий асарларига тузилган лугатлар).

Қўлләзмаларни илмий тавсифдан ўтказишида Ўзбекистон ФА да тўплангани тажриба ишимишининг асосидир. Илмий таъриф қайси мақсадда амалга оширилмоғи унинг муидарижасини белгилайди. Ҳозирги кунда бизнинг бош мақсадимиз фонднан сақланашётган китоблар, асарлар билан илмий жамоатчиликни таништироқдир. Шунинг учун илмий тавсифларда асосий маълумотлар мазмунномали ва формал таърифлар одқали қисқача ва лўнда қилиб берилса кифоя.

Кейинги вақтларда Қўлләзмаларни илмий тавсифлаш ва каталогларини тузиб нашр этиш суст бормоқда. Масалан Қўлләзмалар институтидаги мавжуд қўлләзма ва тошбосма асарларнинг 10 жилди ҳам ҳали илмий тавсифдан ўтказилган эмас. Шарқшунослик институтида ҳам аҳвол шундай. Бу ишларнинг суръатини жадаллаштироқ керак. Бунинг учун лозим моддий ва маънавий ресурсларни қидириб толмоқ зарур. Айни замонда Қўлләзмалар фондини муттасил бойитиб бормоқ шарт. Ҳали Ўзбекистон халқининг қўлида қўлләзма ва тошбосма китоблар анча бор. Уларни имкон борича тезроқ йиғиб олмоқ кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Аммо 1991—1992 йиллар давомида бу иш жуда сусайиб кетди. Маблағ йўқлиги туфайли институтларда китоб харид қилиши деярли тўхтаб қолди. Агар биз тезроқ бу соҳада ўзгариш ясамасак, имконни бой бериб қўйган бўламиз.

Маълум бир даврда, хусусан 60—70-йилларда илмий муассасаларда каллиграфия санъатига диққат-эътибор камайди. Натижада 80-йиллар ўтрасига келиб каллиграф мутахассисларимиз камайиб кетди. Бу нуқсон 80-йиллар охири ва 90-йилларда бир оз бартараф этилганда бўлди. Галдаги энг муҳим вазифалардан бирни каллиграфия санъатини кенг кўламда ривожлантироқдан иборат. Ўзбекистонда асрлар давомида шаклланган ҳуснihat санъатини тўла миқёсда тикламоқ керак. Каллиграф мутахассисларни ана шу миллий каллиграфия мактаби анъаналари руҳида шакллантироқ лозим. Рассомларимиз қанчалик маҳорат билан каллиграфия намуналарининг сувратини солмасинлар у ҳуснihat эмас суврат бўлиб қолаберади. Ҳуснihat қондаларини ўргатувчи қўлланмаларни кўплаб нашр этмоқ керак. Мунис Хоразмий, Ибрат Наманғоний каби устозларнинг бу соҳага оид китобларини қайта нашр қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қўлләзмалар институти фонди фақат китоблардан иборат эмас. Бу ерда кўзга кўринган ёзувчилар, олимлар, ижодкорларнинг архивлари ҳам сақланади. Архив материалиларини ўрганимоқ ижодкорнинг ижод устахонасига кирмоқ, унинг меҳнат самараларини, ҳаёт йўли ва ижтимоий мавқенини тадқиқ этмоқка имкон беради. Чунонки Қўлләзмалар институтидаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг архив материалиларини уч жилдан иборат Каталогининг тайёрланиши ва нашр этилиши Ҳамзашуносликнинг янги уфқларини очди. Ҳудди шундай Қаталоглар Ойбек, F. Ғулом архивлари бўйича ҳам тузилмоғи керак. Ҳозир Қўлләзмалар институтининг фондida 130 дан ортиқ шахсий архив сақланмоқда. Уларнинг илмий истифодага киритилмоғи XX аср ўзбек адабиёти ва маданиятигининг тўла тадқиқ этилмоғига улкан улуш бўлажаги шак-шубҳасизdir.

Биз адабиёт ва маданиятилизнинг яна бир муҳим бўлаги — ҳалқ оғзаки ижодининг намуналарига катта эътибор қўлмоғимиз керак. ЎзФА Қўлләзмалар институти ва Адабиёт институтида ўзбек ҳалқ оғзаки ижодининг ёзиб олинган намуналарини ўзида жамлаган катта фонд мавжуд. Қўлләзмалар институтида улар дастлабки илмий жиловдан ўтказилди. Достонлар, эртаклар ва мақоллар каталоглари тузилди ва нашр этилди. Биз умидвормизки, ЎзФА таркибида фольклор ва этнография институти барпо этилажак. Биз бу фонdlарни ана шу институт таркибида марказлаштирармиз.

Ўзбеклар ва Ўрта Осиёда яшовчи бошқа ҳалқларнинг маданияти илдизлари узоқ ўтмиш асрлар қаърига қараб кетган. Уни бизнинг та-

факкур нигоҳимиз гоҳо илғай олмаган пайти ҳам бўлади. Чунончи қадимий турк руний битикларининг бизга маълум бўлган энг қадимий нусхаси Сўзий ёдгорлик тоши VI асрга тааллуқли бўлса, Суғд ёдгорликлари бизга етиб келган нусхалари I асрдан XI асрнинг биринчи чорагига оидdir. Аммо уларнинг яратилган вақти ундан қанчалар олдин эканлиги барчага аён.

Эски уйғур ёзуви деб атамлиш туркий ёзувнинг ҳам ҳақиқий ёшини аниқлов фоят қийин. Шунга қарамай илм аҳли яхши биладики, бу ёзув араб ёзуви билан ёнма-ён то XV асргача яшади. «Қутадгу билик», Лутфийнинг бир қатор ғазаллари каби шоҳ асарларнинг шу ёзувда битилган нусхалари бизгача етиб келган.

Турк-руний, сугд, эски уйғур ёзувида яратилган ёзма ёдгорликларни чуқур ўрганмоқ, уларни кенг китобхонлар ўртасида ташвиқ этмоқ биринчи галдаги вазифалардандир. Бу соҳада ҳозир Узбекистонда ташкил топган илмий йўналиш ўз илмий маҳсуллари билан кенг эътирофга муносабидir. Бизнинг ватанинг узвий бўлагидир. Уни чуқур ўрганмоқ инсоният тафakkur тарихини ўрганмоқча хизмат қиласаги шубҳасизdir.

Жаҳон маданиятининг нодир ёдгорликларидан яна бири «Авесто»dir. Аммо Узбекистонда Авестошунослик шаклланганича йўқ. Бу соҳада қилингандан ишлар ҳозирча ахборий характерда. Қадими ёзма ёдгорликлар қатори Авестони ҳам Узбекистонда тадқиқ этиш пайти келди. Бу масалага жиддий эътибор бермоқ шарт. Чунки Урта Осиё ҳалқи бу қадими ёдгорликларнинг яратилишига улкан улуш киритганлиги аён ҳақиқатdir.

«Бобурнома»нинг илмий-танқидий матнини тузмоқ керак. Ҳайдар обод нусхаси (XVII аср ўзбек тилида) асос қилиб олинмоғи керак. (Бевериж нашри). «Бобурнома»нинг форсий нусхалари танқидий матнини ҳам тузмоқ керак.

Кўрсатилган вазифаларни амалга оширмоқ учун энг зарур шарт илмий мутахассислар тайёрлор ишини изчиллик билан олиб бормоқдан иборат. Тошкент Давлат университетининг филология факультетида, Давлат Шарқшунослик институтида манбашунослик, матншунослик гуруҳларини тузмоқ керак. Ёшларни араб, турк-руний, сугд, эски уйғур, авесто ёзувидаги ёдгорликларни ўрганмоқ ишига жалб этмоқ лозим. Шунингдек, Узбекистон вилоятларида олий ўқув юртларида шу ихтиосага меҳр қўйган ёшларни топиб уларни тарбиялаб этиштирмоқ-ка диққат-эътиборни кучайтироқ керак. Бу соҳада қилинажак ишларга бош-қош бўлмоққа Кўлләмалар институти тайёр. Жаҳондаги барча мутахассислар билан илмий алоқаларимизни кучайтироқ ҳам шу мақсадга хизмат қиласди. Жумладан, Анқарадаги Камол Отатурк номли турк култур маркази, Анқара университетининг тил, тарих, география факультети, Тарих қуруми ва Истанбул университети адабиёт факультети билан ўрнатган алоқаларимиз бу ишларнинг ривожига хизмат қиласди деб ишонамиз.

Шу билан бирга анъанавий алоқаларимиз Москвадаги Шарқшунослик институти, унинг Нева бўйидаги улуф шаҳарда жойлашган бўлими, бу шаҳардаги Университет билан давом эттирилмоғи керак. Туркманистон, Тожикистон, Қозогистон, Қирғизистон олимлари билан биргаликда амалга ошириб келинаётган илмий тадқиқотларимиз доимийdir. Бу соҳадаги ҳамкорлик янги муваффақиятлар гаровидир.

Афсуски, кейинги вақтда Озарбайжон, Грузия, Арманистондаги манбашунос олимлар билан илмий ҳамкорлигимиз олдинги даражадан сал орқада қолди. Бу этишмовчиликка барҳам бермоқ керак.

Эрон ва Афғонистондаги қўллэзма манбалар билан танишувимиз даражаси кейинги йиллар мобайнида анча ортди. Бу алоқалар янада ривож топмоғи керак.

Покистон ва Ҳиндистондаги қўллэзма кутубхоналар билан ўрнат-

ган илмий ҳамкорлигимизни қайтадан жонлантириш фурсати келди. Илмий мутахассислар тайёрлов ишини илмий ҳамкорлик билан биргә олиб бормоқ зарурый шартти.

Құләзма манбаларни ўрганув, тадиқиқ этув уларни кеңг илмий истифодага киритув замонавий талабларга хизмат қилади. Құләзма мегос эзгулик, биродарлық, инсонпарварлық түйгүларини тарбиялады. У миллий ўзликтин танимоқ, тараққиетимиз истиқболини аниқламоқ, халқ-лар ўртасында ҳамкорлик ва дүстликни мустаҳкамламоқ мақсадларини амалга ошироқда мұхым омилдир.

Х. П. ПУЛАТОВ

ЕШ ИЛМИЙ МУТАХАССИСЛАРНИҢ ДҮНӘҚАРАШИНІ ШАҚЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистоннинг мустақиллікка әришишини фанга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Республикаизда олимлар ҳур фикрли ва мустақил бўлмас экан, ишбилармонлар ўз малакали фаолияти учун зарур бўлган мұхитга эга бўлмас экан, у ҳозирги замон давлатлари оиласига киришга қодир бўла олмайди. Мустақиллигимизнинг қони ҳам, жони ҳам фан ва ишбилармонликдир. Бу ҳақиқат сиёсий ҳокимиятимиз фаолияти учун асос бўлмоғи лозим.

Маълумки, тоталитар тузумни вужудга келтирган Октябрь инқиlobida ишчилар синфи ҳал құлувчи роль йўнаган эди. Ишчилар синфи сиёсий ҳокимиятини кўлга киритишга қодир куч бўлса-да, лекин янги ишлаб чиқариш усулини яратишга, сиёсий ҳокимиятни бошқаришга нолойқ бўлиб чиқди. Бундан большевиклар усталик билан фойдаландилар. Улар ишчилар синфидан фақат тортиб олиш ва тақсимлаш воситаси сифатидагина фойдаландилар. Деҳқонларни ердан маҳрум бўлиши бунинг ёрқин мисолидир. Ишчилар инқиlobидан билан миллий-озодлик ҳаракати ягона бир фронта қўшилиши керак эди. Лекин бу фронт кутилмаган оқибатга олиб келди. Натижада неоколониализм вужудга келди. Маданиятда аввало пролеткульт пайдо бўлди. Унинг оқибатида зиёлиларнинг ярми чет элга қочиб жон сақладилар, қолганларни адолатсизликка қарши саботаж қилидилар. Саботажчилар эса қатағонликка учрадилар. Бизда эса жадидизмга, панисломизмга, пантуркизмга ҳужум бошлианди. Бу аслида большевизмни миллий мустақиллик ва ҳур-фикрликка қарши тажовузи эди. Демак, қуллик руҳияти бизга Октябрь бўсағасидаёт сингдирила бошлиди. Агар биз қуллик тушунчасига ижтимоий руҳият илми нұқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, қуллик сиёсий ва ҳуқуқий қафасга тушиб қолишигина эмас, балки кўрқоқлик ҳамдир. Шу маънода қуллар — сиёсий қафасдаги оммагина эмас, балки улардан қўрқиб, сиёсий тоталитар тузумни яратганлар ҳамдир. Юзаки қараганда бу фикр тутуруқсиз туюлиши мумкин. Бунда таажжубланадиган жойи йўй. Чунки жиддий ўйлаб кўрилса ўз худбинлигининг асири бўлган, ўз ҳалқи шижаотидан қўриқиб тоталитар тузумни яратиб жон сақлагб келган сиёсий гурӯҳлар руҳиятида қулчилик белгиси мавжуд эканлигига ишонч ҳосил бўлади. Демак, большевизм янги қулчилик мағкураси ва ҳаракатидир.

Большевизм деганда, менинг хотирамга миллий-озодлик учун қўзғалган йигитларимизни пулеметдан ўққа тутилиши, қишлоқларимизни замбараклар ўти билан пайҳон этилиши, мозорларимиз устига даҳрийлик ҳукмронлик қилган мактабларнинг қурилиши, насл-насабимиз ғурури бўлган илм ва маърифатни ўзида жо қилиган қадимги китобларимизни ёндирилишини, тилимиз ва ёзмамизга бўлган тажовузлар, беорларча аёлларимизни ишчи кучига айлантирилиши келади. Бу ва шунга ўхшаш фожеалар пролетар диктатураси номи билан большев-

виклар томонидан амалга оширилди. Большевизм сиёсий фирмаси ғайри демократик тарзда давлат устидаги давлатта айланиб, қабиқ ишларнинг илхомчиси, ташкилотчиси, амалга оширувчи куч сифатида мөхиятдан фашизм билан бир бўлиб қолди.

Фашизмдан большевизмнинг фарқи шундаки, биринчиси «миллий социализм» мафкураси етакчилигига рўёбга чиққан бўлса, иккинчиси соҳталаштирилган «илемий социализм» байроби остида рўёбга чиқди. Биринчиси миллий манфаат ниқобида рўёбга чиққан бўлса, иккинчиси шовинистик байнаминадчилик тарзида юзага чиқди. Биринчиси немисларни олий ирқ сифатида дунёга ҳукмон рўлини керак деса, иккинчиси эса «катта оға» манфаатини ҳукмрон сиёсатга айлантирги. Лекин иккаласини ҳам умумсоциологик назарий қондаси тоталитаризм бўлиб, ҳалқаро гегемонизмга таянган ягона давлат манфаатига инсонни бўйсундириш, меҳнат кишиларини демократик ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилишга қаратилган. Фашизм ва большевизм насл наслаби жиҳатидан бирлигини эътиборда тутган Риббентрон 1940 йил мартаиде Италия ташқи ишлар министри Чианога Москвадаги ўзининг таассуротлари ҳақида гапириб, «Мен Кремлда ўзимни қадрдан партияйий ўртоқларим қаторида бўлгандек ҳис этдим» деган эди.

Ўз моҳиятига кўра ҳақиқат, ҳиммат ва нафосатга чорланган фалсафамиз бузилиб тоталитар тузум йилларида давлат динига айлантирилди; унинг партияйилиги — программатик йўлга киритилди, материалистик диалектика субъектив сиёсат қуролига айлантирилди. Тарихни материалистик билиш маънавий қадриятларга хиёнат қилиш йўлига киритилди. Фалсафа билан табиатшунослик бир-биридан бегона налаштирилди, оламни илмий-фалсафи байёнини камситиб, сиёсий ҳудбинлик йўлида ўзгартириш, қайта қуришга ружу қўйилди. Диалектик материализм оламни 3 қонун, 6 категория, 4 лузум доирасида талқин этганилиги туфайли схематизм, механизм ботқорига ботирилди. Структуралистик диалектикага айланган материализм методологияси ўз конструктив характеристини йўқотди. Бу методологияга асосланган тарихий материализм тарихнинг илмий назарияси бўла олмай қолди. Ҳалқимиз ҳокимиятдан, ишчилар бунёдкорликдан, хизматилар самародорликдан, деҳқон ердан, ишлаб чиқариш эҳтиёждан бегоналашибди. Сўз билан иш ўртасида ажralиш пайдо бўлди. Иқтисодда уюштирилган жиноят пайдо бўлди. Қатоғонликка таянувчи кучлар сиёсий ҳокимиятни тебратдилар. Ижтимоий онг шаклларида шуҳратпастларлик ва саждакорлик ўрнатилди. Тоталитаризмнинг фикр эркинлигига соглан сиртмоғи тарихда мисли кўрилмаган, бекиёс мудҳишлик бўлиб чиқди.

Сиёсий ҳаётнинг кўпгина соҳалари ва қаватларида ижтимоий-гуманитар фанларни кўр-кўрона инкор этишига интилиш ҳозир ҳам кўзга ташланмоқда. Агар бу ишларда муайян сиёсий мунофиқлик кўзда туттилмаган бўлса, у ҳолда илмий нодонлик ва сиёсий саводсизликнинг ўзгинасадир.

Маълумки мураккаб тарихимизни мустақилликка ҳомиладор бўлишида ҳурриятпарвар, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий ғоялар асрлар оша тилдан-тилга, дилдан-дилга ўтиб яшаб келди. Ҳаёт тақозо этган бу ғояларни яратган мутафаккир олимлар ўз жонларини таҳликага солсаларда, сайқал бериб келдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги ўз ажалидан олдин ҳаётдан кўз юмган бўлсалар-да, мангулликка шерик бўлиб қоладилар. Гап аввало Суқрот ўлимини топган Мансур Халлож ҳақида бормоқда. У «Анал-Ҳақ» — «Мен — худо» деган түғёнкор ғояни кўтариб чиқди. Бу билан у оддий фуқарони улуғлади ва унга зеб берди. Фуқарога адолатли муҳит яратниб руҳий камолатга эриншириши даъво қылгани учун уни осиб ўлдирилар. Бу ўлим Шарқ маънавиятида Яссавий ва бошқа инсонпарвар мутафаккилар томонидан қораланди. «Анал-Ҳақ» — Мансур Халлож номини мангулликка шерик қилди.

Олимнинг хусусияти — воқеалар сабабини аниқлаш, сабабий боғланишларни, қонуниятларни кашф этиш, ҳақиқатни очишидир.

Ўзбекистон ижтимоий ҳәёти илмий фикрлар мафкуравий ҳукмдорлик инилларида ҳам қотиб қолмаганини, ўша даврларда ёк Узбекистонни Россияга ихтиёрий қўшилмаганлиги ҳақидаги, Октябрь инцилоби Ўрта Осиё учун ғайритабиилиги, Туркистонни миллӣ чегараларга бўлиб юбориш сунъийлиги, босмачилик деб бадномлаштирилган ҳодиса миллӣ-озодлик ҳаракатининг ўзгинаси эканлиги, индустрлаштириш, колективлаштириш, маданий инцилоб, сталинни миллӣ сиёсатни амалга оширишнинг пинҳоний нияти неоколонализмдан изборат эканлиги, илмий коммунизм муаммоларга тўлиб кетганлиги ўзимизда аниқланган эди. Афсуски бу ва шунга ўхшаш илмий қадриятларни қадрига етишга бизда одатланмаганлар. Бизда қадриятларни ё узоқ ўтмишдан ё мавхум келажакдан қидириб ўзимизга бефарқ қараб келдик. Ўзимизни қадрламадик.

Илмий сессиямизда нокапиталистик тараққиёт танқид қилинди. Агар бу масалага баҳо беришда фақат оқ ё қора бўёқ бериш билан чеклансан субъективизм ботқоғига ботамиз. Чунки шу назария туфайли Узбекистоннинг кўпгина долзарб муаммоларни халқимиз манфаати йўлида ҳал этилгани ҳаммага аён. Яна шуни айтиш жоизки, социализм ғояси инсоният маънавий ҳаётининг абадий йўлдоши бўлиб келмоқда. У Марксдан бошланиб, унинг билан чекланиб қолмаслигини унутмаслигимиз керак. Хуллас социализм ғояси — сувда чўқмас, ўтда ёнмас, ўлмас, битмас ва туганмас ғояид.

Олимлар фикрини, илмий тадқиқотини ҳеч қандай тўсиқлар билан тўхтатиб бўлмайди. Ижтимоий тараққиёт боши берк кўчага кириб қолганлигини ижтимоий билимларимиз кўрсатди. Ижтимоий фанда ўзгаришлар ва ривожланишлар бўлмаса, биз шу кунларга етиб келар-мидик?

Биз узоқ ва яқиндан ижтимоий фанлар инқирозга учради, деган гапларни эшитамиз. Фаннинг хусусияти ҳақиқатидир. Ҳақиқат инқирозга учрамайди. Ҳақиқатни эгиш мумкин, букиш мумкин, лекин уни синдириб бўлмайди. Ижтимоий фан мафкуравий сиртмоққа тушди, унинг ривожланиши учун қаршиликлар вужудга келди, ақидалар мутлоқлаштирилди. Ижтимоий фан ва унга бўлган муносабат мудҳишлади. Лекин илмий мантиқнингижодий руҳи мафкуравий кишанин парчалаб чиқди. Бунинг сабаби илм кўл теккизиб бўлмайдиган мутлақ ҳақиқатлардан изборат эмас, балки, доим пастан юқорига, оддийдан мурakkабга қараб ривожланини борадиган воқелик инъикосидир.

Биз ҳозир мустақиллик чорраҳасидамиз. Мустақилликка ҳомиладор бўлган тарихимизни кўзи ёриди. У норғил ўғил кўрди, лекин у муррак, ҳали бешикда, чилласи ҳам чиқмаган. Фарзанд кўриш ярим баҳт, уни чин инсон қилиб тарбиялаш тўлиқ баҳт деганларидек, биз ҳозирга қадар мустақил давлатимизнинг илмий асосланган сиёсий қиёфасини билмаймиз. Давлатимизнинг мақсади, вазифаси, унга эришиш йўли, воситаси, усули, давлат қурилши, ҳокимиятининг тузилиши, бўлиниши, бир-бирини назорат қилиш, фуқаролар жамияти қонуниятлари, халқ фаoliyatini рўёбга чиқариш механизмини қандай ташкил этилиши, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳақида илмий асосланган тасаввуримиз йўқ.

Мустақил давлатимизнинг қулоғи аzon айтиш, яъни уни қандай давлат бўлиб етишиши учун жамиятимизни ижтимоий-сиёсий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқишимиз лозим. Сиёсий орзу — истакларни воқеликка йўниш хатарлидир. Узбекистон чок-чокидан сўқилган тоталитар давлатнинг бир парчаси, жонли, фаол бўлаги эканлигини унутмаслик керак. Тоталитаризмнинг ҳәёт тарзи қулай сиёсий мухит, лузимлар, тартиб-қондалардан фойдаланиб яна бош кўтариши мумкин. Тоталитар тузумнинг туғма дөглари, руҳияти, сарқитлари сиёсий фао-

лиятимизда сақланиб турғанлиғи цивилизациялашған давлаттар ойла-
сига киришимизни қайинлаштырып күйиши мүмкін.

Мустақада давлаттамыз ўз ривожининг чоррахасида турибди дедик. Бу чорраҳада йўллар кўп. Булар маъмурий социализмда, ислом дини тоталитаризми, капитализм заминида социалистик қадриятлардан кенг фойдаланган Швеция, ривожланган мамлакатлардаги ҳалқ капитализми, иқтисодий ислоҳот ўтказиб социализмга содиқ қолаётган Хитой, капитализм заминида ҳуқуқий давлат барпо этишга интилаётган Туркия, ёки жаҳон ижтимоий-сиёсий қадриятларидан маҳаллий вазият ва миллий тараққиёт хусусиятларига мувофиқ фойдаланиш йўлини белгилашдир. Кези келганд шуну айтиш жоизки, у ёки бу сиёсий моделга сиғиниш давлат мустақиллигининг алломати эмас. Суверенлик ўз сиёсий тузумини ўзи яратишни тақозо этади. Бу давлат моҳиятан, мазмун ва шакл жиҳатдан қарамликни туғдирмайдиган, мутигликни яратмайдиган, ички ва ташқи сиёсатда мустақиллигимизни таъминлайдиган чин демократик давлат бўлиши керак.

Демократик давлат оила, элат ва миллатларнинг тинч, тотув ва ҳамжиҳатлика яшашларидан манфаатдордир. Ў эркинликка раҳна солувчи ҳар қандай золим билан келиша олмайди. Фуқаролар жамиятинг асосий шиори «Озодлик ё ўлим» бўлмоги лозим. Бу мӯаммони адолатли ҳал этиш сиёсий нодонлар ва енгилтаклар қўлидан келмайди. Бинобарин, демократик давлат зулм қилишнинг ҳар қандай шаклига нисбатан рўй-рост қарши чиқиши лозим. Чунки ҳақиқий озодлик тинч ва тотув яшашни, зўрлик эса адолат, разаб ва урушларни вужудга келтиради. Уруш очликни ўйқотмайди, аксинча уни яратади. Бинобарин, демократик йўлни танлаш субъективизмга эмас, илмий асосланган йўл бўлиши лозим. Ижтимоий фаннинг долзарб масаласи ижтимоий тараққиётимиз йўлини белгилашдан иборат. Бу—халқимиз олдидаги масъулиятли ишнинг асосий юки ижтимоий фанларга тушади демактир.

Ижтимоий ва гуманитар фанлар вазифаларини ишлаб чиқиш ўта долзарб масала бўлиб қолмай, ўта мураккаб, ўта масъулиятли иш ҳамдир. Гап шундаки, ижтимоий воқеаликни билиш жараёни, унинг маънавий ўзлаштириш шакллари ўз хусусиятига кўра табиатшунослик ва техникашунослик фанларидан жиҳдий фарқ қиласди. Бу фарқ жамият-шунослик табиатшуносликдан мураккаблигини кўрсатади.

Жамиятшуносликнинг баҳс этадиган илми, тадқиқот предмети, объекти инсон ва унинг табиий тарихи ривожида таркиб топган уюшмалар ва уларнинг тизими: инсон, оила, ургу, элат, миллат, ижтимоий гуруҳ, синф, шаҳар ва қишлоқ, ақлий ва жисмоний меҳнат, эҳтиёж ва уни қондириш, ишлаб чиқариш, мулк, мулкий муносабат, бозор иқтисоди, маънавий бойликларни ишлаб чиқариш, маънавий қадрият, маънавий муносабатлар, тил, сиёсат ва ҳаёт, сиёсий муносабатлар, сиёсий қадриятлар, сиёсий тузум, давлат, фирқалар, ҳокимият ва шу кабилар.

Жамиятшунослик илми одамларнинг ижтимоий фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Инсон ижтимоий фаолиятининг характеристига қараб ижтимоий ва гуманитар фанларнинг турлари шаклланади. Фалсафа, ҳуқуқ, иқтисод, тарих, сиёсатшунослик, диннушунослик, адабиёт, тил ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Жамиятшуносликни мураккаблик хусусияти ана шундан иборатки, ижтимоий билишни обьекти ҳам, субъекти ҳам одамлар ҳамда уларнинг бой ва мураккаб муносабатларидир.

Ҳозирги кунда марксизм қўёши сўнганилиги, унинг узлатга чекинганлиги, ундан мутлақо воз кечиши вақти келганилиги ҳақида хаю-ханнос солувчилар пайдо бўлиб қолди. Назаримда Маркс ғояларининг барчасини кўр-кўронга инкор этиш қандай бемаънилик бўлса, уни замину замонларни мутлоқ ҳақиқати тарзида талқин этиш шунчалик бемаънилиkdir. Бизни онгимиздаги сохталаштирилган, бузилган марк-

Сиэм эҳтимол ўлгандир. Лекин фикрлар тарихида чуқур из қолдирған Маркс барча буюк олимлар қаторида абадий яшамоги лозим. Чунки Маркс ғоялари XIX аср капитализми ўз-ўзини танқидий англаш, ижтимоий ҳаётни янги нұқтаң назардан қараш маҳсулидир. Синифлар кураши ва инқиlobларни Маркс ўйлаб топғани йўқ. Социализм ҳақидағи фикр ва мұлоқазалари унинг саноат капитализмидан ҳафсаласи пир бўлганлигидан келиб чиқди. Лекин ҳозир ким Farb давлатлари цивилизациясини халқ орзу-умидларининг чўққиси деб айта олади? Шунинг учун истиқболни белгиловчи тарихий топишмоқни ҳал этадиган бўлсақ Маркс илмий тадқиқоти усусларига ҳам мурожаат қилишга тўғри келади.

Биз ҳозирга қадар ижтимоий фанлар деганда фақат марксизмни уч таркибиң қисми: сиёсий иқтисод, диалектик ва тарихий материализм ва илмий коммунизмни тушунниб келганимиз. Ҳолбуки, бу фанлар Марксдан бошланмаган ва у билан тугамайди. Қолаверса чуқур тарихга эга бўлган фикрлар тизимини Маркс номи билан аташ гайритабиийдир. Ундан ташқари ижтимоий фанлар жумласига ижтимоий билиш илми, тарих, сиёсатшунослик, ижтимоий руҳиятшунослик, ҳуқуқшунослик қаби цивилизация моҳияти, мазмуни, қонунияти, лузимлари, муҳим тушенчаларини тадқиқ қилувчи барча фанларни киритишимиз лозим.

Ижтимоий фанларни бирини-биридан устун қўйишга; бирини-бира га қарама-қарши қўйишга бефарқ қараб бўлмайди. Ҳолбуки бу фанни бошқа фандан устун қўйиш ёки камситиш худбинлик ва маданият-сизлилк аломатидир. Илмий қашфиёт фақат муайян фан доирасидагина эмас, балки фанлар чорраҳасида ҳам вужудга келади. Фанларнинг алоқадорлиги турли фанлар жабхасида ишлаб турган олимлар ҳамкорлигини ва иттифоқини тақозо этади. Фанлар ҳамкорлиги — олимлар ҳамкорлиги, улар юксак маданиятининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигидир.

Ўзбекистонда фан ҳақидағи фан, яъни фанимизни ўз-ўзини англаниши ҳақидағи фан яратилғани йўқ. Агар шундай фан бўлганда эди, биз фанимизнинг келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланиши тарихини, қайси соҳада орқада қолганимиз, қайси соҳада илгарилаб кетганилигизни, қайси соҳага кўпроқ эътибор бериб ривожлантиришимиз кераклигини аниқ билган бўлар эдик. Бу фан ёш олимларимизни чет элдаги илмий мактабларнинг қайси бирига эргашишини белгилаш учун ҳам кўл келар эди. Бизда ижтимоий гуманитар фанларни танқид қилиб, уларга табиатшунослик илмий ўрнақ қилиб кўрсатиш одат бўлиб қолмоқда. Агар шу гап рост бўлса нега ажал фабрикаси бўлмиш қуроллар яратиляпти? Нега илмий-техника инқиlobи инсонни насл-насабини бузувчи оқибатларга олиб келяпти? Нега бу илмий қадрият одамларни ҳаёт муҳитини бузиб, тақдирини хавф остига қўймоқда? Бу ва шунга ўхшаш муаммоларга ҳам фан ҳақидағи фан жавоб топмоғи даркор.

Фан ҳақидағи фан олимларга илмий буюртма бериш, ҳамда фаннинг ини қонуниятлари бўлмиш интеграция ва дифференциацияларига кўра ривожланишда қулай шароитлар яратиш учун ҳам зарурдир.

Бизда ижтимоий ва гуманитар фанларни ҳаммасига тааллуқли бўлган яхлит умумижтимоий жараёнларни билишга қаратилган фанни шакллантиришга бўлган зарурат туғилди.

Республикамизни мустақил бўлиши фанимизга янги қон, янги жон ато этиши лозим. Уни жаҳон ижтимоий билими даражасига кўтариш кепрак. Ижтимоий фанларимизни бузук партиявийлик ва синфиийликнинг иллатидан озод қилиб, унинг эркин ривожланишига замин яратишимииз керак.

Жаҳон фани тарихига назар ташласак фан турғунлиги билан фандаги буюк қашфиётлар туташган жойда методология муаммоларини ҳал қилиш белгиловчи аҳамият касб этганини кўрамиз.

Шунинг учун агар бугун ижтимоий фанларимиз вазифасини белгилаётган бўлсак, кечиктирмай чақирилиши лозим бўлган кейинги сесиямизда шу вазифаларни методологик муаммоларини, яъни қандай қилиб, қайси йўл, қайси усул, қайси воситалар билан амалга оширишимишни келишиб олиш керак бўлади. Гап ижтимоий билиш илмининг муаммолари ҳақида ҳам бормоқда. Ижтимоий билиш илмининг ҳозирга қадар бизда яратилмаганлиги маънавий ҳаётимиз фожеасидир... Чунки бу фан хусусияти ва тузилиши ижтимоий билиш жараёнлари нинг лузимлари: объективлик, тарихийлик, тизимлилик, қадрлаш ва баҳолаш, мезон белгилаш ва мезонларни ижод этиш, ижтимоий инсон ва инсоний жамият қуриш назариясини гносеологик ва методологик омилларидир. Ижтимоий фанларни инсонпарварлаштириш муаммолари, ижтимоний-гуманитар фанлар тушунчаларини шарҳлашсанъати каби ўта долзарб муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг калити, аниқроқ қилиб айтганда устуни — фан ва ишбилармонликдир. Фан ва ишбилармонлик фуқаролар жамиятини яратиш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш қони ва жони бўлмоғи лозим. Қонунчилик ҳокимияти, президентлик ҳокимияти, суд ҳокимияти, матбуот ҳокимияти табиатан ҳурфикарлик ва ҳақиқат йўлида фидойиликни тақозо этган илмийликка таянмоғи лозим.

Мустақиллигимиз куч ва қудрати — илм ва ишбилармонликдадир. Олимни олимдан, ишбилармонни ишбилармондан фарқлаш керак.

Олим — ҳақиқат фидойиси. Унинг касби ва қашфиёти, қадри ва қўймати бебаҳо бўлиб, уни ўлчашга қодир тош горозу яратилмаган. Олим меҳнати ўз табиатига кўра ҳурриятни ва мустақиллигини тақозо зо этади. Қашфиётда олим ўз суверенлигини намоён қиласди, олим носиёсий ҳокимият вакилидир. Олим бўлсанг олам сеники, деб бежиз айтишмаганлар. Барча ҳокимият шакллари ичидаги олимлик алоҳида масъулияти ҳокимиятдир. У нодир, бетакрор ҳокимиятдир. Олимни золимга хизмат қилиши ғайритабиийдир. Чунки буюм ва ҳодисалар ички сабабий боғланшини билиш, уларни алоқадорлик ва ривожланиш қонуниятларини очиш, улардан фойдаланиши йўлида бошқариш имкониятини беради. Ҳақиқатга қаратилган фаолиятни, яъни тафаккур йўналишини ман этадиган, тўхтати қўядиган куч йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам юон файласуфи Демокрит: «Бирор буюмни ҳақиқий вужудга келиш сабабини топишини, Эрон шоҳини таҳтуровонидан афзал кўраман» деган эди.

Олимни олимдан фарқ қилиш шарт. Бу илмий ҳаётинг лузими бўлмоғи керак. Илмий соҳага раҳбарлик қилган, илмий даражада ёки унвонларни олган кишиларнинг ҳаммасини ҳам олим деб бўлмайди. Чунки ошна-оғайнагарчилик, қариндош-уруғчилик, юртдошлик билан, хўйла-найранг, зар ёки зўрлик ишлагиб илмий лавозим, даражада унвонларга эга бўлганлар кам эмас. Булар тоталитар тузумнинг туғма доғларидир.

Бу ҳақиқатни тан олиш Ўзбекистон олий аттестация комиссияси, комиссия аъзоларини шакллантиришда ўта ҳүшёрликни талаб этади. Кези келганда шуни айтиш керакки, комиссиянинг айрим аъзоларининг фикрига кўра фалсафий номзодлик минимумини топшириш ножоиз эмиш. Бунга сабаб фалсафа маркса-ленинча дунёқарашдан иборат эмиш. Тоталитар тузумнинг барча иллатларига маркса фалсафа айбдор эмиш. Таъбир жоиз бўлса шуни айтиш керакки, аввало биз ҳақиқий Маркс фалсафасини ҳозирга қадар тушуниб етганимиз йўқ ва унинг даражасига кўтарила олмадик, қолаверса Маркс ўз фалсафаси билан мутлоқ ҳақиқатни очгани йўқ ва унга даъвогар ҳам эмас ва ниҳоят Маркс фалсафаси буюк фалсафа дарахтининг бир шоҳидир, холос. Фалсафа тарихини билмай туриб Маркс фалсафасининг қадринга етиб бўлмайди. Фалсафа — маънавият қуёши. Чиқинди ўрасини ёртинг

ган қуёш ифлосланиб қолмаганидек, тоталитаризм туфайли фалсафамиз ёмон отлиқ бўлиб қолмаслиги керак. Бунда фалсафадан ким, қайси ниятда, қай даражада қандай усул ва воситалар орқали фойдаланаётгандигига боғлиқ. Комиссия аъзолари фақат фанинг у ёки бу соҳалари йирик жонкуяр вакиллари бўлиб қолмай, кенг қамровли йирик фаншунос олим — мавжуд фанлар тарихи, ҳозири ва келажагини чуқур тасаввур эта оладиган, илмий кашфиётни ясама, сохта, қаллобликлардан ажратса оладиган кишилар бўлиши керак. Улар билар-бильмас, тушунар-тушумас шошилинч қарор қабул қилишдан сақланишлари, ўз илмий имонларини кўз қорашибидек асрарлари керак. Илмий кашфиётларни қадрлаш ва баҳо беришининг сийқаси чиққан эски мезон ва кўрсаткичларидан воз кечиб, илмга бўлган талабчанликни, янги жаҳон илмий баҳолаш қадриятлари кўрсаткичлари ва мезонлари қоллипига тусиришлари лозим. Илмнинг қадр-қимматини белгиловчи мезон илмий жамоа томонидан кенг муҳокама этилмоғи лозим. Илмий жамоа белгиланган мезонлар Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси фаолиятига асос бўлиши лозим. Акс ҳолда олимлар мустақиллиги ва ЎзОАҚ аъзолари илмий тенглиги — бўри билан кўён тенглигига ўхшаб қолди. Кейинчалик улар бизга сиз илмий тенглигни талаб қилмоқдасиз, биз билан тенг бўлсангиз қозиқ тишингиз билан ўтқир тирноғингизни кўрсатинг дейишлари мумкин. Маълумки, тиш ва тирноқ олимлик белгиси эмас, маъмурият белгисидир. Илмдаги фожиа доимо ана шу маъмурӣ буйруқбозлик, субъектив баҳолашлардан бошланганлиги ҳаммага аён.

Ишибилармонларни ҳам ишибилармонлардан фарқига бориш керак. Ишибилармон деганда пулни пулга уриб пул кўпайтирадиганларнигина эмас, сиёsat, қонун бошқариш, ижро, ташқи алоқа, ишлаб чиқариш майший хизмат органларида, ахлоқ доирасида тадбиркорлик, омилкорлик, самарадорлик билан иш тутадиганларни эътиборда тутмоқдаман.

Тадбиркорлик мактаби — аввало, ижтимоий ҳаёт. Қолаверса ҳаётнинг барча соҳаларига тегишли назарий ва амалий тадбиркорликдир. Сиёсий фирмаларнинг бир-бира билан мулоқоти ва раҳбар фирмә билан оппозициядаги фирмалар баҳси илм ва тадбиркорлик, вазифаларни рӯёбга чиқариш йўли, усули ва воситаларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиши керак.

Олим ва тадбиркорларга баҳо берганда уларни ўзлари ҳақида ўзлари гапирган гапларига қараб эмас, балки назарий ва амалий масалаларни қандай ҳал этаётгандикларига қараб, нимани тарғиб қилиб, қандай шогирдлар тайёрлаётгандикларига қараб, ким билан, қайси мақсадда қўлни қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб қандай иш туваётгандикларига қараб, қандай ният билан қандай йўллар, усуллар ва воситалардан фойдаланиб ўзларини ўзлари намоён қилаётгандикларига эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон республикасининг мустақилликка эришиши барча қадриятларнинг, жумладан ёш илмий мутахассислар фалсафий дунёқарашининг қайта баҳолашни тақозо этади. Инсон табиат тараққётининг тожи бўлса-да, у маънавий камолат борасида ўзини етук ҳисобламайди. Шунинг учун ҳам у умуман маънавиятга айниқса, фалсафага нисбатан чексиз эҳтиёж сезиб туради. Фалсафа, ҳақиқат, ҳиммат ва нағофат илми сифатида жаҳон халқларининг дарди, уларнинг қадр-қиммати ва орзу-умидларини чуқур ҳис этадиган фандир. Фалсафа фан тарзида таназзулга юз тутиши мумкин эмас. Чунки у ўз ривожи учун чексиз эҳтиёж ва имкониятларга эга. Инсоннинг фалсафа марказидан жой олиши, инсон эса ўз ҳаётининг маъноси ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларга сайдал бериши уни фан ва амалиёт қадриятлари билан алоқасини мустаҳкамлайди. Фалсафа инсонни ўз-ўзини чуқур англашининг шакли, ўз-ўзини белгилаш ва камолатга етказиш режасидир. Фалсафа муаммолари инсон ҳаёти фаолияти жараёнларида туғилади ва рӯёбга

чиқади. Фалсафа инсон фаолияттнинг воситалари имкониятлари ва шаклларини ўзгариб ва ривожланиб боришини ифода эта бориб, инсонни воқеликка бўлган муносабатларини, инсоннинг ўзини ҳам ўзгариб боришини ифодалайди. Бинобарин, фалсафа конкрет тарихий характерга эга бўлган инсонийликни яратиш, камолатга етказиш ва сақловчи маънавий қадриятдир. Баҳолаш ва қайта баҳолаш моҳияти нинг хусусияти баҳоланаётган ҳодисанинг аҳамиятини белгилашdir. Қайта баҳолаш муайян ҳодиса ва уни қуршаб турган муҳитни турли ривожланиш босқичларидан баҳолашdir. Ёш илмий мутахассисларнинг фалсафи дунёқарашини қайта баҳолаш ўта мураккаб ва масъулияти иш бўлиб, зуғум ва ўзбошимчаликдан ҳоли, фақат илм ва диёнатга таянмоғи лозим. Чунки, фалсафи дунёқараш чиндан ҳам замоннинг фикрлар қовмida жамлашдан изборат.

Уни қайта баҳолаш тараққиётга ғов бўлиб келган ақидалардан воз кечиш, ҳаётбахш қадриятларни сақлаш, янги маънавий неъматларни яратиш демакдир. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган республикамиз ижтимоий камолат йўлида ижтимоий адолат, демократия ва инсонпарварлик фазилатларини ўзида жо этадиган фалсафага эҳтиёжи тобора ошиб бормоқда. Бу вазиятда зиёлиларнинг кўпгина вакиллари — олимлар, ёзувчилар, педагог ва журналистлар «фалсафа сўқишилари» бежиз эмас. Лекин, афсуски уларнинг кўпчилигига фалсафи илмийлик, малака, фалсафи фикрлаш услуби етишмаётганлиги тобора сезилмоқда.

Дунёқарашсиз на олим, на сиёсий арбоб, на шахс тарзидан бирор кимса бўлиши мумкин эмас. Чунки шу дунёқарашсиз инсон ўзини бошқалар ва ўзини қуршаб турган олам билан муносабатларини белгилай олмайди. Фалсафа билан дунёқарашнинг объекти бир. Фалсафанинг дунёқарашдан фарқи шундаки, фалсафада дунёқараш юксак тизимга айланган, назарий асосланган бўлади. Шу тартибда фалсафани буюми илмий шаклланади. Шунинг учун ҳам фаласафа: Олам ва инсон; инсон ва олам; оламни билиш; олам буюмларини қадрлаш, олам буюмларини ўзгартиришни ўз ичига олади. Фалсафа моҳияти унинг функцияларида — ижтимоий фаолиятида намоён бўлади.

Фалсафа функциялари: дунёқараш функцияси ўз ичига фалсафи, мағкуравий, илмий инъикосни, ижтимоий гуманитар қарашларни шарҳлаш, танқидий ёндашиш, маданий-тарбиявий вазифаларни амалга ошириш борасида қадриятларни белгилаш ҳамда назария ва усул бирлигини таъминлашdir.

Методологик функцияси эса ўз ичига мантиқий билиш, ўйғунлаштириш ва тизимга солиш, бирлаштириш, кашф этиш, конкрет фанлар билан алоқани шакллантиришни олади.

Фалсафа ўз объекти ва функцияларига кўра маънавий ҳаётимизни гули ҳисобланади. Чунки у мавжуд фанларни, жумладаи, онтология, мантиқ, гносеология, антропология, фаолиятшунослик, сиёсатшунослик, ахлоқ, нафосат, иқтисод, проксиология (уддабуронлик) каби фанлар тараққиётини олий даражада ҳис этиш демакдир.

Бизнинг ягона йўлнимиз ижтимоий ҳаётимизда бегоналашувдан қутулиб, мустақиллик орқали эркинликка чиқишидир. Бизда фалсафа илми инқирозга учрагани йўқ. Балки унга бўлган муносабатимизда йўл кўйган фалсафи фикрлар чайқовчилиги, ҳокимият олдидағи сажда-корчилик ва нодонлигимиз инқирозга юз тутди.

Фалсафа чиндан ҳам фикрларда жамланган замон бўлса, унинг ривожланиши имконияти ҳам чексиздир. Шунинг учун ҳам фалсафада инсон муаммоси алоҳида шахснинг хусусиятларини эмас, балки уни маданият ва ижтимоий-тарихий жараёнларнинг субъекти сифатига бутунликда ўрганилади. Фалсафа мавжуд оламда инсон ўз-ўзини англаши, ўз ўрнини топиши, қадриятларни тўғри белгилаб, ҳаёт мазмунини аниқлаш илмидир. Биз товуқ олдин пайдо бўлганми, тухуми олдин

пайдо бўлганми, деган сафсатавозликни эслатувчи фалсафани нима бирламчи, нима иккиласи, деган кишин сиртмоғидан қутултирувчи йўл топишимиш керак. Бинобарин, ёш илмий мутахассислар учун фалсафадан янги дастур яратиш даври келди. Ўзбекистон ёш илмий мутахассисларни фалсафадан номзодлик минимумига имтиҳон топширишлари учун тайёрланган дастуримиз 4 бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим «Мустақил Ўзбекистоннинг тикланиши ва жаҳон цивилизациясининг фалсафий муаммолари»га бағишиланган. Бу бўлим ўз ичига 7 та мавзуни олади: мустақил Ўзбекистонни жаҳон тарихий тараққиёти жараёнда тутган ўрни; жамият яхлитлигини фалсафий таҳлили, меҳнат ва мулк фалсафаси, сиёсат фалсафаси, маданият фалсафаси, инсон қадриятларининг дунёси, ижтимоий тараққиёт ва унинг мезонлари (Тарихий жараёнларнинг кўп хиллиги ва инсониятнинг келажаги муаммолари).

Иккинчи бўлим «Фалсафа ва фанлар методологиясининг умумий муаммолари»ни ҳал этишга қаратилган. Бу бўлимда 5 йирик илмий жабха ҳал этилади. Фалсафа буюми ва фанлар методологияси, фан қиёфаси, фаннинг келиб чиқиши ва унинг ривожланишини асосий босқичлари, фанни тарихий ривожланишнинг қонуниятлари, ҳозирги замон фанларининг фалсафий ва методологик муаммолари.

Учинчи бўлим «Фаннинг методологик ва дунёқараш муаммолари»ни таҳлил этишга қаратилган. Бу бўлимда табиатшунослик, техника, жамиятшунослик ва гуманитар фанларнинг фалсафий муаммолари таҳлил этилади.

Тўртинчи бўлимда «Фалсафа дунёқарашнинг олий кўринниши, фалсафанинг вужудга келиши. Фалсафа тарихининг асосий босқичлари» муаммолари ёритилади. Бу бўлимда шарқ фалсафаси, қадимги дунё фалсафаси, Ўрта Осиё фалсафаси, XVII—XIX аср Оврупо фалсафаси, XX аср Шарқ ва Farb фалсафаси таҳлил этилади.

Еш илмий мутахассисларнинг фалсафий дунёқарашини шакллантиришдан, аввало ўзбек халқи қолаверса, ўзбек халқи билан ўз тадқирини боғлаган ҳудудимиздаги барча миллатлар манбаатдордир. Чунки халқни жаҳон цивилизациясидаги қадр-қиммати ва салоҳияти унинг илми ва маърифатининг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Ўз халқи манбаатларидан бегоналашмаган мустақил давлат учун бу — мутлақ ҳақиқатdir.

М. САЛОҲИДДИНОВ

СЕССИЯДА СЎЗЛАГАН ЯҚУНЛОВЧИ НУТҚ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг бугунги аҳволига бағишилаб ўтказилаётган сессиянинг қизғин ва баҳсли кечаетгани мақсадга мувофиқдир. Эндиликда танқидга учрамаётган бирор бир соҳани топиш қийин. Жумладан, Ўзбекистонда гуманитар фанларнинг аҳволи бир қадар оғир, ҳатто ачинарли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Узоқ йиллар давомида илмий тадқиқотларнинг айrim соҳалари ва етакчи мавзуларнинг давр талабига мос келмай қолгани бизни қайси соҳалар ва кандай мавзуларда чуқурроқ ишлашимизни белгилаб беради. Сир эмас ҳозирча янгича ишлай олмаяпмиз: аникроғи, руҳиятимизда, тафаккуримизда янгиланиш жараённи суст кечаетир. Фикримизча бундай оғир аҳволга тушиб қолишимишга фақатгина марказни ёмонлаб кўрсатиш учваликчам тўғри эмас.

Бинобарин, қарийб саксон йиллик тарихимиз давомида фанимиз тараққиётида марказнинг ижобий таъсири ҳам катта бўлган. Аксарият олимларимизнинг марказдаги етакчи ҳалол заҳматкаш фан фидойилари кўли остида оёққа тургани ҳам рост. Утган тарихини ҳадеб қоралайвермасдан марказнинг фанни барча соҳалари, жумладан ижтимоий фанлар тараққиётига ўтказган салбий таъсирини ҳам асослаб илм-фан

даргохига кириб келаётган ёш олимларга тушунтириб беришимиз зарур. Чунки, марказ фан тараққиётини бевосита режалаштиришда иштирок этмаган, аксина, маблаг билан таъминлашда қатъий интизомга риоя этилган эди. Барчангизда маълумки, ҳар бир тадқиқот институти фаннинг ички эҳтиёжларидан келиб чиқиб, режа тузишга киришади. Гуманитар фанларда марказнинг кўрсатмаларига кўр-кўронга бўйсуниш бўлгани аниқ. Тўрт томондан социалистик онг, коммунистик онг, партиявий онг, социалистик оила, социалистик муносабат, социалистик хуқуқшунослик, социалистик реализм деявериб қулоқлар батанг қилинган бир шаротда умумий оқимга қарши боришини хаёлга келтириш анча қийин. Шу боисдан кўпчилик олимлар бундай маҳдулликка ички қаршилик кўрсатган бўлсаларда, очиқ-ойдин кураша олмас эдилар.

Утган тарихимиз билан бир қаторда социализм ва социалистик назарияни ҳам бутунлай қоралаш инсофдан эмас. Давримиз мафкураси янгиланар экан, анъанавийлик тамоилилига амал қилиб социализмнинг илгор жиҳатларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Шундай экан, асосан бир ёқлама — ҳом ашё етиштиришга мўлжалланган иқтисоди етарли ривожланмаган Узбекистоннинг келгуси иқтисодий заминига Туркия, Корея ёхуд Америка иқтисодий моделини тўғридан-тўғри кўчириб қўя олмаймиз. Ваҳолонки, Узбекистоннинг ўз ички имкониятлари, етарлича табиий бойликлари мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб бу моделлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Республиканинг раҳбарияти фанимизнинг, жумладан, ижтимоий соҳанинг бугунги аҳволидан ташвишда, олимларимиздан умиди катта. Фанлар академиясига мустакиллик берилгач, табиийки раҳбариятнинг талаби ҳам кучая боради. Иқтисодий аҳвол қанчалик оғир бўлмасин, фундаментал билимларни кенгайтириш ва долзарб муаммоларни ечиш учун сарф-харажат зарур бўлса уни имкон борича кўтаришга шайдирлар.

Кун тартибидаги долзарб масала ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий йўналишларни тўғри белгилашдир. Ишни шундай ташкил этайликки олиб борилаётган тадқиқотлар мустақил давлатимизнинг иқтиносидий маданий тараққиётiga ҳисса бўлиб қўшилсин. Бироқ ҳозирча бу орзуидир.

Академиянинг Узбекистон Ишлаб чиқарни кучларини ўрганиш кенгашида кейинги бир неча йил ичida илмий-техника тараққиётини прогнозлаштириш устида иш олиб борилди. Бу ишлардан кимлар фойдаланяпти, ўларнинг самараси қандай бўлди ҳеч ким айтиб бераолмайди

Пахтачилик комплексида олиб борилган ишлар ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Битта институтда ишлаб туриб турли прогнозлар қилинди. Бир гуруҳ олимлар 6000000 млн тонна пахта етиштирамиз деса, бошқа бир гуруҳи эса ҳал этилиши жумбоқ бўлган Сибирь дарёларининг сув манбаларига асосланиб 8000000 тонна етиштириш керак деб тахмин қилдилар. Мабодо олимларимиз тахмин қилган миқдорда пахта етиштириладиган бўлса халқимизнинг тақдирни нима бўларди, унинг соғлигини сақлаб қола оламизми, сув ресурслари етарлими, йўқми, очиғи булар устида пухта ўйлаб кўрилмади.

Таъналарни эса бутун академия эшилди. Долзарб соҳа ва етакчи мавзуларни белгилашда иқтисодий қийинчиликнинг вақтинча эканлигини ҳисобга олишимиз, бир икки йил чидаб беришимизга тўғри келади. Қисқаси, хамма нарса ўзимизга боғлиқ. Бу ерда кўтаришган бир икки масала бўйича ўз фикримни билдиromoқчиман.

Ёшларнинг куч-кувватидан фойдаланишининг мақбул йўлларини излаб топайлик. Камина якинда ўттиз беш-қирқ яшар фан докторлари билан узоқ сұхбат килди. Үринбосарларимиз халқимизга хизмат қилишга шайдирлар. Уларнинг куч-ғайратлари, интилишлари ва имкониятларидан тўғри ва тўла фойдаланишимиз зарур. Мутахассислар тайёрлашда миқдорга эмас, сифатга эътибор қилиш янгича ёндашувнинг ажралмас қисмидир.

Мустақилликни мустаҳкамлашда колектив эътиборини долзарб муаммоларга қаратиш, тартиб-интизомни сақлаш, қабул қилингани қарорларни ўз вақтида бажариш ютуқларимизнинг гаровидир. Афсуски институтларимизда тартиб бузадиган, ўз вазифасига масъулият билан қарамайдиган ходимлар ҳам йўқ эмас. Бундан ташқари йиллар давомида дурустроқ илмий маҳсулот бермайдиган, битта ёки иккита паст илмий савияда мақола ёзиб, ўзларини фаннинг фидойиси қилиб кўрсатиб, ҳеч кимга гап бермайдиган ходимлар ҳам учраб туради. Институт директорлари бундай бекорчиларга ҳеч иккilanmasdan чора кўрсинлар, мабодо шикоятбозлика мойил бундай зотларнинг тилини қисиқ қилиб қўймасанги фанга салбий таъсири етказиши табий. Келишиб олайлик бир институт таркибида мисол учун юз йигирмата эмас, етмиши беш — саксон илмий ходим ишласин, лекин самарадорлик юқори бўлсин.

Алифбо алмаштириш хусусида:

Зўрма-зўраки сингдирилган кириллицадан воз кечишимиз, имлони ўзгартиришимиз зарур, албатта. Бироқ 50—60 йил бурун бўлгани сингари халқнинг аксарият қисми саводсиз бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Демоқчиманки, олимларимизнинг бундай мураккаб жараёндан четда туришлари мумкин эмас.

Мендан бурун сўзга чиқсан тўқиз нафар нотиқларнинг кўпчилиги академия президиумининг ишларидаги нуқсонларни, шунингдек, айrim шахслар томонидан академияни тарқатиб, уни чет эллардаги сингари университетларга қўшиб юбориш таклифи илгари сурилаётганини ташвиш билан айтиб ўтишибди.

Яқинда президиумнинг фармойиши билан маҳсус комиссия тузилиб, унда тайёр бўлған академия низомини кучга киритиш тартиби ва муҳлати ишлаб чиқилади. Уни амалга ошириш академия потенциалидан тўлароқ фойдаланишга кенг имкон яратади.

Қизиқон укаларимизга шуни айтиб қўйишим керакки, ҳар бир давлатнинг фанини ўзига хос ривожланиш тарихи ва ўз миллый академияси бор. Академия давлатчиликнинг, жумладан миллый маданиятнинг ажralmas қисмидир.

Азизлар, сўзимни тутгатар эканман мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатдан гуллаб-яшнашига хизмат қилишинингизда ҳамманлизига куч-кувват тилайман.

ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР БУИИЧА ИЛМИЙ СЕССИЯНИНГ ҚАРОРИ

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳозирги республикамиз мустақиллиги шароитида ривожланиши ва асосий вазифаларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий сессияси илмий ходимлар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, мутахассисларнинг фаол иштирокида юқори талабчанлик асосида ўтди. Ялпи йиғилиш ва секциялар ишида социалистик қурилиш ва турғунлик йилларида иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, тарихий, маданий жараёнларни ўрганиш соҳасида йўл қўйилган ҳамда илмий тадқиқот ишлари, фан ривожини КПСС сиёсий ғоявий талабларига тўлиғича бўйсундирилиши чатижасида вужудга келган қўпол хато ва зиддиятларга объектив баҳо берилди. Ижтимоий-гуманитар институтлари тадқиқотларида шу муносабат билан вужудга келган бир ёқламалик, нообъективлик, тарихни нотўғри ёритиш далиллари кескин танқид этилди, илмий изланишларнинг реал ҳаёт, иқтисодий-сиёсий ривожланиш талабларидан узилиб қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу хатоларни тузатиш, дунё фани ютуқларини ўзлаштириш, мустақил Ўзбекистон Республикасининг изчил ривожланиш талаблари асосида кенг жаҳон тараққиётига кириб бориш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Сессияда жамият янгиланиши шароитида ижтимоий фанларга нисбатан айрим янгиш ва нотўғри муносабатларнинг вужудга келиши, уларни камситишга бўлган интилишлар қораланди. Ижтимоий фанлар ҳар доим инсоннинг ижтимоий-сиёсий тарбияси, дунёқарашини шакллантириш ва фаол-жамоатчи қилиб етишишишнинг асосий қуороли ва воситачиси бўлиб қолади.

Сессия илмий муҳокамада олға сурилган мулоҳаза ва таклифлар асосида қўйидаги қарорни қабул қилди:

1. Илмий сессиянинг якунлари қўллаб-қувватлансин. Институтларнинг илмий-тадқиқот бўйича республиканинг мустақиллиги ва бозор иқтисадиёти масалаларини ўрганишга қаратилган устивор йўналишлари тасдиқлансин ва уларни амала ошириш учун зарурий тадбирлар ҳаётга жорий этилсин (илова қилинади).

2. Бу якунлар ижтимоий-гуманитар институтларининг илмий кенгашида кенг муҳокама этилиб, жамоа иштирокида кўриб чиқилсин. Институтларда илмий тадқиқот ишлар режаси, юқори малакали мутахассисларни етишиши, қўлэзмаларни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш каби масалалар қайта кўрилиб унга зарур янгилик ва ўзгартишилар кирилтисин.

3. Ижтимоий-гуманитар институтларининг олимлари фаннинг дол зарб масалалари, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, маънавий ва маданий янгиланиш бўйича изланишлар олиб бориши ва кундадалик матбуот, радио ва телекўрсатувларда ҳаётимизнинг турли соҳаларига бағишиланган муҳокамаларда фаол қатнашуви таъминлансин.

4. Институтларнинг илмий тадқиқот режаларида миллий маданиятнинг асоси манбани бўлмиш тарихий-маданий меросни янги талаблар асосида илмий объектив ёритиш, айниқса нотўғри ёритилган, соҳталаштирилган саҳифалар ва оқ доғларни ҳамда хорижий шарқ мамлакатлари билан илмий-маданий алоқалар тарихини чуқур ўрганишга ўтиббор кучайтирилсин.

5. Ижтимоий-гуманитар институтлари бўлимига ҳозирги шароитда бўлим институтлари ўтасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни янада кучайтишиш, уларни замонамизнинг долзарб илмий масалаларини ўрганиш ва ҳал этиш атрофида ривожлантириш чораларини амалга ошириш топширилсин.

6. Академия ижтимоий-гуманитар институтлари раҳбарларига олий ўқув юртлари билан алоқани мустаҳкамлаш, улар билан илмий координация ишларини яхшилаш, уларга илмий тадқиқот, дарслик қўлланмалари ва янги дастурларни тайёрлаш, мутахассислар етишиши каби соҳаларда яқиндан ва фаол ёрдамни кучайтириш топширилсин. Бу масалалар илмий-текшириш режаларида, илмий кенгаш ишларида ўзининг изчил ифодасини топмоғи лозим.

7. Ҳозирда ижтимоий фанларни ўқитишга нисбатан вужудга келган айрим нотўғри муносабатларга чек қўйиш мақсадида ва бу фанларнинг таълим-тарбиядаги муҳим ролини назарда тутиб тегишли юқори ташкилотлар (президентлик Совети, Вазирлар Маҳкамаси, Олий таълим вазирлиги) олдига ушбу фанлар соҳасидаги ўқиши-ўқитишни яхшилаш, мутахассислардан тўғри фойдаланиш масалаларига эътибор кучайтирилсин.

Ижтимоий фан вакилларининг ижтимоий ҳимоясини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

Олий таълим вазирлиги қошида УзР ФА ижтимоий фанлар институтлари вакиллари иштирокида ижтимоий фанларни ўқитиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни кўриб чиқувчи Кенгаш (Совет) ташкил қилиниши тавсия этилсин.

Сессиянинг ташкилий қўмитасига ушбу масалалар бўйича юқори ташкилотларга маҳсус хат-мурожаатнома юбориши топширилсин.

8. Сессиянинг материаллари УзР ФАнинг «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» ойномасининг маҳсус сонларида нашр этилсин.

АХБОРОТ

ИЛМИЙ СЕССИЯНИНГ ИШИ ҲАҚИДА

Узбекистон Фанлар академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимининг ташабуси билан ташкил этилган «Узбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари» мавзуисидаги илмий сессия шу йил 2—3 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Сессия республикамизни мустақиллиги эълон қилиниши муносабати билан ижтимоий фанларнинг долзарб муаммоларини ҳал этилишига багишланган. Илмий сессияда 500 дан ортиқ етакчи олимлар, вазирлик, идора ва жамоат ташкилотларининг ходимлари иштирок этилар.

Сессияни кириш сўзин билан УзФА вице-президенти академик И. Искандаров очди*.

Инглишида илмий маърузалар билан академиклар М. М. Ҳайруллаев, Ш. З. Үро-заев, А. А. Аскаров, УзФА мухбир-аъзолари О. Х. Ҳикматов, А. П. Ҳожиев, А. Каюмов, Ҳ. Пўлатов, фил. ф. д. Т. Мирзаев, т. ф. д. А. Үринбоев сўзга чиқдилар.

УзФА Президенти академик М. Салоҳиддинов якунлувни нутқ сўзлади.

Ундан сўнг маърузалар муҳокамаси 8 секцияда давом эттирилди.

Фалсафа фанлари секцияси (ранс — акад. М. Ҳайруллаев, мувони УзФА мухбир аъзоли А. Валиев, котиб — Д. Нуғмонов) қўйдаги тартибда ўтказилди.

Секция ишида Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг ходимлари, бир қатор олий ўқув юртлари фалсафа кафедрасининг мудирлари иштирок этилар. Маъруса ва муҳокамаларда 20 киши сўзга чиқди, савол-жавоблар, қизғин фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Сўзга чиқканлар ичда Тошкент Йўқтисод университети, Бошқарни институти, Театр санъатшунослик институти, Тошкент Давлат университети ва бошқа олий ўқув юртларининг кафедра мудирлари бор.

Секция ишида қўйдаги таклифлар ўртага ташланди:

— фалсафа соҳасида ўз ечимини кутаётган мунозарали масалалар, маслаҳат талаб долзарб муаммолар тўпланиб қолганилиги ва уларни тез ҳал этиш зарурияти алоҳида таъкидланди;

— бу долзарб ва маслаҳатли масалаларни ўз вақтида кўриб чиқиши учун тез-тез юғилиб фикр алмасиб туриш ва бунинг маълум марказ зарурлиги, хусусан УзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтида Совет ёки шунга ўхшаш қандайдир жамоа ташкил этиши лозимлиги қайд этилди;

— институтни иккига бўлиш — алоҳида Фалсафа институти ва Ҳуқуқ институтига ажратиш таклифи қўллаб-қувватланди ва бошқа собиқ иттифоқ республикаларида — Қозогистон, Украина, Белоруссия, Грузия в. б. бу масала ҳал этилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳокамада қатнашган олимларнинг нутқларида фалсафа фанининг турли масалалари устида фикр юртиди, хусусан:

— фалсафа соҳасидаги илмий-тадқиқот мавзуларини кўриб чиқиши, янгилаш;

— олий ўқув юртларида фалсафа фанларини ўқитиши муаммолари;

— фалсафа фанлари бўйича дастурлар, дарслик яратиш ва бу ишда ҳамкорликни кучайтириш;

— жамиятшуносликнинг ёшлар орасида тарбиявий роли ва аҳамиятини ошириш масалалари.

Муҳокамада сессиямиzinинг умумий қарорига шу масалани киритиш таклиф этилди:

— файласуфлар, умуман ижтимоий фан вакилларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этиш — Олий ўқув юртларида олиб борилаётган нотўғри ишлар, соатларни қисқартириш, мутахассисларни бўшатиш в. б. муносабатлар билан мутахассисларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мўҳим аҳамияти касб этишилиги таъкидланди.

2) Республика олий таълим вазирлигига мурожаат этган ҳолда, ижтимоий фанларни, жумладан, фалсафани институтларда ўқитишини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиши ва чора-тадбирлар тақлиф этилди.

Йўқтисод фанлари секциясида (ранс — УзФА мухбир аъзоли О. Ҳикматов, мувони — УзҚҲФА мухбир аъзоли К. Ҳасанжонов, котиб — и. ф. н. Г. Гофурова) 60 га

* Муаллифларнинг маърузаси ойноманинг ушбу сонида босилган.

яқин республиканинг етакчи иқтисодчи — олимлар иштирок этдилар. Секция ишида Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С. С. Сандқосимов қатнашди.

Секцияда 17 илмий маъруза ёшилтилди, шу жумладан проф. К. Хасанжоновнинг «Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитида Узбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш муваммолари», проф. А. Абдурганиевнинг «Узбекистон Республикасини иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муваммолари ва иқтисодий назариянинг вазифалари», проф. Р. Каримовнинг «Узбекистон иқтисодиётини тубдан ислоҳ этишининг миллий дастури ҳақида», проф. Т. Нуруллаевнинг «Узбекистон Республикаси иқтисодиётни ишлаб чиқариш тизимини қайта қуриш ҳақида», и. ф. д. С. Воҳидовани «Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даврида халқ хўжалигини ривожлантиришининг давлат томонидан бошқариши ташкил қилиш масалалари», проф. А. Қодировин «Ташкил иқтисодий алоқаларни ривожлантириш стратегияси ва уни амалга ошириш босқичлари», академик С. Зиёдуллаевнинг «Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий фан вазифалари», УзФА муҳбир аъзоси К. Бедринциевин «Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон ўртасидаги Республикаларо изланишлар муваммоларини ўрганиш ҳақида», проф. Р. Убайдуллаевнинг «Меҳнат бозорини аниқлашнинг батзи бир услубий масалалари», проф. Е. М. Фатаховин «Бозор муносабатлари шароитида Узбекистон Республикасининг министрлар хом ашё ресурсларидан рационал ва комплекс фойдаланиш муваммолари», доцент М. Н. Ахундиннинг «Ўзбекистоннинг инвестиция потенциали», проф. В. А. Непомняшевин «Республиканинг ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникаий ривожланишининг узоқ келажакка прогноз қилиш услуги», проф. К. М. Екубовнинг «Меҳнат унумдорлиги масалалари ва иқтисод фанининг вазифалари», и. ф. н. Р. Т. Толибжоновнинг «Узбекистон мустақил давлатининг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан халқ истеъмол молларига бўлган талабини ўрганиш», и. ф. д. Э. С. Тўхтаевнинг «Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишининг миңтақавий муваммолари».

Секция ишининг охирда акад. И. Искандаров сўзга чиқди. Ҳозир Республика учун қўйин иқтисодий шароитда олимлар иқтисодиётни бўхрондан олиб чиқишининг турили ўйларини изламоқдalar. Иқтисодиёт фанлари олдида бир қатор янги вазифалар турибди, булаq қўйнадагилардан иборат:

- халқ хўжалигининг тармоқлашаро тизимини илмий асослаб бериш;
- мустақил Узбекистон Республикасини инвестицион сиёсатини назарий томондан асослаб бериш;
- Узбекистон иқтисодиётини ривожланиш моделини ишлаб чиқиш;
- нарх-наво ва солиқ солиш муваммолари;
- миллий валютоти жорий қилиниш муваммолари ва бошқалар.

Ушбу шароитда барча иқтисодчи олимларнинг интилишларини бир ерга қаралозим. Секция ишида ўзаро фикр ва мулоҳазалар алмашинилди.

Хуқуқ фанлари секциясида (раис — академик Ш. З. Үрозаев, мувовин — и. ф. д. А. Х. Сандов, котиб — Л. Қаримова) ҳам бир қатор институт, идора ва ташкилотлардан келган йирик хуқуқшунон олим ва мутахассислар ўз илмий маърузалари билан иштирок этдилар.

Узбекистонда давлат ва хуқуқ ҳақидаги фанининг янги вазифалари, Республика нинг давлат мустақиллигига эришуви, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши сабабларига оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бунда хуқуқ фанининг ютуқларидан фойдаланилган холда ёсқирган мавзуларни ўзгартриш ижтимоий-сиёсий ҳаёт тақо зосига кўра янги давлат муваммоларига тадқиқ этиш лозим. Бу вазифалар хуқуқ фанларининг хусусиятларини инобатта олган ҳолда ҳал этилиши керак.

Аввало, давлат ва хуқуқ тўғрисидаги назарий билимларни янада ривожлантириш зарур. Давлат ва хуқуқнинг ҳозирига ўтиш давридаги ролини ўрганиш жиддий аҳамиятга эга. Бунинг учун кўпгина хуқуқий муваммоларни чет эл тажрибаси билан тақослагб ўрганиш лозим. Шунингдек, хорижий Осиё ва Шарқ давлатлари, турили тингдаги давлатлар, хусусан Узбекистон ва Туркия хуқуқий тизимларини тақослагб ўрганиш талаб этилади.

Узбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви ўтмишдаги маънавий қадриятларга бўлган муносабатларни тубдан ўзгартриб, ўтой бой давлат — хуқуқий тархиҳ тажрибани мукаммал ўрганишини, давлат ва хуқуқ ҳақидаги ажоддларимиз қолдирган фикрларни илмий умумлаштириш катта сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Узбекистоннинг давлат мустақиллигига эришуви муносабати билан унинг Ҳалқаро муносабатлардаги хуқуқий муваммоларини ўрганиш лозим.

Узбекистоннинг бозор иқтисодиётiga ўтиш фуқаролик ва хўжалик хуқуқи фанини янада тараққий эттиришини талаб этиади. Улар доирасида янги хўжалик тузилмаларининг хуқуқий ҳолатини, мулкий, айниқса, хусусий мулк муносабатларини янги иқтисодий муносабатлар шароитида шартномаларининг роли каби муваммоларини ўрганиш олга сурилади.

Белгиланаётган илмий-назарий, амалий муваммоларни яхшироқ ҳал этиш мақсадидаги Фанлар академияси таркибида мустақил давлат ва хуқуқ институтини ташкил этиш лозим деб топилсин.

Тарих ва археология фанлари секциясида (раис — академик А. Асқаров, мувовин — и. ф. и. Р. Сулеймонов, котиб — т. ф. и. М. Жўраев) акад. А. Асқаров қисқача кириш сўзида тарих фанининг дозирги аҳволи, ундан тўсиқ ва камчиликлар, унинг кела-

жаги ҳақида умумий фикрлар берилганинги, бугунги секция ишида эса тарихчи олимларининг таклиф ва мулоҳазаларини эшитиш мұхым эканлигини ва шу асосда тарих фиксинг мустақиллик шаронтида устинор йұнайлишларини белгилаш зарурлигини қайд этди.

Маърузаларда академик Э. Юсупов, ҮзФА мұхбир атъозси А. Мұхаммаджонов, ҮзФА мұхбир атъозси Ү. Исломов, т. ф. д. Ҳ. З. Зиёев, т. ф. д. Ҳ. Бобеков, т. ф. д. Р. Г. Мұкминова, дорилғун проф. А. Отажонов, т. ф. д. Ф. Исқоқов, т. ф. д. Р. Нуруллин, т. ф. д. И. Олимов, т. ф. д. Р. Қаримов, американник ўзбек мұхожири, ёзувчи Рұзи Назар, т. ф. д. Н. Содиқов, ТошДУ доц. С. Холбоев, т. ф. н. Н. Ҳабибулаев, т. ф. н. С. Альзамхұжасев, т. ф. н. Р. Сулаймонов сұзға чиққылар.

Секция ишининг асосий хуосалары құйидагилардан иборат:

— Ўзбекистон халқлары тарихини янгича талқын этиши асосида адолатты ёритиш, яқин ғыллар учун энг мұхим ва зарурды устивор илмий йұнайлишларни таңлаб олиш, илмий изланишлар олиб борндаётган илмий мавзуларни, йұнайлишларни шу күннинг талабы асосида қайтадан күріп чиққыш лозим;

— ёш тарихчи мутахассисларның тайёрлашын тубдан ўзгартырыш ва такомиллаштыриш шу күннинг талабидир. Айнанça, Ўзбекистон халқлары тарихининг қадимиги ва ўрта асрлар даврини ўрганадиган, эски тарихиң күләэмларни ўқый оладын мутахассис тарихи вәзінен шағындағы мутахассислар етишишири, ана шулардан етук илмий ходимлар, аспирантлар да тайёрлаш мүхимдір.

Адабиётшоунослик секциясыда (раис — фил. ф. д. Т. Мирзаев, мувовин — фил. ф. д. Э. Қаримов, котиб — фил. ф. н. И. Самандаров) филология илмининг түрлі масалаларын бағыншыланған етти маъруза бўлди ва саккиз киши сұзға чиқди. Маърузаларда адабиёт назариясини, ўзбек адабиёт тарихини янгидан яратиш, бадиийлик, адабиёт ва тасаввұф, адабиётларро муносабат, якни давр адабиётининг шаклланышы мұаммоларни тадқиқ қилиши масалалари мұхокама этилиб, құйидаги таклифлар ўргата ташланди:

— Адабий мерос ва адабиётни ўрганиш мати (текст)дан бошланади. Матншүнослик эса, Фанлар академияснда оқсаб келаётган соҳаларданadir. Шунинг учун ҳам институтларнинг илмий йұнайлишiga қараб, Алишер Навони номидаги Адабиёт, Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлэзмалар, Беруний номидаги Шарқшұнослик институтлари таркибида матншүнослик бўлнимини очиш зарур;

— илмда эришилган натижалар асосида Президентлик девони ва ҳұкуматга республикамизды маданий-маънавий ҳәдени яхшилашга оид тавсиялар бериб туриш керак;

— олимларнинг ижтимои ҳимоясинан янада яхшилаш зарур;

— бошқа соҳаларда бўлганидек, адабиёт ва санъатда ҳам Ислом мағкурасининг таъсири бир томонлама талқын қилинмоқда. Шунинг учун ҳам бу масалага доир маълум бир дастур ишлаб чиққыш керак.

Тишишүнослик секцияси (раис — ҮзФА мұхбир-атъозси А. Ҳожиев, мувовин — фил. ф. д. Ш. Шукуров, котиб — фил. ф. н. Н. Маҳқамов) ишида 56 киши қатнаши, 7 киши мунозаралардан иштирок этди.

ЎзФА мұхбир атъозси И. Қўчқортөевининг «Мустақиллик ва туркология мұаммолари», фил. ф. д. А. Абдуазизовнинг «Тил ўргатиш масалалари», фил. ф. д. Н. Маҳмудовнинг «Ўзбек алифобосиниң тақомиллаштыриш масалалари», фил. ф. н. С. Қараевнинг «Истикъолол ва топонимика», ф. ф. д. Ш. Шукуровнинг «Мустақиллик ва тил тарихини ўрганиш», фил. ф. д. Р. Доңиёровнинг «Ўзбек терминологиясининг долгзарб вазифалари», фил. ф. н. К. Назаровнинг «Ўзбек имлоси масалалар» каби маърузалар тингланди.

Секцияда билдирилган асосий таклифлар мазмұн:

— ўзбек ва бошқа тилларни ўргатын сифатини ҳамда уларга бўлган талабни янада ошириш мақсадида Тил ўргатиш марказини ташкил этиш;

— ўзбек тили мутахассисларни тайёрлаш мұаммоларини қайта кўриб чиққыш;

— ўзбек ёзуви мұаммоларини ўрганиш илмий гурӯхини ташкил қилиш;

— давлат тилида иш юритиш ва ҳужжатчилик ишларини тартибиға солиш гурӯхини ташкил этиш;

— терминларин, жой номларини тақомиллаштыриш, тартибиға солишини асосан мутахассисларга топшыриш ва унинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиққыш.

Манба шүнослик шархи тарихи секциясининг (раис ҮзФА мұхбир атъозси А. Қаюмов, мувовин — т. ф. д. А. Үрінбаев, котиб — фил. ф. н. Б. Ваҳобова) ишида Шарқшұнослик Қўлэзмалар институтларнинг илмий ходимлары ва Тошкент Давлат Шарқшұнослик ўқув институты вакиллари иштирок эттилар. Секцияда ҳаммаси бўлиб 24 маъруза тингланди. Уларда, асосан қўлэзма асарларни асраш, илмий тадқиқ этиш, ўтмишизмизнинг ўрганимай қўлини кеттаган саҳифаларини ёртиш ҳақида баҳс этилди, ҳамда хорижий шарқ мамлакатлари тарихи, иқтисодиёти ва маданияти билан боғлиқ бўлган илмий йұнайлишларни республикамиз мустақиллиги ўттижелари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш бориши каби мұаммолар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Олимлар секцияда құйидаги асосий фикрларнан таъқидлаб ўтдилар:

— қўлэзмалар фондларини сақлаш, янада бойитиш, таъмирлаш, ўрганиши ва оммалаштыриш ишларини барча соҳаларда ҳозирги замон талабларига мувофиқлаштириш; жаҳон китобхоналарида мавжуд бўлган Урта Осиё фан-маданияти тарихига оид нодир қўлэзма асарларни микрофильм нусхаларини олиб келиб, «микрофильмлар фондн» ташкил этиш;

— жаҳон қўллэзма фондлари ва шарқшунос олимлари билан илмий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида бизда тайёрланган қўллэзмалар фехристларини шарқ ва гарф тилларига таржималарни бажариб нашр этиш;

— нодир қўллэзма асарларни танқидий матнларини тузиш; таржима қилиш, уларни илмий изоҳлари билан нашр қилиш масалаларини тезлаштириш, айниқса, илмом тарихи ва у билан боғлиқ ҳар турли муаммолар, Темур ва Темурийлар, Бобурийлар даврига, Урта Осиё хонликлари ва уларни Россия томонидан босиб олниши масалаларига оид ёзма манబалар ва ҳужжатларни илмий нашр этиш, шунингдек, Урта Осиё фан-маданияти намояндадари муҳим роль йўнаган Бағдод академияси, Хоразм ва Самарқанд илмий мактаблари фаолиятини чукур ӯрганиш;

— хорижий шарқ давлатларининг ҳозирги аҳволига бағишланган асарлар тизимиши вужуджади келтириш, илмий изланишларда ана шу мамлакатлар билан Урта Осиё ҳалқларни ўртасидаги савдо-иқтиносид, адабий ва маданий муносабатлар тарихини ёритишига алоҳида эътибор бериш, Урта Осиё давлатлари дипломатия тарихига оид масалалар юзасидан илмий тадқиқотларни яратиш, хорижий шарқ мамлакатлари ички муаммоларини ўрганишда исломнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги роли ва мавқеига алоҳида эътибор бериш;

— миризо Улугбекнинг таваллудига 600 йил тўлиши (1994)ни жаҳон миқёсида нишонлашга тайёргарликни кечикитирмай «Энжи жадиди Курагоний» асарининг русча таржимасини ва Самарқанд мактабига оид бошқа асарларни ўз вақтида нашр этиш учун ташкилий ва моддий шароит яратиш лозимлиги масаласига ЎзР ФА Президиуми эътиборини тортиш;

— Урта Осиёда араб ёзувидан илгари бошқа ёзувлар бўлганилгини ҳисобга олган ҳолда, бизгача етиб келган илк ёзма ёдгорликларининг битилганига 2300 йил тўлишини нишонлаш.

Еш илмий мутахассисларнинг дунёкарашини шакллантириш муаммолари секцияси (раис — ЎзФА мухбир аъзоси Ҳ. Пўлатов, муовин — ф. ф. д. К. Мусаев, котиги — Б. Хасанов) мазкур масалани фалсафа олимлари ва илмий-педагогик мутахассисларнинг фаол иштирокида муҳокама қилинди. Муҳокамада 20 та фан докторлар, фан номзодлари, педагог — тарбиячи мутахассислар сўзга чиқдилар. Улар республикамиз мустақилик сари дадил қадамлар билан кетаётган бир шароитда ёш илмий мутахассисларнинг дунёкарашларни шакллантириш муаммолари юзасидан катор кимматли фикрларни айтдилар; Фалсафа ўтмишда, ҳозир ҳам, келажакда ҳам кишиларни дунёкарашини шакллантирища энг муҳим восита бўлиб келди ва бундан кейин ҳам ана шундай бўлиб қолади. Чунки, фалсафа мазмуниди инсоният — маданий тараққиётининг бир бутун даври, қараша аks этади. Фалсафани инсон ҳаётидан, хусусан ёш илмий мутахассисларнинг кундаклик ҳаётидан мутлақо ажратиб бўлмайди; фалсафа — инсониятнинг бир неча йиллик тарихий тараққиётни давомида яратилган кишилилк маданийтдининг ажралмас таркибий қисмидир, фалсафа — инсониятнинг буюк маънавий бойлигининг синтезлашган мажмусидир. Фалсафа, жаҳон, шу жумладан шарқ фалсафаси бир бутун аждодлар томонидан яратилган маданий-тарихий мероснинг барча дурдоналаридан бекаму кўст фойдаланган ҳолда табиий техникавий, ижтимоий-гуманинтар фанлар эришган улкан муваффақиятларига суюниш асосида шаклланиб ва ривожланиб бориши билан бир қатордан кишиларда, айниқса ёшларда олам ҳақидаги бир бутун, яхлит дунёкарашини шаклланишида назарий пойдевор вазифасини ўтайди.

Олимлар, мутахассис педагоглар чиқишиларида шу нарса алоҳида уқтириб ўтилиди, фақатгина фалсафали фанин ёш олимдан фан ва умумбашарий муаммоларни билишда, жамият, инсон тафаккурининг объективи қонунларини билиш ва ўзлаштириш асосида мавжуд муаммоларни очиш, реал амалий таъсир этиши йўлларини, дунё, ижтимоий муҳитни ўзгартирниш, қайта қуриш йўл-йўриқларни кўрсатиб беради, шунингдек, воқеалар ривожланишини олдиндан кўришга, умуминсоний муаммоларни ҳал этишига ёрдам беради. Илмий фалсафий дунёкараш мазмунини шундаки, у дунё, воқеялни қандай бўлса, уни шундайлигича, ҳеч бир ёт қўшимча ва ўйдирмасиз, ҳеч қандай муболагасиз тушунтиради. Илмий фалсафий дунёкараш ҳамма фалсафий шу жумладан марксистик фалсафий қарашларни, идеалистик, диний қарашларни камситмайди, балки уларнинг илмий, тараққиётпарвар, инсоний, ахлоқий лузимларидан фойдаланади. Илмий фалсафий дунёкараш, хусусан унинг методологиси фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамияти касб қилиади. Илмий фалсафий дунёкараш амалиёт учун, шу жумладан, ҳамма хусусий фанлар учун қўлланмайди. Илмий фалсафий дунёкараш барча фанлар, шу жумладан табиий фанлар билан алоқада бўлади; Еш олимларни умум илмий-фалсафий методология билан қуроллантиради, уларни илмий изланишига кўмаклашади, «Йўлчи Юлдуз» каби тўғри йўл-йўриқларни кўрсатиб беради. Бинобарин, илмий-техника инцизоби ва жамиятнимизинг барча жабжаларидаги содир бўлган ўзгаришлар давом этастган бир шаронтида фалсафий билимларини янада чукурроқ ўрганишиликни ва уни янги шакл ва усулларини ва воситаларини қайтадан тақомиллаштиришини давр тақозо қилимояд.

Секция ишида қўйидаги хулосаларга эришилди:

— республикамиз истикодл ўйлани ташлаб олган бир шаронтида, ёш илмий мутахассисларни тайёрлашни кенг қамровили давлат дастурини ишлаб чиқишни зарур деб топади;

— ёш илмий мутахассисларнинг дунёкарашини шакллантириш ва таълим-тарбия ишларини янги шакл ва усулларини ўзида мужассамлаштирган илмий фалсафанинг

аспирант ва ёш илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган янги ўқув дастурини ишлаб чиқиши мақсадага мувофиқ деб топилсин. (Янги дастур инсоният — фалсафа қадриятларини ўзинда мужассамлаштирган жаҳон, шарқ, шу жумладан Урта Осиё фалсафий меросларини чукур ўрганишга кенг ўрин берни зарурлигини ҳисобга олган ҳолда тузиленсин);

— янги тузиленган дастур асосида аспирант ва ёш тадқиқотчиларни номзодлик имтиҳонин тайёрлашнинг илмий-услубий жараёнларини такомиллаштириш ишлари Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа кафедраси зиммасига юклатилисин;

— ёш мутахассислар билан хәрижий давлат олимлари Ўртасида илмий-ижодий алоқаларни йўлга кўйилсин, ёш илмий мутахассисларни тайёрлашни ишларини ҳар тарафлама кучайтириш мақсадида чет тиллари кафедраси қошида чет тилларини ўргатиш марказини ташкил қилиш мақсадага мувофиқ деб топилсин.

Илмий сессиянинг якунловчи ялпи йигилишида ЎзФА мухбир аъзоси И. А. Султонов сўзга чиқди. Олимнинг асосий хуносаси шундан иборат: «Охирги вақтда ҳамма фанлар ўзларини специфик вазифаларидан узоқлашдилар, Туркистон мухторияти ва унинг гоявий ифҳомчилари бўлган жадидизм намояндадарига бизнинг мактаб ва олий ўқув юртлари дастурларида тегишли ўрин берилиши ва уларнинг номи абадийлаштирилиши лозим.

Тил ва ёзув масалаларини ҳал этишда биз аввалгидек шошима-шошарликка йўл кўймоқдамиз. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги маънени мустаҳкамлаш, миллий тилимизни ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида кенг қўлланилишини таъминлаш билан бир қаторда, менимча, янги аллифога кўчишига шошаслик керак, чунки бу жуда муҳим иш билан боғлиқ бўлган катта муаммолар туркуми ҳали илмий жиҳатдан етарлик ишланган эмас. Махсус обрўи илмий комиссия тузуб, хат ва имло масалаларини бундан кейин тузатишларга мухтоҷ бўлмайдиган бир даражада ишлаб чиқиши учун бу комиссияга етарлик муддат берни зарур».

Шундан сўнг ялпи йигилишда секция раҳбарларини ҳисоботлари эшистилди ва илмий сессиянинг умумий қарори қабул қилинди.

Сессия ишини якунлаб, ЎзРФА вице-президенти И. Искандаров ижтимоий-гуманитар фанлар ходимлари олдида турган мураккаб масалаларни атрофлича таҳлил этишини, республиканизмнинг бой потенциалидан фойдаланиб унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга имкон яратишни, ва бу мавзудаги долзарб муаммоларни кечиктирамай республика даражасидаги илмий-амалий аникуманда муҳокама қилиниши мақсадага мувофиқ эканлигини таъкидлади.

Шу билан ЎзФА Ижтимоий-гуманитар фанларнинг республика мустақиллигидан келиб чиқсан ҳолда фаннинг вазифаларига бағишлиланган илмий сессияси ўз ишини таъомлади.

К. К. Шоакромов

МУНДАРИЖА

«Ўзбекистон Республикасининг мустақиллiği ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари» мавзусидаги илмий сессиянинг материаллари

И. И. Искандаров. Кириш сўзи.	3
М. М. Ҳайруллаев. Жамиятни янгилаш даврида фалсафа фанининг муҳим масалалари.	6
О. Ҳикматов. Бозор шароитида иқтисод фанининг долзарб вазифалари.	11
Қ. А. Хасанинов. Бозор иқтисоддига ўтиш даврида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш муаммолари.	16
Ш. З. Урзазеев. Мустақиллик ва ҳуқуқий тизимнинг шаклланиши.	20
А. Асқаров. Ўзбекистон мустақиллiği шароитида тарих фанининг вазифалари.	24
Т. Мирзаев. Ўзбек адабиётшунослиги олдиаги вазифалар.	30
А. Ҳожиев. Ўзбекистоннинг мустақиллiği ва ўзбек тилишшунослигининг долзарб масалалари	33
А. Уринбоеев. Ўзбекистон мустақиллiği ва шарқшуносликнинг долзарб муаммолари.	37
А. Қаюмов. Қўллэзма меросни ўрганиш масалалари.	42
Ҳ. П. Пўлатов. Ешилмий мутахассисларнинг дунёкарашини шакллантириш муаммолари.	46
М. Салоҳидинов. Сессияда сўзлаган якунловчи нутқ.	54
Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича илмий сессиянинг қарори.	56
Ахборот	
Қ. К. Шоакромов. Илмий сессиянинг иши ҳақида.	58

СОДЕРЖАНИЕ

Материалы научной сессии на тему: «Независимость Республики Узбекистан и задачи общественно-гуманитарных наук»

И. И. Искандеров. Вступительное слово.	3
М. М. Хайруллаев. Важные вопросы философской науки в период обновления общества.	6
А. Хикматов. Актуальные задачи экономической науки в условиях рынка.	11
К. А. Хасанджанов. Проблемы развития производительных сил в условиях перехода к рыночной экономике.	16
Ш. З. Уразаев. Независимость и формирование правовой системы.	20
А. Аскаров. Задачи исторической науки в условиях независимости Узбекистана.	24
Т. Мирзаев. Очередные задачи узбекского литературоведения.	30
А. Хаджиеев. Независимость Узбекистана и актуальные вопросы узбекского языкоznания.	33
А. Урунбаев. Независимость Узбекистана и актуальные проблемы востоковедения.	37
А. Каюмов. Вопросы изучения рукописного наследия.	42
Х. П. Пулатов. Проблемы формирования мировоззрения молодых ученых.	46
М. Салахитдинов. Заключительная речь на сессии.	54
Решения научной сессии по общественно-гуманитарным проблемам.	56
Хроника	
К. К. Шаакрамов. О работе научной сессии.	58

Редакторы *М. Шамсутдинова, И. Маркман*
Технический редактор *Н. Абдурахмонова*

Регистр. № 000055. Сдано в набор 11.09.92. Подписано к печати 13.10.92. Формат 70×108^{1/16}. Бумага газетная. Гарнитура литературная. Печать высокая. Усл. печ. л. 5,60. Уч.-изд. л. 5,5. Усл. кр.-отт. 5,81. Заказ 178. Тираж 600. Цена 2 р. 60 к.

Издательство «Фан». АН РУЗ: 700047. Ташкент, ул. Гоголя, 70.
Типография Издательства «Фан». АН РУЗ: 700170. Ташкент, проспект акад. Х. Абдуллаева, 79.

НАШИ АВТОРЫ

- Салахитдинов М.**— академик АН Узбекистана, Президент Академии наук Узбекистана.
Искандеров И. И.— академик АН Узбекистана, вице-президент Академии наук Узбекистана.
Аскаров А.— академик АН Узбекистана, директор Института истории АН Узбекистана.
Уразаев Ш. З.— академик АН Узбекистана.
Хайруллаев М. М.— академик АН Узбекистана, зав. отделом проблем культуры и человека ИФП АН Узбекистана.
Касимов А.— член-корреспондент АН Узбекистана, директор Института рукописей им. Х. Сулеймана АН Узбекистана.
Пулатов Х. П.— член-корреспондент АН Узбекистана, зав. кафедрой философии АН Узбекистана.
Хаджиев А.— член-корреспондент АН Узбекистана, директор Института языкоznания АН Узбекистана.
Хасанджайлов К. А.— член-корреспондент Академии сельскохозяйственных наук Узбекистана, председатель СОПСа АН Узбекистана.
Жукматаев А.— член-корреспондент АН Узбекистана, директор Института экономики АН Узбекистана.
Мирзаев Т.— доктор филологических наук, директор Института литературы им. А. Навои АН Узбекистана.
Уруйбасов А.— доктор исторических наук, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН Узбекистана.

1 р. 30 к.

ИНДЕКС 75349

ISSN 0202—151X. Общественные науки в Узбекистане. 1992 г. № 8